# XALQ TA'LIMI

ILMIY-METODIK JURNAL

*1918-yil dekabrdan chiqa boshlagan* **4-son** (iyul-avgust) **2013-yil**

**MUASSIS:**
O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI XALQ TA'LIMI VAZIRLIGI



**BOSH MUHARRIR**
ASQARALI SULAYMONOV

**BOSH MUHARRIR O'RINBOSARI**
Aliyor ORIPOV

**MAS'UL KOTIB**
Nodira AVAZOVA

**BADIIY MUHARRIR**
Akbarali MAMASOLIYEV

**TAHRIR HAY'ATI**

Ulug'bek Inoyatov
Fayzulla Ahmedov
Yo'ldosh Asadov
Hikmatilla Daminov
Rahimjon Akromov
Risboy Jo'rayev
Islom Zokirov
Hikmatilla Rashidov
Shavkat Sharipov

**JAMOATCHILIK KENGASHI**

Baxtiyor Doniyorov
Abdug'ani Xolbekov
Ulug'bek Abruyev
Erkin Iskandarov
Bahodir Shamsiyev
Norbek Taylaqov
Abdusamat Rahimov
Muhammadjon Quronov



*Jurnal O'zMAA tomonidan 2013-yil 4-martda qaytadan ro'yxatga olinib, 0104-raqamli guvohnoma berilgan.*
*Musahhih: A.Ziyadov*
*Sahifalovchi: M.Xafizova*

*Tahririyat manzili: 100027. Toshkent shahri, Navoiy ko'chasi, 30-uy.*
*E-mail: xalq_talimi@xtv.uz Tel: +99895 177-96-41.*

*Jurnal tahririyatning kompyuter bo'limida terilib, sahifalandi. Bosishga ruxsat etildi: 05.08.2013-y.*
*Qog'oz bichimi 70x1001/16. Ofset bosma usuli. Shartli b.t. 12,0. Adadi 26144 nusxa. 902-buyurtma.*
*"SANO-STANDART" MCHJ bosmaxonasida chop etildi. Manzil: Toshkent shahri, Shiroq ko'chasi, 100-uy*

# МУНДАРИЖА

**DAVLAT TA'LIM STANDARTI**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 8 майдаги “Узлуксиз таълим тизимининг чет тиллар бўйича Давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 124-сонли қарори ........ 3

Ўзбекистон Республикаси узлуксиз таълим тизимининг Давлат таълим стандартлари ........ 4

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгариш ва қўшимчалар ........ 33

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 2013 йил 14 майдаги “Узлуксиз таълим тизимининг чет тиллар бўйича Давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурларини амалиётга жорий этиш тўғрисида”ги 163-сонли буйруғи ........ 41

Умумий ўрта таълим мактаблари учун инглиз тили ўқув дастури ........ 44

Умумий ўрта таълим мактаблари учун немис тили ўқув дастури ........ 76

Умумий ўрта таълим мактаблари учун француз тили ўқув дастури........108

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ**

**Қ А Р О Р И**

**П О С Т А Н О В Л Е Н И Е**

**КАБИНЕТА МИНИСТРОВ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

«8» май 2013 й. № 124 Тошкент ш. – г. Ташкент

## Узлуксиз таълим тизимининг чет тиллар бўйича давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2012 йил 10 декабрдаги ПҚ–1875-сон қарорини бажариш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Узлуксиз таълим тизимининг чет тиллар бўйича давлат таълим стандартлари 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Узлуксиз таълим тизимининг чет тиллар бўйича давлат таълим стандартлари 2013 – 2014 ўқув йилидан бошлаб босқичма-босқич амалиётга жорий этилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 2-иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

3. Вазирликлар ва идоралар бир ой муддатда ўз идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини ушбу қарорга мувофиқлаштирсинлар.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.И.Икрамов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг**
**Бош вазири** **Ш. Мирзиёев**





*Вазирлар Маҳкамасининг*
*2013 йил «8» майдаги 124-сон қарорига*
*1-илова*



# ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ СТАНДАРТИ

**Ўзбекистон Республикаси узлуксиз таълим тизимининг Давлат таълим стандартлари**

Чет тиллар бўйича таълимнинг барча босқичлари битирувчиларининг тайёргарлик даражасига қўйиладиган
ТАЛАБЛАР

## УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

Давлат таълим стандартлари ўқувчи ва талабаларнинг чет тиллар бўйича билим ва тайёргарлик даражаларини белгилаб беради, ўқув режа ва дастурлар, дарсликлар, қўлланмаларни ишлаб чиқишда асос бўлиб хизмат қилади.

Чет тиллар бўйича давлат таълим стандартини ишлаб чиқишда қуйидаги меъёрий ва қонун ҳужжатлари асос қилиб олинди:

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси;

Бирлашган миллатлар ташкилотининг бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияси;

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида», «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида»ги қонунлари;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2012 йил 10 декабрдаги ПҚ-1875-сон қарори;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Умумий ўрта таълим давлат стандартларини тасдиқлаш тўғрисида» 1999 йил 16 августдаги 390-сон ва «Ўрта махсус таълим давлат стандартларини тасдиқлаш» 2000 йил 16 октябрдаги 400-сон қарорлари;

– O`z DSt 1.0:1998. Ўзбекистон Республикаси давлат стандартлаштириш тизими. Асосий қоидалар;

– O`z DSt 1.1:1992. Ўзбекистон стандартлаштириш тизими. Давлат стандартларини ишлаб чиқиш, келишиш, тасдиқлаш ва давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби;

– O`z DSt 1.9:1995. Ўзбекистон Республикаси стандартлаштириш давлат тизими. Тармоқ стандартларини ишлаб чиқиш, келишиб олиш, тасдиқлаш ва рўйхатга олиш тартиби;

– O`z DSt 1157:2008. Ҳужжатларни унификациялаштириш тизими. Ташкилий-фармойиш ҳужжатлар тизими. Ҳужжатларни расмийлаштиришга бўлган талаблар.

Ўзбекистон Республикаси узлуксиз таълим тизимида Давлат таълим стандартларига асосланган ҳолда чет тилини ўрганиш қуйидаги босқичларда амалга оширилади:

| **Таълим босқичи** | **Битирувчилар** | **Умумевропа халқаро стандарти даражалари** | **Даража номланиши** |
|---|---|---|---|
| Умумий ўрта таълим | Бошланғич синф (4-синф) битирувчилари | **A 1** | Чет тилини ўрганишнинг бошланғич даражаси |
| | 9-синф битирувчилари | **A 2** | Чет тилини ўрганишнинг таянч даражаси |
| | Чет тиллар чуқурлаштириб ўқитиладиган ихтисослаштирилган мактабларнинг 9-синф битирувчилари | **A 2+** | Чет тилини ўрганишнинг кучайтирилган таянч даражаси |
| **Ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими** | Чет тилларга ихтисослашмаган академик лицейлар битирувчилари | **B 1** | Чет тилини ўрганишнинг мустақил бошланғич даражаси |
| | Касб-ҳунар коллежлари битирувчилари | | |
| | Чет тилларга ихтисослашган академик лицейлар битирувчилари (иккинчи чет тили) | | |
| | Чет тилларга ихтисослашган академик лицейлар битирувчилари | **B 1+** | Чет тилини ўрганишнинг кучайтирилган мустақил бошланғич даражаси |
| **Олий таълим** | Олий таълим муассасаларининг ихтисослиги чет тили бўлмаган факультетлари бакалавриат босқичи битирувчилари | **B 2** | Чет тилини ўрганишнинг мустақил мулоқот даражаси |
| | Олий таълим муассасаларининг ихтисослиги чет тили бўлмаган факультетлари магистратура босқичи битирувчилари | | |

| Таълим босқичи | Битирувчилар | Умумевропа халқаро стандарти даражалари | Даража номланиши |
|---|---|---|---|
| Олий таълим | Олий таълим муассасаларининг ихтисослиги чет тили бўлган факультетлари бакалавриат босқичи битирувчилари (иккинчи чет тили) | B 2 | |
| | Олий таълим муассасаларининг ихтисослиги чет тили бўлган факультетлари бакалавриат босқичи битирувчилари | C1 | Чет тилини ўрганишнинг эркин мулоқот даражаси |
| | Олий таълим муассасаларининг ихтисослиги чет тили бўлган факультетлари магистратура босқичи битирувчилари | | |



Мазкур стандарт асосида чет (инглиз, француз, немис ва бошқа тиллар) тиллари бўйича таълим муассасаси хусусиятларини инобатга олган ҳолда давлат аттестацияси учун назорат-баҳолаш кўрсаткичлари, ўқув дастурлар ишлаб чиқилади ва тегишли вазирликларнинг буйруқлари билан тасдиқланади.

## ДАВЛАТ ТАЪЛИМ СТАНДАРТИНИНГ ТУЗИЛИШИ

Чет тиллар бўйича узлуксиз таълим учун давлат таълим стандарти қуйидагиларни белгилаб беради:

ўқув фанининг мақсад ва вазифалари;

чет тилини ўқитиш ва ўрганишнинг мазмуни;

таълимнинг барча босқичларида таълим муассасалари битирувчиларининг мажбурий тайёргарлик даражаларига қўйиладиган талаблар.

## ЎҚУВ ФАНИНИНГ МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИ

Ўзбекистон Республикасида таълимнинг барча босқичларида чет тилини ўқитишнинг асосий мақсади ўрганувчиларнинг кўп маданиятли дунёда кундалик, илмий ва касбга оид соҳаларда фаолият олиб бориши учун чет тилида коммуникатив компетенциясини шакллантиришдан иборат.

Чет тили коммуникатив компетенцияси – ўрганилаётган чет тили бўйича эгаллаган билим, кўникма ва малакаларни мулоқот жараёнида қўллаш қобилиятидир.

Компетенциялар қуйидаги гуруҳларга ажратилади:

Лингвистик компетенция тил материали (фонетика, лексика, грамматика) ҳақида билимлар ва нутқ фаолияти турлари (тинглаш, гапириш, ўқиш ва ёзиш) бўйича кўникмаларни эгаллашни назарда тутади.

Социолингвистик компетенция сўзловчининг бирор бир нутқий вазият, коммуникатив мақсад ва хоҳиш-истагидан келиб чиққан ҳолда керакли лингвистик шакл, ифода усулини танлаш имконини яратади. Социолингвистик компетенция ижтимоий-маданий компетенцияни ўз ичига олиб, аутентик нутқнинг миллий хусусиятла-

рини: ўзи яшаётган мамлакатнинг урф-одатлари, қадриятлари, маросимлари ва бошқа миллий-маданий хусусиятларни билиш ҳамда тили ўрганилаётган мамлакат билан таққослаган ҳолда тақдим эта олиш қобилиятини кўзда тутади.

Прагматик компетенция ўрганилаётган чет тилида коммуникатив вазиятда тушунмовчиликлар пайдо бўлганда такроран сўраш, узр сўраш ва ҳоказолар орқали мураккаб вазиятлардан чиқиб кета олиш қобилиятини назарда тутади. Мазкур стандартда дискурс компетенцияси прагматик компетенция таркибига киритилди. Мазкур компетенция оғзаки ёки ёзма нутқда фикрларни тегишли тил воситалари орқали ифодалашни назарда тутади. Дискурс компетенцияси оғзаки ёки ёзма нутқдаги изчилликни таъминлашда лингвистик сигналларни тушуниш ва интерпретация қилиш кўникмаларини назарда тутади.

## ТАЪЛИМ МАЗМУНИ

Таълим мазмуни умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар ва олий таълимнинг фанлар бўйича ўқув дастурларига киритилган мавзулардан иборат. Ўқув материали таълимнинг барча турларида узвийлик, узлуксизлик ва даврийликни таъминлайди. Ҳар бир таълим босқичида мазкур стандарт мазмунидан келиб чиққан ҳолда ўқув дастурлари ва дарсликлар ишлаб чиқишда минимум сифатида фойдаланилади.

## ТАЪЛИМНИНГ ҲАР БИР БОСҚИЧИДА БИТИРУВЧИЛАР ЭГАЛЛАГАН БИЛИМ, КЎНИКМА ВА МАЛАКА ДАРАЖАЛАРИГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР

Битирувчиларнинг чет тиллар бўйича эгаллаган билим, кўникма ва малака даражаларига қўйиладиган талаблар таълим мазмунига мувофиқ ишлаб чиқилган, умумий ўрта таълим, ўрта махсус, касб-ҳунар ва олий таълим бўйича узвий бўлиб, нутқ кўникма ва малакаларнинг дескрипторлари “can do” мазмунида тасвирланган ҳамда керакли жойларда грамматика, лексика, фонетика ва орфография билан тўлдирилган. Халқаро стандартларга мослаштириш мақсадида нутқ кўникма ва малакаларнинг дескрипторлари чет тилларни билишнинг умумевропа тизимига ўзаро боғлиқ ҳолда олинди ҳамда улар содда ва тушунарли шаклда берилди. Битирувчилар эгаллаган билим, кўникма ва малака даражаларига қўйиладиган талаблардан келиб чиқиб, дескрипторлар:

– ҳар бир даражани тўлиқ эгалланганликни таъминлаш учун таълимнинг барча босқичида ўқув дастурлари ва дарсликларни ишлаб чиқишда тузувчилар томонидан инобатга олиниши,

– Ўзбекистон Республикасида таълимнинг барча босқичлари битирувчиларининг давлат аттестацияси учун баҳолаш мезонларини ишлаб чиқишда назарда тутилиши лозим.

## ЧЕТ ТИЛИ БЎЙИЧА А1 ДАРАЖА УЧУН ТАЪЛИМ МАЗМУНИ

<table>
<tr><th colspan="3">Компетенциялар</th><th>ТАЪЛИМ МАЗМУНИ</th></tr>
<tr><td colspan="3">Мавзулар</td><td>Кундалик ҳаётга оид мавзулар (шахсий маълумот, оила ҳақида маълумот, бўш вақтни ўтказиш ва ҳоказолар)<br>Ижтимоий ҳаётга оид мавзулар (атроф-муҳит билан ижтимоий алоқалар)<br>Таълимга оид мавзулар (мактаб, ўқиш ва ўқитиш, мактабдаги фанлар ва ҳоказолар)<br>Ижтимоий-маданий мавзулар (Ўзбекистон ва тили ўрганилаётган мамлакатлар (масалан, Буюк Британия, АҚШ, Германия, Франция ва бошқалар) маданиятларини қиёслаш ва таққослаш)</td></tr>
<tr><td rowspan="6">Лингвистик компетенция</td><td rowspan="4">Нутқий компетенция</td><td>Тинглаб тушуниш</td><td>Тинглаш учун мўлжалланган матнлар:<br>дарсга оид кўрсатмалар ва ўқитувчи нутқи<br>эртаклар ва ҳикоялар<br>ўрганилаётган тил соҳибининг тасмага ёзилган нутқи (қўшиқлар, шеърлар, диалоглар ва бошқалар)</td></tr>
<tr><td>Гапириш</td><td>Диалогик нутқ:<br>саломлашиш<br>ўзини таништириш<br>миннатдорчилик билдириш<br>илтимос қилиш<br>маълумот олиш ва бериш<br>узр сўраш<br>табриклаш<br>таклиф этиш ва таклифни қабул қилиш/рад этиш.<br>Монологик нутқ:<br>воқеа-ҳодиса ёки тажрибани содда баён қилиш<br>қисқа ҳикояларни гапириб бериш<br>ёшига мос мавзуда содда ва кичик тақдимотлар қилиш</td></tr>
<tr><td>Ўқиш</td><td>фақат ўзлаштирилган тил материалидан ташкил топган қисқа матнлар<br>таркибида маъносини тахмин қила олиш мумкин бўлган баъзи янги сўзлардан иборат содда матнлар<br>муайян маълумотни қидириб топиш<br>бўш вақтда содда ҳикоялар ва шеърлар ўқиш</td></tr>
<tr><td>Ёзиш</td><td>ҳуснихат, орфография<br>содда хабарномалар ёзиш (табриклар, эслатмалар, хатлар ва бошқалар)<br>содда анкеталарни шахсий маълумот билан тўлдириш</td></tr>
<tr><td rowspan="2">Тил компетенцияси</td><td>Графика ва орфография</td><td>Алифбонинг барча ҳарфлари, ҳарфларнинг асосий комбинациялари, товуш ва ҳарфлар мутаносиблиги; ҳарфларни ўқиш ва ёзишнинг асосий қоидалари</td></tr>
<tr><td>Фонетик компетенция</td><td>товушларни гапда ва якка ҳолда эшитганда фарқлай олиш<br>асосий коммуникатив гап турларига (дарак, сўроқ, буйруқ гап) мос равишда ритм ва интонациядан тўғри фойдалана олиш<br>тилнинг асосий барча товушларини, гапириш кўникмасини ривожлантириш билан бирга нутқда ишлата олиш</td></tr>
</table>

<table>
<tr><th colspan="3">Компетенциялар</th><th>ТАЪЛИМ МАЗМУНИ</th></tr>
<tr><td rowspan="2">Лингвистик компетенция</td><td rowspan="2">Тил компетенцияси</td><td>Лексик компе-тенция</td><td>· мавзуга оид сўзларни содда матнларда тўғри ишлата олиш;<br>· сўзнинг ясалиши (аффиксация усули ва сўзларнинг қўшилиши), бошқа тиллардан ўзлашган сўзлар (байналмилал сўзлар) ҳақида дастлабки тушунчага эга бўлиш.</td></tr>
<tr><td>Грамматик компетенция</td><td>· сўз туркумлари;<br>· синтаксиснинг асосий қоидалари;<br>· ҳозирги ва ўтган замон феъл шакллари ва ҳоказо.</td></tr>
<tr><td colspan="3">Социолингвистик компетенция</td><td>· синф дискурси ҳамда кундалик ҳаётдаги вазиятлардаги содда мулоқот моделларини ўрганиш;<br>· Ўзбекистон ва тили ўрганилаётган мамлакатлар маданияти ҳақида асосий маданиятлараро маълумотларга эга бўлиш (масалан, фестиваллар ва анъаналар ҳақида).</td></tr>
<tr><td colspan="3">Прагматик компе-тенция</td><td>маълум бир нарсани тушунмаган ҳолатларда қайта сўрай олиш.</td></tr>
</table>



## ЧЕТ ТИЛИ БЎЙИЧА А1 ДАРАЖА БИТИРУВЧИЛАРИ ТАЙЁРГАРЛИГИ ДАРАЖАСИГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР

<table>
<tr><th colspan="3">Компетенциялар</th><th>Билиш ва қўллай олиш</th></tr>
<tr><td rowspan="3">Лингвистик компетенция</td><td rowspan="3">Нутқий компетенция</td><td>Тинглаб тушуниш</td><td>·содда йўриқномаларни тушуна олади ва уларга амал қила олади;<br>·содда саволлар ва гапларни тушуна олади;<br>·содда шеърлар, ҳикоялар, қўшиқларни тушуна олади;<br>·таниш контекстларда содда аутентик нутқни тушуна олади.</td></tr>
<tr><td>Гапириш</td><td>Диалог<br>·маълумот сўрай ва маълумот бера олади;<br>·ёрдам сўраб мурожаат қила олади;<br>·содда савол-жавоб қила олади;<br>Монолог<br>·яшаш жойи, оила, дўстлари ва танишлари ҳақида гапира олади;<br>·ўзини таништира олади, ёқтирган ва ёқтирмаган нарсалари ҳақида гапира олади;<br>·таниш мавзуда жуда қисқа тақдимотлар қила олади.</td></tr>
<tr><td>Ўқиш</td><td>·таниш мавзуларда маълумот берувчи матнларнинг асосий мазмунини тушуна олади;<br>·жой ёки инсонлар тасвирланган қисқача матнни (зарур ҳолларда кўргазмалардан фойдаланган ҳолда) тушуна олади;<br>·содда хабарларни (масалан, оддий хатлар, электрон хатлар) тушуна олади;<br>·содда ёзма йўриқнома ёки кўрсатмаларни тушуна олади ва уларга амал қила олади.</td></tr>
</table>

| Компетенциялар | | | Билиш ва қўллай олиш |
|---|---|---|---|
| Лингвистик компетенция | | Ёзиш | ·шахсий содда хабарларни (табриклар, қайдлар, электрон хатлар) ёза олади;<br>·шахсий маълумотлар (исм-шариф, яшаш манзили ва ҳоказо) билан содда анкетани тўлдира олади;<br>·содда шеър ва ҳикоялар ёза олади. |
| | Тил компетенцияси | Фонетик компетенция | ·чет тилининг барча товушларини аниқ талаффуз эта олади;<br>·сўз ва гап урғусини тўғри қўя олади;<br>·коммуникатив вазиятларда интонация моделларини фарқлай билади ва улардан фойдалана олади. |
| | | Лексик компетенция | ·ўзлаштирилган лексик воситаларни контекст (матн)да қўллай олади;<br>·мавзуга оид содда сўзларни коммуникатив вазиятларда қўллай олади;<br>·баъзи байналмилал сўзлар ва турдош сўзларни фарқлай олади ҳамда уларни қўллай олади. |
| | | Грамматик компетенция | ·коммуникатив вазиятларда содда грамматик ва синтактик тузилмаларни қўллай олади;<br>·сўз ва сўз бирикмаларини “ва” боғловчиси билан боғлай олади;<br>·феъл шакллари ва содда пайт равишдошларидан фойдаланган ҳолда гапларни тўғри баён қилади, ҳикоялар ҳамда воқеаларни тўғри кетма-кетликда таърифлай олади. |

## ЧЕТ ТИЛИ БЎЙИЧА А2 ВА А2+ ДАРАЖА УЧУН ТАЪЛИМ МАЗМУНИ

| Компетенциялар | | | ТАЪЛИМ МАЗМУНИ |
|---|---|---|---|
| Мавзулар | | | · кундалик ҳаётга оид мавзулар (шахсий маълумот, оила ҳақида маълумот, бўш вақтни ўтказиш ва ҳоказо);<br>· ижтимоий ҳаётга оид мавзулар (атроф-муҳит билан ижтимоий алоқалар);<br>· таълимга оид мавзулар (мактаб, ўқиш ва ўқитиш, мактабдаги фанлар ва ҳоказо);<br>· маданиятга оид мавзулар (Ўзбекистон ва тили ўрганилаётган мамлакатлар тарихи, маданияти ва географияси) |
| Лингвистик компетенция | Нутқий компетенция | Тинглаб тушуниш | · тинглаб тушуниш учун мўлжалланган матнлар:<br>· дарсга оид кўрсатмалар ва ўқитувчи нутқи;<br>· ҳикоялар, об-ҳаво маълумотлари, эълонлар, ТВ ва радио дастурларўрганилаётган тил соҳибининг тасмага ёзилган нутқи (қўшиқлар, шеърлар, диалоглар ва бошқалар);<br>· ривожлантириладиган билим, кўникма ва малакалар: Асосий мазмунини тушуниш учун тинглаш; тўлиқ батафсил тушуниш учун тинглаш;<br>· муайян масалалар ёки маълумотлар учун тинглаш |

| Компетенциялар | | | ТАЪЛИМ МАЗМУНИ |
|---|---|---|---|
| Лингвистик компетенция | Нутқий компетенция | Гапириш | Диалогик нутқ:<br>· расмий ва норасмий саломлашиш;<br>· ўзини таништириш;<br>· рози бўлиш ва рад этиш;<br>· гапни такрорлаш ва аниқлаштиришни илтимос қилиш;<br>· маълумот олиш ва бериш;<br>· табриклаш;<br>· таклиф этиш ва таклифни қабул қилиш/рад этиш.<br>Монолог нутқ:<br>· воқеа ёки тажрибани содда баён қилиш;<br>· қисқа ҳикояни гапириб бериш;<br>· ёшига мос мавзуда содда ва қисқа тақдимот қилиш;<br>· ўрганилаётган чет тили материали асосида қисқа ҳисобот бериш. |
| | | Ўқиш | · ўрганилган ва ўрганилаётган тил материалидан ташкил топган қисқа матнларни ўқиш;<br>· таркибида маъносини тахмин қила олиш мумкин бўлган баъзи янги сўзлардан иборат бадиий ва медиа матнларни ўқиш;<br>· қисқа хабарлардан иборат содда хатларни ўқиш;<br>· дарсдан бўш вақтларида содда ҳикоялар ва шеърларни ўқиш;<br>ривожлантириладиган билим, кўникма ва малакалар: чет тилидаги материалларнинг умумий мазмунини тушуниш, айрим маълумотларни олиш, тафсилотларни тушуниш ва йўналишни аниқлаш учун ўқиш (белгилар, ёрлиқлар ва ҳоказо). |
| | | Ёзиш | · шахсий хатлар (қисқа хабарлар, табриклар, эслатмалар, хатлар ва ҳоказолар)ни ёзиш;<br>· содда анкеталарни шахсий маълумот билан тўлдириш. |
| | Тил компетенцияси | Графика ва орфография | · пунктуация ва орфография қоидаларини ўрганишни такомиллаштириш. |
| | | Фонетик компетенция | · товушларни гапда ва якка ҳолда тинглаганда фарқлай олиш;<br>· коммуникатив вазиятларда гапнинг коммуникатив турлари (дарак, сўроқ, буйруқ гап)га мос равишда ритм ва интонациядан тўғри фойдаланиш;<br>· тил товушларини, гапириш кўникмасини ривожлантириш билан бирга нутқда ишлатишни машқ қилиш. |
| | | Лексик компетенция | · мавзуга оид сўзларни оддий матнда тўғри ишлата олиш;<br>· сўз тузилиши (қўшма сўзлар ва аффиксация), бошқа тиллардан кириб келган сўзлар (байналмилал сўзлар) ҳақида илк тушунчаларни шакллантириш. |
| | | Грамматик компетенция | · сўз туркумлари;<br>· синтаксиснинг асосий қоидалари;<br>· феълнинг ҳозирги, ўтган ва келаси замон шакллари;<br>· аниқ ва мажҳул нисбат;<br>· бошқалар. |

| Компетенциялар | ТАЪЛИМ МАЗМУНИ |
|---|---|
| Социолингвистик компетенция | · Ўзбекистон ва тили ўрганилаётган мамлакатлар халқлари маданияти ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлиш ҳамда баъзи масалаларнинг тилга боғлиқлигини англаш, масалан, саломлашиш одати, мурожаат шакллари, хушмуомалаликнинг асосий меъёрлари ва ҳоказо;<br>· ижтимоий вазиятларда имо-ишоранинг аҳамияти. |
| Прагматик компетенция | · таниш вазиятларда керакли тил воситаларини танлаш;<br>· оддий вазиятларда оғзаки ва ёзма нутқда фикрларни узвий ифода эта олиш. |

## ЧЕТ ТИЛИ БЎЙИЧА А 2 ВА А 2+ ДАРАЖА БИТИРУВЧИЛАРИ ТАЙЁРГАРЛИГИ ДАРАЖАСИГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР

| Компетенция | | | Билиш ва қўллай олиш |
|---|---|---|---|
| Лингвистик компетенция | Нутқий компетенция | Тинглаб тушуниш | А2<br>·ўз эҳтиёжлари ва қизиқишларига бевосита боғлиқ бўлган гап ва ибораларни тушуна олади;<br>·бирор ерга бориш бўйича содда йўриқномаларни тушуна олади;<br>·содда хабарлар ва эълонлардаги асосий маъноларни тушуна олади;<br>А2+<br>·кундалик мавзулардаги тасмага ёзилган парчалардан муҳим маълумотларни тушуна олади;<br>·муҳокама этилаётган масаланинг асосий мавзусини аниқлай олади. |
| | | Гапириш | Диалог:<br>А2<br>·тўғри маълумот ола билади ва бера олади;<br>·саломлаша олади ва мурожаат қила олади, таклиф, тавсия қила олади ва таклифга жавоб бера олади, узр сўрашнинг содда кундалик шаклларини ишлата олади;<br>·қисқа мулоқотда иштирок эта олади;<br>·содда ибораларлардан фойдаланиб таниш мавзуда ўз фикрини ифода эта олади;<br>·содда юмушлар (масалан, чипталар сотиб олиш, харид қилиш, ошхонада таом буюра олиш)ни амалга ошира олади;<br>·тушунмаганлигини билдира олади;<br>А2+<br>·оммавий вазиятларда одамлар билан мулоқотга кириша олади;<br>·қисқа суҳбатларда ўз режалари ҳақида муаммосиз иштирок эта олади (масалан, кечқурун ёки дам олиш кунлари режалари бўйича);<br>·кундалик ҳаётга оид ўзи қизиққан ёки ўзига бевосита алоқадор мавзуларда қисқа суҳбатларда иштирок эта олади;<br>·олдиндан режалаштирилган кундалик суҳбатларда маълум таниш мавзуларда савол-жавоб қила олади, фикр ва маълумот алмаша олади;<br>·бошқалар фикрига қўшилиш ёки қўшилмасликни ифодалай олади;<br>·чет тилида маълумот, йўриқномалар ва бошқалар юзасидан тегишли жавобларни қайтара олади (масалан, кўчада ўрганилаётган тил соҳиби бўлган сўзлашувчи мурожаат қилганда);<br>·маълумотни аниқлаштириш ёки такрорлашни илтимос қила олади. |

| Компетенция | | | Билиш ва қўллай олиш |
|---|---|---|---|
| Лингвистик компетенция | Нутқий компетенция | Гапириш | Монолог:<br>A2<br>·одамлар, яшаш ёки иш жойи шароитлари, кундалик ишлар, ёқтирган/ ёқтирмаган нарсалар ва бошқаларни содда қилиб тасвирлай олади ёки тақдимот қила олади;<br>·содда иборалар билан одамлар, жойлар ва буюмларни тасвирлай олади<br>A2+<br>·таниш мавзуда қисқа тақдимот қила олади;<br>·нимани ёқтириши ёки ёқтирмаслигини тушунтира олади;<br>·тадбир ёки воқеа-ҳодиса ҳақида қисқа маълумот бера олади;<br>·режалар, тадбирлар, одатлар ва тажрибаларни тасвирлай олади;<br>·содда иборалар билан предметлар ва ўзига тегишли нарсаларни қиёслай олади. |
| | | Ўқиш | A2<br>·жуда қисқа содда аутентик ва ярим-аутентик матнларни тушуна олади;<br>·қисқа шахсий содда хабарлар ва хатларни тушуна олади;<br>·жамоат жойларидаги умумий белгилар ва эълонларни тушуна олади;<br>·содда ёзма кўрсатмаларни тушуна олади;<br>·рўйхатлар, веб сайтлар, қўлланмалар ва бошқалардаги махсус маълумотларни қидириб топа олади.<br>A2+<br>·расмий хатларнинг асосий турларини тушуна олади (масалан, тасдиқлаш хати каби);<br>·оммавий ахборот воситаларида чоп этилган қисқа хабар ва кичик мақолаларни тушуна олади;<br>·товарлар ва асбоб-ускуналарни ишлатиш бўйича йўриқномаларни тушуна олади ва уларга амал қила олади;<br>·фактларга асосланган матнларда, масалан, брошюралар, рекламалар, газета эълонларидан махсус маълумотларни топа олади;<br>·баъзи нотаниш сўзларнинг маъносини контекстга қараб аниқлай олади. |
| | | Ёзиш | A2<br>·содда, қисқа хат ва хабарлар ёза олади (масалан, миннатдорчилик билдириш, узр сўраш хатлари);<br>·анкетани турли шахсий маълумотлар билан тўлдира олади (исм-шарифи, манзили, телефон рақами, миллати, ота-онаси билан уланиш ҳақида маълумотлар ва ҳоказо);<br>·кундалик турмуш ҳақида ёза олади;<br>·содда биография ёза олади;<br>·содда шеърлар ёза олади.<br>A2+<br>·тадбирлар ва шахсий тажрибаларни тасвирлаб ёза олади;<br>·оғзаки хабарни тушунарли қилиб ёза олади. |
| | Тил компетенцияси | Фонетик компетенция | ·чет тилининг барча товушларини аниқ талаффуз қила олади;<br>·сўз ва гап урғусидан тўғри фойдалана олади;<br>·коммуникатив вазиятларда интонация моделларидан тўғри фойдалана олади ва уларни фарқлай олади. |

| Компетенция | | | Билиш ва қўллай олиш |
|---|---|---|---|
| Лингвистик компетенция | Тил компетенцияси | Лексик компетенция | ·ўзлаштирилган лексик бирликларни контекстда қўллай олади;<br>·мавзуга оид содда сўзларни коммуникатив вазиятларда қўллай олади;<br>·баъзи байналмилал ва ўзлашган сўзларни таний олади ва уларни қўллай олади;<br>·сўз ясашнинг турли йўлларини фарқлай олади (қўшма сўзлар, префикслар ва суффикслар). |
| | | Грамматик компетенция | ·коммуникатив вазиятларда асосий грамматик ва синтактик тузилмаларни қўллай олади;<br>·сўз бирикмалари ва қўшма гапларни “аммо”, “ва”, “чунки” каби содда боғловчилар билан боғлай олади;<br>·феъл шакллари ва содда пайт равишларидан фойдаланган ҳолда баён қила олади ва ҳикояларни гапириб беришда воқеаларни тўғри кетма-кетликда ифодалай олади. |

## ЧЕТ ТИЛИ БЎЙИЧА B1 ДАРАЖА УЧУН ТАЪЛИМ МАЗМУНИ

| Компетенциялар | | | ТАЪЛИМ МАЗМУНИ |
|---|---|---|---|
| Мавзулар | | | · кундалик ҳаётга оид мавзулар (шахсий маълумот, оила ҳақида маълумот, бўш вақтни ўтказиш ва ҳоказо);<br>· ижтимоий ҳаётга доир мавзулар;<br>· таълимга оид мавзулар (коллежда ўқитиладиган фанларга оид мавзулар);<br>· касбга йўналтирилган мавзулар;<br>· ижтимоий-маданий мавзулар (Ўзбекистон ва тили ўрганилаётган мамлакатларнинг касбга доир соҳалардаги маданиятнинг ўхшаш ва фарқли томонлари ҳақида тасаввур). |
| Лингвистик компетенция | Нутқий компетенция | Тинглаб тушуниш | · касбга оид ихтисослашган аутентик ва ярим аутентик дискурслар;<br>· ўрганилаётган чет тилининг турли вариантлари (акцентлар);<br>· долзарб мавзулардаги содда радио ва теледастурлар;<br>· шахсий қизиқиш ва касб-ҳунарга оид содда дастурлар;<br>Ривожлантириладиган кўникмалар: Чет тилидаги материалларнинг асосий мазмунини тушуниш, тўлиқ батафсил тушуниш ва муайян маълумотлар олиш учун тинглаш. |
| | | Гапириш | Диалог<br>· учрашув ва саломлашиш;<br>· ўзини таништириш;<br>· илтимос билан мурожаат этиш;<br>· маълумот олиш ва бериш;<br>· муаммоларни ҳал қилиш;<br>· норасмий муҳокамаларда иштирок этиш;<br>· таклиф этиш ва таклифни қабул қилиш/рад этиш;<br>· қизиқарли мавзуларни муҳокама қилишда ўзининг шахсий қарашлари ва фикрларини билдириш. |

| Компетенциялар | | | ТАЪЛИМ МАЗМУНИ |
|---|---|---|---|
| Лингвистик компетенция | Нутқий компетенция | Гапириш | · ишонч, фикр, розилик ва рад қилишни хушмуомалалик билан ифодалаш;<br>· ўзгалар фикрини қисқача шарҳлаш;<br>· ҳис-туйғуларни ифодалаш ва уларга жавоб қайтариш;<br>Монолог<br>· ижтимоий ва касб-ҳунарга оид соҳалардаги тадбир, тажриба ва режани тасвирлаш;<br>· ихтисослик мавзусида тақдимот қилиш. |
| | | Ўқиш | · фаол тил материалидан ташкил топган касб-ҳунарга оид содда матн-ларни ўқиб тушуниш;<br>· хат, электрон хат, брошюра, қўлланма ҳамда қисқа расмий ҳужжатларни ўқиш;<br>· касб-ҳунарга оид аутентик матнларни жадал (интенсив) ўқиб, тўлиқ тушуниш;<br>· оммабоп материалларни ўқиш (газета, қисқа ҳикоя, шахсий ва электрон хатлар);<br>Ривожлантириладиган кўникмалар: чет тилидаги материалларнинг умумий мазмунини тушуниш, айрим маълумотларни олиш, тафсилотларни тушуниш ва йўналишни аниқлаш учун ўқиш (белгилар, кўрсаткичлар ва ҳоказо). |
| | | Ёзиш | · содда расмий ҳужжатлар (хатлар ва электрон хатлар, ҳисоботлар, режалар, хизмат кўрсатишни таклиф этиш хатлари, резюме, йўлланма хатлар, анкета шакллари ва ҳоказолар);<br>· шахсий ёзишмалар (хат, электрон хат ва қисқа хабарлар). |
| | Тил компетенцияси | Фонетик компетенция | · сўз, якка ибора ва дискурсни аниқ талаффуз қилиш устида ишлаш;<br>· ритм ва интонациядан фойдаланиш (дарак, сўроқ, бўлишсиз, буйруқ гаплар); гапни маъноли бўлакларга ажратиш;<br>· чет тилининг асосий вариантларини фарқлаш. |
| | | Лексик компетенция | · касб-ҳунарга йўналтирилган луғат бойлигини ошириш;<br>· лексикани касб-ҳунарга оид контекстда тўғри қўллаш. |
| | | Грамматик компетенция | · аввалги даражаларда ўзлаштирилган грамматик материални оммавий ва касб-ҳунарга оид контекстларда етарли даражада тўғри қўллаш (феъл замонлари, модал сўзлар, сифат ва равишнинг қиёсий даражалари, детерминатив сўзлар, предлоглар ва ҳоказо). |
| Социолингвистик компетенция | | | · Ўзбекистон ва тили ўрганилаётган мамлакатлар халқлари маданиятлари ҳақида асосий тасаввурга эга бўлиш ҳамда баъзи масалаларнинг тилга боғлиқлигини англаш (масалан, саломлашиш одоби, мурожаат шакллари, хушмуомалаликнинг асосий нутқий меъёрлари ва ҳоказо);<br>· турли маданиятларда мулоқотнинг новербал элементлари устида ишлашни давом эттириш: имо-ишоралар, новербал сигналлар ва ҳоказо;<br>· она тили ва чет тилида хат ва хабарлар ёзиш қоидаларининг хусусиятлари. |

| Компетенциялар | ТАЪЛИМ МАЗМУНИ |
|---|---|
| Прагматик компетенция | · тақдимот қилиш кўникмаларини ривожлантириш;<br>· оғзаки ва ёзма дискурсда фикрларни бир-бирига тўғри боғлаш;<br>· турли ижтимоий ва касб-ҳунарга оид вазиятларда зарур бўладиган баъзи тил воситалари, расмиятчилик даражалари ҳақида дастлабки тасаввурга эга бўлиш;<br>· сўзловчининг гапини бўлиш, аниқлик киритиш, нутқни секинлаштиришга ундаш ва бошқа стратегиялар. |

## ЧЕТ ТИЛИ БЎЙИЧА В1 ДАРАЖА БИТИРУВЧИЛАРИ ТАЙЁРГАРЛИГИ ДАРАЖАСИГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР

| Компетенциялар | | | Билиш ва қўллай олиш |
|---|---|---|---|
| Лингвистик компетенция | Нутқий компетенция | Тинглаб тушуниш | · оммабоп таниш мавзулардаги аниқ норматив нутқнинг асосий маъноларини тушуна олади;<br>· касб-ҳунарга оид мавзулардаги аниқ норматив нутқнинг асосий маъноларини тушуна олади;<br>· шахсий қизиқиш ёки касбга оид кундалик воқеалар ва дастурлар ҳақидаги телерадио янгиликлари секин, бироқ равон гапирилганда уларнинг асосий мазмуни ва ғоясини тушуна олади;<br>· батафсил ёзишга йўриқномалар ёки кўрсатмаларни тушуна олади ва уларга амал қила олади;<br>· таниш мавзудаги муҳокамага кириша олади. |
| | | Гапириш | Диалог<br>· саёҳат мобайнида ёки иш жойида вужудга келиши мумкин бўлган аксарият вазиятларда мулоқот қила олади;<br>· таниш, шахсий қизиқишларга оид ёки кундалик мавзуларда тайёргарликсиз суҳбатга кириша олади;<br>· ҳам оммабоп, ҳам касб-ҳунарга оид масалалар бўйича маълумот олади ва бера олади ҳамда фикр алмаша олади;<br>· кенг миқёсдаги ҳис-туйғулар ва ҳиссиётлар, масалан, ғамгинлик, бахтиёрлик, дилхиралик, мамнуният, ҳайратланишни ифода қила олади ва уларга жавоб қайтара олади;<br>· мавзу бўйича суҳбат ёки муҳокамада қатнаша олади;<br>· саёҳат, харид, банк ва бошқа умумий кундалик ёки меҳнат фаолиятига оид вазиятлардаги юмушларни самарали уддалай олади;<br>· йўриқномалар ёки кўрсатмаларни тушуниб, уларга амал қила олади;<br>· расмий суҳбатда, масалан, ишга жойлашиш ёки стипендия олиш учун бўладиган суҳбатда олдиндан кутса бўладиган саволларга жавоб бера олади;<br>· юзма-юз мулоқотда ёки телефон орқали учрашув ёки тадбир вақти ва жойини режалаштира олади;<br>· касб-ҳунарга оид мавзудаги саволлар бера олади ва уларга жавоб қайтара олади. |

| Компетенциялар | | | Билиш ва қўллай олиш |
|---|---|---|---|
| Лингвистик компетенция | Нутқий компетенция | Гапириш | Монолог<br>· ихтисосликка оид ёки бошқа таниш мавзуларда қисқа, мантиқий фикрлар билан боғланган тақдимот қила олади;<br>· таниш вазиятлар ва мавзуларни содда тасвирлаб, улар ҳақида бевосита ахборот бера олади;<br>· воқеа-ҳодисалар ва тадбирлар тафсилотларини боғлай олади;<br>· орзу-умидлар, хоҳиш-истак ва режаларни тасвирлай олади;<br>· оммага эълон ёки тақдим қилиш жараёнида режалар ёки чора-тадбирларни тасвирлай олади;<br>· содда иборалар ёрдамида масала ёки далил ва сабабларни келтира олади. |
| | | Ўқиш | · ихтисослик соҳаларида фактларга асосланган мураккаб бўлмаган матнларни тўлиқ тушуна олади;<br>· кундалик ва асосий касб-ҳунарга оид ҳужжатлардаги, масалан, хабарлар, қисқа расмий ҳужжатлардаги тегишли маълумотларни топа олади ва тушуна олади;<br>· газета ва Интернет матнлари ва бошқа манбалардаги тегишли фикрларни тушуна олади;<br>· асбоб-ускуналар ва қурилмаларни ишлатиш ва эксплуатация қилиш бўйича ёзма йўриқномаларни тушуниб, уларга амал қила олади;<br>· оммавий матнларни муҳокама қилишни назарда тутган ҳолда асосий фикрларни тушуна олади. |
| | | Ёзиш | · шахсий ва касб-ҳунарга оид контекстларда қайдлар ва хабарлар ёзиб, уларнинг шошилинчлиги, муҳимлиги ёки зарурлигини ифодалай олади;<br>· норматив форматга асосланган қисқа касб-ҳунарга оид ҳисоботлар ёза олади;<br>· меҳнат амалиёти тажрибасига оид оддий ҳисоботларни ёза олади;<br>· иш жойи билан боғлиқ масалалар ва вужудга келадиган вазиятлар бўйича оддий ҳисоботлар ёза олади;<br>· резюме ва тавсия хатларини ёза олади. |
| | Тил компетенцияси | Фонетик компетенция | · тақдимотлар ва муҳокамаларда таъкидлаш мақсадида урғу ва интонациядан тўғри фойдалана олади. |
| | | Лексик компетенция | · касб-ҳунарга оид луғат бойлигидан фаол фойдалана олади;<br>· ўз соҳаларида кенг тарқалган халқаро ва турдош сўзларни танийди ва ишлата олади;<br>· ўз ихтисослиги доираси ва ундан ташқарида сўз тузилиши элементлари (қўшма сўзлар, префикслар, суффикслар, сўз ўзаги)ни танийди ва тушуна олади. |
| | | Грамматик компетенция | · коммуникатив мақсадларда зарур бўладиган чет тили грамматикасининг барча асосий элементларини таний олади ва улардан тўғри фойдалана олади. |

## ЧЕТ ТИЛИ БЎЙИЧА В1+ ДАРАЖА УЧУН ТАЪЛИМ МАЗМУНИ

| Компетенциялар | | | ТАЪЛИМ МАЗМУНИ |
|---|---|---|---|
| Мавзулар | | | · кундалик ҳаётга оид мавзулар (шахсий маълумот, оила ҳақида маълумот, бўш вақтни ўтказиш ва ҳоказо);<br>· ижтимоий мавзулар (атроф-муҳит билан кундалик турмуш ва касбга оид қизиқишлар бўйича ижтимоий алоқалар);<br>· таълимга оид мавзулар (таълим муассасалари, турли давлатлар таълим тизимини қиёслаш);<br>· ижтимоий-маданий мавзулар (Ўзбекистон ва тили ўрганилаётган мамлакатлар, масалан, Буюк Британия, АҚШ, Германия ва Австрия маданиятларининг асосий ўхшаш ва фарқли томонларини аниқлаш);<br>· касбга оид мавзулар: (иқтисодиёт, бизнес, туризм) ва таълим олиш мақсадлари учун махсус чет тили (мавзуга оид тил кўникмаларини шакллантириш, тақдимот қила олиш ва ҳоказо). |
| Лингвистик компетенция | Нутқий компетенция | Тинглаб тушуниш | · шахсий ва касбий қизиқишларга доир долзарб мавзулардаги радио ва теледастурларни тушуниш;<br>· ҳужжатли ва бадиий фильмлар (масалан, чет тилида National Geographic (Миллий география) канали) ни тушуниш;<br>· аутентик ихтисослашган ёки касбга йўналтирилган дискурсларни тушуниш;<br>· ихтисослик ва оммабоп мавзулардаги маърузалар ва тақдимотларни тушуниш;<br>· ўрганилаётган чет тилли вариантларини тушуниш;<br>· ўрганилаётган чет тилида суҳбатлар ва муҳокамаларни тушуниш;<br>ривожлантириладиган кўникмалар: Чет тили материлларининг асосий мазмунини тушуниш, тўлиқ батафсил тушуниш, муайян фикрлар ёки маълумотлар олиш учун тинглаш. |
| | | Гапириш | Диалог<br>· тайёрланган мавзуда суҳбатда иштирок этиш (интервью, маълумотнинг тўғрилигини текшириш ва тасдиқлаш);<br>· тайёрланмаган мавзуда суҳбатда иштирок этиш (ўрганилаётган чет тилида сўзлашадиган мамлакатларга саёҳат қилганда);<br>· кутилмаган вазиятдаги мулоқотда иштирок этиш;<br>· таниш мавзуларда ўз фикрини билдириш (китоблар, фильмлар, мусиқа хусусида);<br>· таниш ва камроқ таниш бўлган мавзуларда маълумот алмашиш;<br>· дебатларда иштирок этиш;<br>· нархини келишиш ва ҳоказо;<br>Монолог<br>· таассуротлар, орзу-умидлар ва ниятларини ифода қилиш;<br>· ихтисослик мавзуларида тақдимот қилиш;<br>· ижтимоий ва касбга доир соҳаларда фикрлари ва режалари сабабларини келтириш ва тушунтириб бера олиш;<br>· китоб ва фильм мазмуни бўйича ўз таассуротларини тасвирлаш ва ҳикоя қилиш;<br>· ҳикоя ёки муҳокама мазмунини содда иборалар билан қисқача гапириб бериш. |

| Компетенциялар | | | ТАЪЛИМ МАЗМУНИ |
|---|---|---|---|
| Лингвистик компетенция | Нутқий компетенция | Ўқиш | · газеталар, журналлар, даврий матбуот нашрларини;<br>· йўриқномалар, кўрсатмалар, буклет, брошюраларни;<br>· таркибида маъноси тахмин қилинадиган касбга оид баъзи терминлар бўлган матнларни;<br>· ривожлантириладиган кўникмалар: умумий мазмунни тушуниш учун ўқиш, айрим маълумотларни олиш учун ўқиш, тафсилотларни тушуниш учун ўқиш ва йўналишни аниқлаш учун ўқиш (белгилар, кўрсаткичлар ва ҳоказо). |
| | | Ёзиш | · иш юритишга оид хатлар;<br>· иш юритиш ҳужжатлари (ариза, шартнома, резюме….);<br>· ҳисоботлар, масалан, меҳнат амалиёти бўйича;<br>· тақризлар;<br>· эссе ва бошқа ёзма топшириқ шакллари;<br>· лойиҳа иши ҳақида ҳисобот. |
| | Тил компетенцияси | Фонетик компетенция | · касбга оид вазиятларда гапнинг коммуникатив турларига (дарак, сўроқ, бўлишсиз, буйруқ гап) мос равишда ритм ва интонацияни қўллаш. |
| | | Лексик компетенция | · сўз ясалиши;<br>· полисемия;<br>· синонимлар, антонимлар ва омонимлар;<br>· касбга оид турғун бирикмалар. |
| | | Грамматик компетенция | · аввалги даражада ўзлаштирилган грамматик материални оммавий ва касб-ҳунарга оид контекстларда тўғри ишлатиш (феъл замонлари, модал сўзлар, сифат ва равишнинг қиёсий даражалари, детерминантив сўзлар, предлоглар ва ҳоказо). |
| Социолингвистик компетенция | | | · Ўзбекистон ва тили ўрганилаётган мамлакатлар халқлари маданиятлари ҳақида тасаввурга эга бўлиш ҳамда баъзи масалаларнинг тилга боғлиқлигини англаш, масалан, саломлашиш одоби, мурожаат шакл-лари, асосий хушмуомалалик нормалари ва ҳоказо;<br>· турли маданиятларда мулоқотнинг новербал элементлари устида ишлашни давом эттириш: имо-ишора тили, новербал сигналлар ва ҳоказо;<br>· она тили билан солиштирилганда чет тилида хатлар ва хабарлар ёзиш қоидаларининг хусусиятлари. |
| Прагматик компетенция | | | · тақдимот қилиш кўникмаларини ривожлантириш;<br>· оғзаки ва ёзма дискурсда фикрларни тўғри боғлаш;<br>· турли ижтимоий ва касб-ҳунарга оид вазиятларда зарур бўладиган баъзи тил воситалари, расмиятчилик даражалари ҳақида дастлабки тасаввурга эга бўлиш;<br>· сўзловчининг гапига аралашиш, аниқлик киритиш секин гапиришга ундаш, уларни бошқача ифодалаш ва тўлдириш. |

## ЧЕТ ТИЛИ БЎЙИЧА B1+ ДАРАЖА БИТИРУВЧИЛАРИ ТАЙЁРГАРЛИГИ ДАРАЖАСИГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР

| Компетенциялар | | | Билиш ва қўллай олиш |
|---|---|---|---|
| Лингвистик компетенция | Нутқий компетенция | Тинглаб тушуниш | · ўз мутахассислиги доирасидаги яхши тузилган маъруза ёки суҳбатни тушуна олади;<br>· ўз қизиқишлари доирасидаги теле ёки радио дастурлар ва бошқа манбаларни тинглаб, асосий маълумотларни тушуна олади;<br>· шахсий қизиқиш, ўқиш ёки касбга оид соҳадаги оғзаки манбаларни тинглаб, ҳам асосий мазмуни, ҳам махсус маълумотларни англай олади;<br>· тил эгаси билан таниш ва махсус мавзуда мулоқотга киришганда унинг аксарият жиҳатларини тушуна олади. |
| | | Гапириш | Диалог<br>· таниш кундалик ва бошқа умумий мавзуларда маълум даражада ўзида ишонч билан маълумот алмаша олади, текшира олади ва тасдиқлай олади;<br>· муаммони тушунтириб бера олади ва уни ҳал қилиш йўлларини таклиф қила олади;<br>· кутилмаган мулоқот вазиятларида иштирок эта олади: тайёргарликсиз суҳбат ва муҳокамаларни олиб бора олади;<br>· таниш мавзуларда дебатлар ва муҳокамаларда иштирок эта олади;<br>· муҳокамалар жараёнида мавҳум мавзулар ва масалаларда ўз фикрини ифода қила олади;<br>· муҳокама ёки суҳбат мобайнида ўзгалар фикрини шарҳлай олади;<br>· батафсил кўрсатмаларга оид саволларга жавоб бера олади;<br>· саволлар бериб, тегишли шарҳлар келтириб, интервью олиб бора олади;<br>· интервью ёки маслаҳат бериш мобайнида керакли маълумотларни бера олади.<br><br>Монолог<br>· оммабоп ёки ихтисосликка оид мавзуда яхши тузилган тақдимот қила олади;<br>· қисқа ҳикоя, мақола ёки муҳокама мазмунини қисқача баён қила олади;<br>· ўз қарашларини тушунарли ва аниқ ифодалай олади. |

| Компетенциялар | | | Билиш ва қўллай олиш |
|---|---|---|---|
| | | Ўқиш | · каттароқ матнларни ўқий олади, матннинг турли қисмларидан тегишли маълумот йиға олади;<br>· мунозарали матннинг хулосасини аниқлай олади;<br>· матн мазмунининг асосий ғоясини ажрата олади;<br>· махсус маълумот олиш учун нисбатан катта ҳажмдаги матнларни ўқий олади;<br>· махсус маълумот олиш, тўлиқ тушуниш учун қисқа газета мақолаларини, Интернет матнлари ва бошқаларни ўқий олади. |
| | | Ёзиш | · маъруза пайтида ўзи фойдаланиши учун етарли даражада аниқ бўлган қайдлар қила олади;<br>· ўз қизиқишларига таллуқли мавзуда қисқа, содда эссе ёза олади;<br>· расмий хат, иш юритиш қоғозларини (ариза, розилик хатлари, резюме...) ёза олади;<br>· тажриба, фаолият ва тадбирлар ҳақида талабга жавоб бера оладиган ҳисоботларни ёза олади;<br>· лойиҳа иши ҳақида қисқача ҳисобот ёза олади;<br>· ҳикоя ёза олади. |
| | Тил компетенцияси | Фонетик компетенция | · дарак, сўроқ, бўлишсиз, буйруқ гапларда ритм ва интонациядан фойдалана олади, гапни маъно бўлакларига ажрата олади;<br>· тақдимотлар ва муҳокамаларда таъкид мақсадида урғу ва интонациядан фойдалана олади;<br>· чет тилининг асосий вариантларини ажрата олади. |
| | | Лексик компетенция | · ўз мутахассислигига оид лексикани ажрата олади ва қўллай олади;<br>· ўз ихтисослиги доираси ва бошқа соҳаларда сўз тузилиши унсурларини (қўшма сўзлар, префикслар, суффикслар, сўз ўзаги) таний олади ва тушуна олади. |
| | | Грамматик компетенция | · коммуникатив мақсадларда зарур бўлган чет тили грамматикасининг барча асосий элементларини ажрата олади ва улардан тўғри фойдалана олади. |

## ЧЕТ ТИЛИ БЎЙИЧА В2 ДАРАЖА УЧУН ТАЪЛИМ МАЗМУНИ

| Компетенциялар | | | ТАЪЛИМ МАЗМУНИ |
|---|---|---|---|
| Мавзулар | | | · интернет ва ахборот технологияларига оид мавзулар;<br>· ижтимоий-маданий мавзулар (Ўзбекистон ва тили ўрганилаётган мамлакатлар (масалан, Буюк Британия, АҚШ, Германия, Франция ва ҳоказолар) маданиятларини қиёслаш ва таққослаш);<br>· мутахассислик соҳасига оид мавзулар (мутахассислик соҳаси тарихи, соҳа йўналишлари);<br>· ижтимоий мавзулар (атроф-муҳит билан ижтимоий алоқалар). |
| Лингвистик компетенция | Нутқий компетенция | Тинглаб тушуниш | · маърузалар, тақдимотлар, мунозараларни;<br>· радио ва телерепортажлар, янгиликлар, интервьюлар, ҳужжатли фильмлар ва ҳоказоларни;<br>· эълонларни;<br>· ўрганилаётган тил эгасининг тасмага ёзилган овозини (фильмлар, ҳужжатлар, нутқлар ва ҳоказо);<br>· ўрганилаётган тил эгалари ўртасидаги ижтимоий мулоқотни;<br>· ривожлантириладиган кўникмалар: умумий мазмунни тушуниш учун тинглаш, тафсилотларни тушуниш учун тинглаш ва айрим маълумотларни олиш учун тинглаш. |
| | | Гапириш | Диалогик :<br>· маълум вазифа ёки мақсад бўйича мулоқотга киришиш;<br>· ижтимоий мулоқот ва норасмий суҳбатга киришиш;<br>· ўз мутахассислик соҳасига оид бўлган ва бўлмаган расмий ва норасмий муҳокамаларда қатнашиш;<br>· муҳокамага раислик қилиш ва олиб бориш;<br>· интервьюлар;<br>· келишувлар;<br>· телефон қўнғироқлари;<br>Монолог:<br>· маъруза қилиш;<br>· соҳага оид фикрларни ривожлантириш (масалан, соҳа мавзуси бўйича);<br>· фикр билдириш ва асослаш;<br>· эълонлар;<br>· маълум мавзу бўйича тақдимот қилиш;<br>· мақолани умумлаштириш ва хулоса қилиш. |
| | | Ўқиш | · ёзишмалар , хабар, хатлар ва электрон хатлар;<br>· соҳага оид материални жамлаган аутентик матнлар;<br>· ихтисослик лексикаси ва атамаларни ўз ичига олган матнлар: масалан, матн парчалари, маърузалар, ҳисоботлар ва дарсликлардан олинган парчалар;<br>· илмий ва мутахассислик адабиётлари (даврий, электрон адабиётлар);<br>Ривожлантириладиган кўникмалар:<br>Чет тилидаги материалларнинг умумий мазмунини тушуниш, айрим маълумотларни олиш, тафсилотларни тушуниш ва йўналишни аниқлаш учун ўқиш (белгилар, кўрсаткичлар ва ҳоказо). |

| Компетенциялар | | | ТАЪЛИМ МАЗМУНИ |
|---|---|---|---|
| Лингвистик компетенция | | Ёзиш | · ёзишмалар (хатлар ва номалар);<br>· махсус маълумотлар (хотиралар, қайдлар, тақризлар, резюмелар ва ҳоказо), эссе (баён ва иншолар), хулосалар;<br>· тадқиқот ишлари (мақолалар, битирув малакавий иши ва ҳоказолар). |
| | | Лексик компетенция | · касбий лексика ва атамаларини, умумий қисқартмаларни кенгайтириш;<br>· сўз ясалиши (қўшма сўзлар ва аффиксация), ўзлашма сўзлар (байналмилал сўзлар) ва ўзакдош сўзлар;<br>· антонимлар, синонимлар ва бошқа умумлексик муносабатлар. |
| | | Грамматик компетенция | · Ўтилган грамматик материал (феъл замонлари, модал феъллар, сифат ва равишларнинг қиёсий даражалари, детерминатив сўзлар предлоглар ва ҳоказо)ни кундалик ва соҳадаги контекстларда тўғри қўллай олиш. |
| Социолингвистик компетенция | | | · Ўзбекистон ва тили ўрганилаётган мамлакатлар маданиятлари мисолида (ижтимоий ва таълим доираларида) маданиятлараро мулоқотни чуқуррок тушуниб етиш ва унинг мулоқот билан боғлиқ хусусиятлари, жумладан, саломлашиш, мурожаат шакллари, хушмуомалалик ва ҳоказо;<br>· турли маданиятлардаги коммуникациянинг новербал элементлари: хатти-ҳаракатлар, имо-ишоралар устида ишлашни давом эттириш;<br>· электрон мулоқотларнинг чет тилида ёзиш хусусиятлари. |
| Прагматик компетенция | | | · тақдимот қилиш маҳоратини янада такомиллаштириш;<br>· фикрларни мос тарзда оғзаки ва ёзма нутқда мантиқан боғлаш;<br>· турли ижтимоий, таълим ва мутахассислик доираларида мос равишда тилни тегишли расмийлик даражада қўллашни англаш;<br>· мулоқот жараёнида нутқни бўлиш, аниқлик киритиш, бошқача талқин этиш, жумлаларни тузатиш, тўлдириш ва бошқа стратегиялари. |

## ЧЕТ ТИЛИ БЎЙИЧА B2 ДАРАЖА БИТИРУВЧИЛАРИ ТАЙЁРГАРЛИГИ ДАРАЖАСИГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР

| Компетенциялар | | | Билиш ва қўллай олиш |
|---|---|---|---|
| Лингвистик компетенция | Нутқий компетенция | Тинглаб тушуниш | · кенг кўламли нутқ ёки қатор мураккаб фикрлар баёнини тушуниб кузата олади;<br>· маъруза, нутқ, баёнот, тафсилотли йўриқномалар, илмий ва ихтисослик тақдимотлар, сўров ва фикрларнинг моҳиятини тушуна олади<br>· эълон ва хабарларни тушуна олади;<br>· таниш ва нотаниш контекстдаги мураккаб аутентик нутқни тушуна олади;<br>· ўрганилаётган тил эгаси бўлган сўзлашувчиларнинг суҳбат ёки мунозарасининг аксарият қисмини тушуна олади;<br>· радио, Интернет ва телевидение дастурлари, интервьюларнинг аксарият қисмини тушуна олади. |

| Компетенциялар | | | Билиш ва қўллай олиш |
|---|---|---|---|
| Лингвистик компетенция | Нутқий компетенция | Гапириш | Диалог:<br>· ўз ҳамкорлари билан музокара қила олади;<br>· маълум масала юзасидан илтимос қила олади;<br>· ўрганилаётган тилда сўзлашувчилар билан мулоқотга кириша олади, зарур бўлганда бошқара олади;<br>· олдиндан тайёргарлик кўрилмаган жонли муҳокама ва мунозараларда қатнаша олади;<br>· ўз соҳасига оид интервьюда қатнаша олади;<br>· расмий муҳокама доирасида ўз фикр ва мулоҳазаларини аниқ ифодалай олади;<br>· муҳокамаларда ўз фикрларини ойдинлаштира олади, ўзгартириб талқин эта олади ва тузата олади;<br>· битимга келишув ёки муаммо ечимини топишда расмийлик ва хушмуомалаликнинг мақбул даражаларидан фойдалана олади;<br>· расмий доираларда (масалан, семинар ва ҳоказолар) хос равишда саволлар беради ва жавоблар бера олади.<br><br>Монолог:<br>· маълум мавзу бўйича яхши тақдимот қила олади;<br>· ўз соҳаларига оид бир қатор нарсаларни аниқ ва батафсил тасвирлай олади;<br>· маълум мавзу бўйича оғзаки маъруза қила олади;<br>· мақола, маъруза ёки муҳокама юзасидан аниқ умумлашган хулоса қила олади;<br>· таниш мавзуга оид қараш ёки фикрни ривожлантириш, далиллар, мисоллар келтириш орқали асослай олади. |
| | | Ўқиш | · таниш ва нотаниш мавзулардаги матнларнинг асосий/айрим жиҳатларини тушуна олади;<br>· ўз соҳалари ва қизиқишларига мос ёзишмаларни тушуна олади;<br>· жадвал, графикларнинг қисқа изоҳини тушуна олади;<br>· мураккаб номаларни тушуна олади;<br>· махсус ва мураккаб ёзма йўриқнома ва йўналишларни тушуниб амал қила олади;<br>· касбий соҳасига оид каттароқ ҳажмдаги мақола ва маърузалардан тегишли маълумотни ажрата олади;<br>· тезис, конференция дастурлари, мундарижа ва шу каби матнларнинг айрим қисмлари ёки барча қисмларини батафсил ўқиш кераклигини аниқлай олади;<br>Ривожлантириладиган кўникмалар:<br>Чет тилидаги материалларнинг умумий мазмунини тушуниш, айрим маълумотларни олиш, тафсилотларни тушуниш ва йўналишни аниқлаш учун ўқиш (белгилар, кўрсаткичлар ва ҳоказолар). |
| | | Ёзиш | · махсус номалар ёза олиш (бизнес хатлари, электрон хатлар);<br>· соҳага оид яхши тузилган иншо ва маърузалар ёза олади;<br>· етарли даражада грамматик, мазмун жиҳатдан тўғри тузилган ва мос услубдаги илмий ва тадқиқот мақолаларини ёза олади;<br>· таклифлар, хулосалар ва тезислар ёза олиш ;<br>· (агар талаб қилинса) ўз соҳаси бўйича битирув малакавий иш ёза олади. |

| Компетенциялар | | | Билиш ва қўллай олиш |
|---|---|---|---|
| Лингвистик компетенция | Тил компетенцияси | Лексик компетенция | · махсус лексика ва атамаларни контекстда қўллай олади;<br>· коммуникатив доираларда мавзуга оид лексикани ишлата олади;<br>· кенг кўламдаги байналмилал сўзларни фарқлай олади ва улардан фойдалана олади. |
| | | Грамматик компетенция | · коммуникатив вазиятларда мураккаб грамматик ва синтактик структураларни ишлата олади;<br>· мос боғловчи сўзларни қўллай олади;<br>· ўз соҳаларига оид дискурс моделларининг грамматик, лексик ва мазмун жиҳатдан қандай тузилганини тушуниш мақсадида таҳлил қила олади. |



## ЧЕТ ТИЛИ БЎЙИЧА С1 ДАРАЖА УЧУН ТАЪЛИМ МАЗМУНИ

| Компетенциялар | | | ТАЪЛИМ МАЗМУНИ |
|---|---|---|---|
| Мавзулар | | | · кундалик ҳаётга оид мавзулар (масалан, парҳез сақлаш, фарзандлар тарбияси ва ҳоказо);<br>· кенг ижтимоий мавзулар (масалан, тиббиёт, илм-фан ва технологиялардаги этика масалалари, ижтимоий масалалар, ёшларнинг жиноят содир этиши, умумижтимоий мажбуриятлар ва ҳоказо);<br>· таълимга оид мавзулар (масалан, лингвистик ва ижтимоий масалалар, чет тили ўқитиш ва ўрганиш масалалари ва ҳоказо);<br>· ижтимоий-маданий мавзулар (масалан, маданий муҳитга мослашишдаги ўзга маданиятни тўғри талқин этишдаги эҳтиёткорлик, маданий шок, ижтимоий тафовутлар, маданий ўзликни сақлаб қолиш, турли доираларда ўзини маданий муҳитга мос тарзда тутиш, ўқув материалларини яратиш жараёнида маданиятни талқин этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш ва ҳоказо);<br>· касбий йўналтирилган мавзулар: лингвистика ва социолингвистика муаммолари, тилни ўргатиш ва тилни ўрганиш ва ҳоказо. |
| Лингвистик компетенция | Нутқий компетенция | Тинглаш | Тинглаш учун мўлжалланган матнлар:<br>· кенг қамровли мавҳум ва мураккаб мавзудаги матнларни тушуниш;<br>· кенг кўламдаги идиома ва иборалари оғзаки нутқ намуналарига бой аудио тасмалар, ахборот ва оммавий эълонлар (масалан, темир йўл вокзали, спорт майдончасидаги эълонлар ва ҳоказо);<br>· гуруҳ муҳокамасидаги асосий ва бошқа иштирокчилар ўртасидаги мураккаб мулоқот;<br>· теледастур ва фильмлар;<br>· ўрганилаётган тил соҳиби бўлган ва бўлмаган сўзлашувчиларнинг турли расмий ва норасмий жойлардаги ёки таълим муассасаларидаги аутентик оғзаки нутқ намуналари;<br>· соҳага оид маърузалар, муҳокамалар ва мунозаралар;<br>· ўрганилаётган тил воситасида аудиториядаги мулоқот. |

| Компетенциялар | | | ТАЪЛИМ МАЗМУНИ |
|---|---|---|---|
| Лингвистик компетенция | Нутқий компетенция | Гапириш | **Оғзаки мулоқот (диалогик нутқ):**<br>· шахслараро мулоқот ва суҳбатлар;<br>· оммавий мунозаралар ва расмий муҳокама;<br>· ўз мутахассислик соҳасига оид бўлган ёки бўлмаган мавҳум ва мураккаб мавзулардаги нутқлар ва мулоқотлар;<br>· ишга қабул қилувчи ёки ишга кирувчи сифатида суҳбатда қатнашиш;<br>· аудиторияда қўлланиладиган иборалар.<br>**Оғзаки монологик нутқ:**<br>· кўрсатмалар;<br>· тақдимотлар;<br>· конкрет ёки мавҳум мавзулар бўйича ўз мулоҳазасини билдириш ва уларни асослаш;<br>· ўз фикрини асосланган тарзда билдириш;<br>· фикрлар, муҳокама ёки соҳага оид мақола юзасидан умумлашган хулоса чиқариш. |
| | | Ўқиш | · ижтимоий, мутахассислик ёки таълим соҳаларида учраши мумкин бўлган узун ва мураккаб матнлар;<br>· бадиий ва илмий-оммабоп китоблар, шунингдек, адабий журналлар,<br>· даврий нашрлар;<br>· йўриқномалар (қўлланмалар, таомномалар ва ҳоказо);<br>· реклама материаллари;<br>· турли маълумотнома шакллари, ўқитувчи кундалиги, сўровномалар;<br>· норасмий хатлар, электрон хатлар ва ҳоказо;<br>· меморандумлар, маърузалар, танқидий таҳлиллар, иш қоғозлари. |
| | | Ёзиш | · мақолалар;<br>· таълим материаллари учун кўрсатмалар;<br>· маълумотнома шакллари ва сўровномалар;<br>· бизнес ва мутахассисликка доир хатлар;<br>· иншолар, маърузалар, таҳлиллар, тақризлар;<br>· битирув малакавий иши;<br>· резюме, йўлланмалар. |
| | Тил компетенцияси | Лексик компетенция | · кенг кўламдаги сўз бойлиги, идиоматик ва оғзаки нутқ иборалари;<br>· мутахассисликка оид (чет тили ўқитиш ва амалий тилшунослик) атамаларини ўзбек, рус ва ўрганилаётган тил воситасида қиёслаш ва таққослаш. |
| | | Грамматик компетенция | · коммуникатив компетенциянинг асосий қисми бўлган мазмунини ёритиб берувчи мураккаб гаплар;<br>· грамматик элементлар, категориялар, структуралар ва жараёнларни ўз ичига олган грамматик семантика;<br>· дискурс даражасидаги грамматика. |

| Компетенциялар | ТАЪЛИМ МАЗМУНИ |
|---|---|
| Социолингвистик компетенция | · Ўзбекистон ва тили ўрганилаётган мамлакатлар маданиятлари мисолида маданиятлараро мулоқотни чуқурроқ тушуниб етиш ва унинг тил билан боғлиқ масалалари, жумладан, саломлашиш, мурожаат шакллари, хушмуомалалик жиҳатлари ва ҳоказо;<br>· турли маданиятдаги коммуникациянинг новербал элементлари: хатти-ҳаракатлар, имо-ишоралар устида ишлашни давом эттириш. |
| Прагматик компетенция | · тақдимотлар қилиш маҳоратини янада такомиллаштириш;<br>· фикрларни мос тарзда оғзаки ва ёзма нутқда боғлаш;<br>· турли ижтимоий, таълим ва мутахассислик доираларида мос равишда тилни мақбул расмийлик даражасида қўллашни англаб етиш;<br>· мулоқот жараёнидаги нутқни бўлиш, аниқлик киритиш, бошқача талқин этиш, жумлаларни тиклаш, тўлдириш стратегиялари ва ҳоказо. |

## ЧЕТ ТИЛИ БЎЙИЧА С1 ДАРАЖА БИТИРУВЧИЛАРИ ТАЙЁРГАРЛИГИ ДАРАЖАСИГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР

| Компетенциялар | | | Билиш ва қўллай олиш |
|---|---|---|---|
| Лингвистик компетенция | Нутқий компетенция | Тинглаб тушуниш | · ўз мутахассислик соҳаларига оид бўлмаган мавҳум ва мураккаб мавзулардаги кенг кўламли нутқ намуналарининг айрим ноаниқ жиҳатларини ойдинлаштириб олиш зарурати туғилса, сўзловчининг талаффузи ноаниқ ёки тил шеваси нотаниш бўлган ҳолларда ҳам тушуна олиш;<br>· кенг кўламдаги идиоматик ва оғзаки нутқ ибораларини фарқлай олиш ва ижтимоий муҳитга мос тарзда тилда берилган дискурс хусусиятини тушуна олиш;<br>· кенг кўламли нутқларни аниқ тузилмаган ҳолларда ҳам тушуниш ва улардаги очиқ-ойдин ва яширин фикрларни ҳам етарли даражада англай олиш;<br>· муҳокама ва дебатлардаги бошловчи ва бошқа иштирокчилар ўртасидаги мураккаб мулоқот жараёнида, мавзулар мавҳум ёки нотаниш бўлса ҳам, осонлик билан тушуниш ва кузата олиш;<br>· кенг қамровли, тилнинг айрим ностандарт ишлатилиш ҳолларини ҳам ўз ичига олган аудио тасма ва ахборот материалларини тушуна олиш ва сўзловчилар ўртасидаги нозик тафсилотлар ва муносабатларнинг муҳим жиҳатларини аниқлай олиш;<br>· фильмлардаги сленг ва идиоматик иборалар ишлатилишининг аксарият қисмини тушуна олиш;<br>· шовқинда ҳам оммавий эълонлар (масалан, темир йўл вокзали, спорт майдончасидаги эълонлар)ни ўқиб тегишли маълумот ола билиш. |
| Лингвистик компетенция | Нутқий компетенция | Гапириш | Оғзаки мулоқот (диалог):<br>· ўз фикрини деярли қийинчиликсиз, равон, эркин ва спонтан равишда билдира олиш. Кенг кўламли лексик бойликка эга бўлган ҳолда сўзамоллик билан мулоқотдаги бўшлиқларни тўлдира олиш;<br>· ўз мутахассислик соҳаларига оид бўлмаган мавҳум ва мураккаб мавзулардаги кенг кўламли нутқларни етарли даражада ойдинлаштириб олиш зарурати туғилган ҳолда, сўзловчининг талаффузи ноаниқ ёки тил шеваси нотаниш бўлган ҳолларда ҳам батафсил тушуна олиш;<br>· ишга қабул қилувчи ёки ишга кирувчи сифатида суҳбатда қатнашиш жараёнида ҳеч қандай кўмаксиз фикрини кенгайтириб, равон тарзда ифодалай олиш, тегишли тил воситаларидан унумли фойдалана олиш; |

| Компетенциялар | | | Билиш ва қўллай олиш |
|---|---|---|---|
| Лингвистик компетенция | | Гапириш | · мавҳум, мураккаб ва нотаниш мавзулардаги мунозараларда ҳам қатнаша олиш;<br>· ўз расмий нуқтаи назарини ишонч билан илгари сурган ҳолда, қарши томоннинг бир қатор мураккаб савол ва шарҳларига мос равишда равон ва спонтан тарзда жавоб бера олиш;<br>Оғзаки монологик нутқ:<br>· турли мавзуларни уйғунлаштирган ҳолда тўлиқ тасвирий ёки ҳикоявий тарзда фикрларни алоҳида жиҳатларга урғу берган ҳолда баён этиш ва мос равишда якунлаб, хулоса қила олиш. |
| | | Ўқиш | · ўз мутахассислик соҳаларига оид ёки оид бўлмаган бирмунча узун ва мураккаб матнларни қийин жойларини қайта ўқиш имконияти берилган ҳолатда батафсил тушуна олиш;<br>· луғатдан фойдаланиб ҳар қандай турдаги хатларни тушуна олиш;<br>· ижтимоий, мутахассислик ёки таълим соҳаларида учраш эҳтимоли бўлган кенг кўламдаги узун ва мураккаб матнлар (масалан, соҳага оид мақолалар, китоб боблари, шарҳлар)ни батафсил тушуна олиш ва улардаги кичик деталларнинг ҳам муҳим жиҳатлари, қарашлар, очиқ-ойдин ва яширин фикрларни аниқлай олиш;<br>· вебсайт ёки журналлардан ўз мутахассислик соҳаларига оид тегишли тафсилотларни ола билиш. |
| | | Ёзиш | · мураккаб мавзулардаги матнларни бирламчи масалаларга урғу берган ва иккиламчи масалаларни етарли тарзда кенгайтирган ҳолда ёрита олиш, асосли ва ўринли мисоллар келтира олиш ҳамда мос равишда якунлаб, хулоса ёза олиш;<br>· аниқ, батафсил, яхши тузилган тасвирий ҳамда ижодий тарафдан мукаммал, табиий ва ўз услубига эга, маълум ўқувчига кўзланган матнлар ёза олиш;<br>· аниқ, яхши тузилган, асосий масалаларга урғу берган ҳолда (масалан, битирув малакавий ишида) мураккаб тушунчаларнинг талқинини ёза олиш;<br>· ўз фикрини кенгайтириб, қўшимча фикрлар, далиллар ва мақбул мисоллар билан ёрита олиш;<br>· шахсий мазмундаги турли матнлар (кундаликлар, ўтган ҳодисалар таҳлили)ни ўзига хос услубда ёза олиш;<br>· маъруза, мақола ва муҳокамалар хулосаларини ёза олиш;<br>· мутахассислик ва таълимга оид таҳлиллар ёза олиш. |
| | Тил компетенцияси | Фонетик компетенция | · интонацияни ўзгартириш ва гап урғусини тўғри қўйиш орқали мазмуннинг турлича талқинини ифодалай олиш. |
| | | Лексик компетенция | · кенг кўламли сўз бойлигига эга бўлган ҳолда мулоқотдаги бўшлиқларни тўлдира олиш (кам ҳолларда зарур ибораларни топа олмаслик ёки ўзини мулоқотдан олиб қочиш стратегияларини қўллаш);<br>· идиоматик ва оғзаки нутқ ибораларини қўллай олиш;<br>· айрим кичик хатолардан истисно тарзда жиддий лексик хатоларга йўл қўймаслик;<br>· мутахассисликка оид (чет тили ўқитиш ва амалий тилшунослик) ўрганилаётган чет тилидаги атамаларни яхши тушуниб, қўллай олиш. |

| Компетенциялар | | | Билиш ва қўллай олиш |
|---|---|---|---|
| | | Грамматик компетенция | · мунтазам равишда грамматик жиҳатдан тўғри ва хатолардан бирмунча холи фикрларни қўллай олиш. |

## ЧЕТ ТИЛИ БЎЙИЧА С1 ДАРАЖА УЧУН ТАЪЛИМ МАЗМУНИ

| Компетенциялар | | | ТАЪЛИМ МАЗМУНИ |
|---|---|---|---|
| Мавзулар | | | · глобал муаммоларга оид мавзулар (масалан, замонавий технологиялар ва уларнинг инсониятга таъсири, глобаллашув, миграция, экология, терроризм, ишсизлик ва ҳоказо);<br>· ижтимоий мавзулар (масалан, теварак-атроф билан ижтимоий муносабатлар, жинс масалалари, ижтимоий тенглик, маданий қадриятлар, толерантлик ва ҳоказо);<br>· касбга оид мавзулар (масалан, касбий фаолият турлари (таржимон ёки ўқитувчининг кундалик фаолияти ва ҳоказо), малака ошириш, касб этикаси ва ҳоказо);<br>· таълимга оид мавзулар (узлуксиз таълим, кадрлар тайёрлаш миллий дастури, магистратура бўлимида ўқиш ва ҳоказо);<br>· илмий тадқиқотга оид мавзулар (халқаро лойиҳалар, илмий тадқиқот этикаси, интеллектуал бойлик, раҳбарлик ва бошқарув, муаллифлик ҳуқуқи). |
| Лингвистик компетенция | Нутқий компетенция | Тинглаб тушуниш | Тинглаш учун мўлжалланган матнлар:<br>· кенг қамровли мавҳум ва мураккаб мавзулардаги матнлар;<br>· кенг кўламдаги идиоматик иборалар ва оғзаки нутқ намуналарига бой аудио тасмалар, ахборот ва оммавий эълонлар (масалан, темир йўл вокзали, спорт майдончасидаги эълонлар);<br>· гуруҳ муҳокамасидаги асосий ва бошқа иштирокчилар ўртасидаги мураккаб мулоқот;<br>· теледастур ва фильмлар;<br>· ўрганилаётган тил соҳиби бўлган ва бўлмаган сўзлашувчиларнинг турли расмий ва норасмий доиралардаги ёки таълим муассасаларидаги аутентик оғзаки нутқ намуналари;<br>· соҳага оид маърузалар, баҳс-мунозаралар. |
| | | Гапириш | Оғзаки мулоқот (диалогик нутқ):<br>· шахслараро мулоқот ва суҳбатлар;<br>· оммавий мунозаралар ва расмий муҳокама;<br>· ўз мутахассислик соҳасига оид бўлмаган мавҳум ва мураккаб мавзулардаги маърузалар ва мулоқотлар;<br>· ишга қабул қилувчи ёки ишга кирувчи сифатида интервьюда қатнашиш<br>· аудиторияда қўлланиладиган иборалар;<br>Оғзаки монологик нутқ:<br>· кўрсатмалар;<br>· тақдимотлар;<br>· конкрет ёки мавҳум мавзулар бўйича ўз мулоҳазасини билдириш ва уни асослай олиш;<br>· ўз фикрини асосланган тарзда ифода этиш;<br>· фикрлар, муҳокама ёки соҳага оид мақола юзасидан умумлашган хулоса чиқариш. |

| Компетенциялар | | | ТАЪЛИМ МАЗМУНИ |
|---|---|---|---|
| Лингвистик компетенция | Нутқий компетенция | Ўқиш | · ижтимоий, мутахассислик ёки таълим соҳаларида учраш эҳтимоли бўлган бирмунча узун ва мураккаб матнлар;<br>· бадиий ва илмий-оммабоп китоблар, шунингдек, адабий журналлар<br>· газета ва журналлар;<br>· йўриқномалар (қўлланмалар, таомнома китоблари ва ҳоказо)<br>· реклама материаллари;<br>· турли маълумотнома шакллари, ўқитувчи кундалиги, сўровномалар<br>· расмий хатлар, электрон хатлар ва ҳоказо (меморандумлар, маърузалар, танқидий баёнотлар/мақолалар, илмий ишлар). |
| | | Ёзиш | · маълумотнома шакллари ва сўровномалар;<br>· иш ва мутахассисликка доир хатлар;<br>· мавзу танлаш баёноти;<br>· резюме;<br>· тезис;<br>· мини-диссертация;<br>· таҳлиллар;<br>· маърузалар;<br>· иншолар;<br>· грант ва стипендиялар учун таклиф ва мулоҳазалар;<br>· расмий ҳужжатлар (шартномалар, битимлар). |
| | Тил компетенцияси | Лексик компетенция | · юқорида қайд этилган мавзуларга оид лексика;<br>· таълим ва мутахассисликка оид лексика;<br>· сўз ясаш моделлари;<br>· қисқартмалар;<br>· нуқтаи назар ва қарашларни ифодаловчи сўз ва иборалар. |
| | | Грамматик компетенция | · ихтисослашган матнлардаги грамматик структуралар (масалан, илмий иншода мажҳул нисбатнинг қўлланилиши);<br>· дискурс намуналари (масалан, грамматик, лексик ёки мазмун жиҳатдан боғланиш);<br>· боғловчилар;<br>· артикл ва белгиловчилар (детерминантлар). |
| Социолингвистик компетенция | | | · тилнинг маданият жиҳатлари (масалан, идиомалар, мақоллар ва ҳоказо);<br>· хулқ-атвор, ўзини тутиш ва этикет қоидалари;<br>· новербал коммуникация воситалари;<br>· ижтимоий ва илмий доирага хос тарзда тилни мослаштириш;<br>· маданиятлараро мулоқотни чуқурроқ тушуниб етиш;<br>· ўзга миллат вакилларига нисбатан ҳурмат ва толерантлик;<br>· ўзга маданият ва турли вазиятларга мослашиш. |
| Прагматик компетенция | | | · нутқни тушуниш, талқин этиш ва сўзлашдаги тегишли стратегия ва услублар;<br>· турли дискурслар таркиби ва мазмунини билиш;<br>· мулоқотдаги бўшлиқларнинг олдини олиш мақсадида тил камчиликларини бартараф этиш;<br>· расмий ва норасмий доираларда нутқни бўлиш, аниқлик киритиш, бошқача талқин этиш, жумлаларни тузатиш,тўлдириш ва ҳоказо стратегиялар. |

## ЧЕТ ТИЛИ БЎЙИЧА С1 ДАРАЖА БИТИРУВЧИЛАРИ ТАЙЁРГАРЛИГИ ДАРАЖАСИГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР

| **Компетенциялар** | | | **Билиш ва қўллай олиш** |
|---|---|---|---|
| Лингвистик компетенция | Нутқий компетенция | Тинглаб тушуниш | · ўз мутахассислик соҳаларига оид бўлмаган абстракт ва мураккаб мавзулардаги кенг кўламли нутқларнинг айрим жиҳатларини ойдинлаштириб олиш зарурати туғилса, айниқса, сўзловчининг талаффузи ноаниқ ёки тил диалекти нотаниш бўлган ҳолларда ҳам тушуна олиш;<br>· кенг кўламдаги идиоматик ва оғзаки нутқ ибораларини фарқлай олиш ва ижтимоий муҳитга мос тарзда тилнинг ўзгариш хусусиятини тушуна олиш;<br>· кенг кўламли нутқлар аниқ тузилмаган ҳолларда ҳам тушуниш ва улардаги очиқ ойдин ва яширин фикрларни ҳам етарли даражада англай олиш;<br>· муҳокама ва дебатлардаги асосий ва бошқа иштирокчилар ўртасидаги мураккаб мулоқотни, мавзулар бирмунча мавҳум ёки нотаниш бўлган ҳолларда ҳам, осонлик билан тушунган равишда кузата олиш;<br>· кенг қамровли, тилнинг айрим ностандарт ишлатилиш ҳолларини ҳам ўз ичига олган аудио тасма ва ахборот материалларини тушуна олиш ва сўзловчилар ўртасидаги бирмунча яширин қарашлар ва муносабатлар, кичик деталларнинг ҳам муҳим жиҳатларини аниқлай олиш;<br>· фильмларни сленг ва идиоматик ибораларнинг ишлатилиш ҳолларининиг аксар қисмини тушунган ҳолда кузата олиш;<br>· сифат жиҳатдан бирмунча ёмон, овоз эшитилиши ноаниқроқ бўлган оммавий эълонлардан (масалан, темир йўл вокзали, спорт майдончасидаги эълонлар) тегишли маълумот ола билиш. |
| | | Гапириш | Оғзаки мулоқот (диалогик нутқ):<br>· илмий ва соҳага оид конференция, давра суҳбатлари, мунозара (жонли ёки воситали) ларда мулоқотни бошлаш, олиб бориш ва якунлай билиш;<br>· фикрларни аниқ ифодалаган ҳолда муҳокамаларда фаол қатнаша олиш;<br>· вазиятга мос тарзда тилни мослаштира олиш;<br>· ўз расмий нуқтаи назарини ишонч билан илгари сурган ҳолда қарши томоннинг бир қатор мураккаб савол ва шарҳларига мос равишда равон ва спонтан тарзда жавоб бера олиш;<br>· семинар ва муҳокамаларда сўраш, ойдинлик киритиш, нутқни бўлиш ва тўлдириш стратегияларини мос равишда қўллай олиш.<br>Оғзаки монологик нутқ:<br>· соҳага оид мавзулар бўйича тақдимот ва маърузалар қила олиш;<br>· объект, субъект, вазият ва ҳодисаларни батафсил тасвирлай олиш;<br>· маъруза, муҳокама ёки мақолага тўғри ва равон тарзда хулоса қила олиш;<br>· илмий нуқтаи назар ёки фикрни ривожлантириш, далиллар келтириш орқали асослай олиш. |
| | | Ўқиш | · ўз мутахассислик соҳаларига оид ёки оид бўлмаган кенг кўламли бирмунча узун ва мураккаб матнларни услубий жиҳатлари, очиқ ойдин ёки бирмунча яширин баён этилган фикрларни аниқлаган ҳолда тушуна олиш;<br>· кичик деталларнинг ҳам муҳим жиҳатлари, қарашлар, очиқ ойдин ёки бирмунча яширин баён этилган фикрларни ҳам аниқлай олиш;<br>· ўз мутахассислик соҳаларига оид вебсайт ёки журналлардан тегишли тафсилотларни ола билиш. |

| Компетенциялар | | | Билиш ва қўллай олиш |
|---|---|---|---|
| Лингвистик компетенция | Нутқий компетенция | Ёзиш | · барча турдаги хатларни ёза билиш;<br>· барча турдаги иншоларни ёза олиш;<br>· танлаган мавзулари бўйича магистрлик илмий ишини ёза олиш;<br>· соҳага оид мақолалар ёза билиш;<br>· соҳага оид ва оид бўлмаган адабиётлар (мақолалар, китоблар, малакавий иш) таҳлилларини ёза олиш;<br>· соҳага оид ва оид бўлмаган адабиётлар (бирламчи ва иккиламчи манбалар)га аннотациялар ёза олиш;<br>· турли илмий материалларга хулоса ёза олиш;<br>· тезис ва конференцияда қатнашиш учун таклиф ва мушоҳадаларни ёза олиш;<br>· грант ва стипендиялар учун таклиф ва аризалар ёза олиш. |
| | Тил компетенцияси | Лексик компетенция | · мавзуларга оид лексикани ва соҳага оид атамаларни илмий даражада ривожлантира олиш;<br>· сўз ясаш моделлари асосида сўзлар ҳосил қила олиш. |
| | | Грамматик компетенция | · ихтисослашган матнлардаги (масалан, тилшунослик ёки таржимага оид) грамматик структураларни қўллай билиш;<br>· артиклни илмий услубда тўғри қўллай билиш;<br>· турли матнларнинг лингвистик ёки дискурс таҳлилини қила олиш. |

*Вазирлар Маҳкамасининг*
*2013 йил «8» майдаги 124-сон қарорига*
*2-илова*

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

**1. Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 16 августдаги 390-сон қарори билан тасдиқланган Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартида:**

**а) “Умумий ўрта таълим давлат таълим стандартининг таянч ўқув режаси” бўлими ва унга илова қилинган жадвал қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:**

**«Умумий ўрта таълим давлат таълим стандартининг таянч ўқув режаси»**

Умумий ўрта таълим муассасалари учун таянч ўқув режаси давлат таълим стандартининг таркибий қисми бўлиб, таълим соҳаларини меъёрлашга асос бўладиган давлат ҳужжатидир (жадвал). Таянч ўқув режаси ўқув фани бўйича бериладиган таълим мазмунини ўқувчига етказиш учун ажратилган ўқув соатларининг энг кам ҳажмдаги миқдорини ифодалайди. У ҳар бир синфда муайян ўқув фани бўйича давлат таълим стандартларига мувофиқ бериладиган таълим мазмунини аниқлашга асос бўлади:

| т/р | Ўқув фанлари | Синфлар | | | | | | | | | Ҳафталик умумий соат |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | |
| | **Давлат ихтиёридаги соатлар** | **22** | **24** | **26** | **26** | **30** | **32** | **33** | **34** | **35** | **262** |
| 1 | Она тили ва адабиёт | 8 | 8 | 10 | 10 | 9 | 7 | 5 | 5 | 5 | 67 |
| 2 | Ўзбек тили/рус тили | | 2 | 2 | 2 | 2 | 2 | 2 | 2 | 2 | 16 |
| 3 | Чет тили* | 2 | 2 | 2 | 2 | 3 | 3 | 3 | 3 | 3 | 23 |
| 4 | Тарих | | | | | 2 | 2 | 3 | 3 | 3 | 13 |
| 5 | Давлат ва ҳуқуқ асослари | | | | | | | | 1 | 1 | 2 |
| 6 | Иқтисодий билим асослари | | | | | | | | 1 | 1 | 2 |
| 7 | Математика | 5 | 5 | 5 | 5 | 5 | 5 | 5 | 5 | 5 | 45 |
| 8 | Информатика | | | | | | | | 1 | 2 | 3 |
| 9 | Физика | | | | | | 2 | 2 | 2 | 2 | 8 |
| 10 | Кимё | | | | | | | 2 | 2 | 2 | 6 |
| 11 | Биология | | | | | 1 | 2 | 2 | 2 | 2 | 9 |
| 12 | Табиёт ва география | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 2 | 2 | 2 | 2 | 13 |
| 13 | Одобнома | 1 | 1 | 1 | 1 | | | | | | 4 |
| | Ватан туйғуси | | | | | 1 | 1 | | | | 2 |
| | Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари | | | | | | | 1 | 1 | 1 | 3 |
| 14 | Мусиқа маданияти | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | | | 7 |

| | | | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 15 | Тасвирий санъат | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | | | 7 |
| 16 | Чизмачилик | | | | | | | | 1 | 1 | 2 |
| 17 | Меҳнат | 1 | 1 | 1 | 1 | 2 | 2 | 2 | 1 | 1 | 12 |
| 18 | Жисмоний тарбия | 2 | 2 | 2 | 2 | 2 | 2 | 2 | 2 | 2 | 18 |
| | Мактаб ихтиёридаги соатлар | 0,5 | | | | 0,5 | 0,5 | 1 | 0,5 | 2 | 5 |
| | Умумий соатлар | 22,5 | 24 | 26 | 26 | 30,5 | 32,5 | 34 | 34,5 | 37 | 267 |
| | Амалий меҳнат машғулоти (кун ҳисобида) | | | | | 6 | 6 | 10 | 16 | | |

** “Чет тили” ўқув фани босқичма-босқич 2013-2014 ўқув йилидан 1-синфда, 2014-2015 ўқув йилидан 2-синфда, 2015-2016 ўқув йилидан 3-синфда ва 2016-2017 ўқув йилидан 4-синфда жорий этилади.»*



**б) “Ўқувчиларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган мажбурий минимал талаблар” бўлимининг “1–4-синфлар” кичик бўлими қуйидаги мазмундаги 6-банд билан тўлдирилсин:**

6. Чет тиллар

Ўқувчиларининг чет тиллари бўйича тайёргарлик даражасига қўйиладиган мажбурий минимал талаблар

### Лингвистик компетенция

**1. Нутқий компетенция** (А1)

а) тинглаб тушуниш:

содда йўриқномаларни тушуна олади ва уларга амал қила олади;

содда саволлар ва гапларни тушуна олади;

содда шеърлар, ҳикоялар, қўшиқларни тушуна олади;

таниш контекстларда содда аутентик нутқни тушуна олади.

б) гапириш:

диалог: маълумот сўрай олади ва маълумот бера олади;

ёрдам сўраб мурожаат қила олади;

содда савол-жавоб қила олади.

Монолог: яшаш жойи, оила, дўстлари ва танишлари ҳақида гапира олади;

ўзини таништира олади, ёқтирган ва ёқтирмаган нарсалари ҳақида гапира олади;

таниш мавзуда жуда қисқа тақдимотлар қила олади.

в) ўқиш:

таниш мавзулардаги маълумот берувчи матнларнинг асосий мазмунини тушуна олади;

жой ёки инсонлар тасвирланган қисқача матнни (зарур ҳолларда кўргазмалардан фойдаланган ҳолда) тушуна олади;

содда хабарларни (масалан, оддий хатлар, электрон хатлар) тушуна олади;

содда ёзма йўриқнома ёки кўрсатмаларни тушуна олади ва уларга амал қила олади.

г) ёзиш:

шахсий содда хабарларни ёза олади (табриклар, қайдлар, электрон хатлар);

шахсий маълумотлар (исм-шариф, яшаш манзили ва ҳоказо) билан содда анкетани тўлдира олади;

содда шеър ва ҳикоялар ёза олади.

**2. Тил компетенцияси** (A1)

а) фонетик компетенция:

чет тилининг барча товушларини аниқ талаффуз эта олади;

сўз ва гап урғусини тўғри қўя олади;

коммуникатив вазиятларда интонация моделларини фарқлай билади ва улардан фойдалана олади;

б) лексик компетенция:

ўзлаштирилган лексик воситаларни контекст (матн)да қўллай олади;

мавзуга оид содда сўзларни коммуникатив вазиятларда қўллай олади;

баъзи байналминал сўзлар ва турдош сўзларни фарқлай олади ҳамда уларни қўллай олади.

в) грамматик компетенция:

коммуникатив вазиятларда содда грамматик ва синтактик тузилмаларни қўллай олади;

сўз ва сўз бирикмаларини “ва” боғловчиси билан боғлай олади;

феъл шакллари ва содда пайт равишдошларидан фойдаланган ҳолда гапларни тўғри баён қила олади, ҳикоялар ҳамда воқеаларни тўғри кетма-кетликда гапира олади.”;

**3) 5–9-синфлар кичик бўлимининг 5-банди қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:**

“5. Чет тиллари бўйича умумий ўрта таълимнинг 5-9-синф ўқувчиларининг тайёргарлик даражасига қўйиладиган мажбурий минимал талаблар.

**Лингвистик компетенция**

**1. Нутқий компетенция** (A2 ва A2+)

а) тинглаб тушуниш:

A2. Ўз эҳтиёжлари ва қизиқишларига бевосита боғлиқ бўлган гап ва ибораларни тушуна олади;

бирор ерга бориш бўйича содда йўриқномаларни тушуна олади;

содда хабарлар ва эълонлардаги асосий маъноларни тушуна олади.

A2+. Кундалик мавзулардаги тасмага ёзилган парчалардан муҳим маълумотларни тушуна олади;

муҳокама этилаётган масаланинг асосий мавзусини аниқлай олади.

б) гапириш:

диалог:

A2. Тўғри маълумот ола билади ва бера олади;

саломлаша олади ва мурожаат қила олади, таклиф, тавсия қила олади ва таклифга жавоб бера олади, узр сўрашнинг содда кундалик шаклларини ишлата олади;

қисқа мулоқотда иштирок эта олади;

содда иборалардан фойдаланиб таниш мавзуда ўз фикрини ифода эта олади;

содда юмушлар (чипталар сотиб олиш, харид қилиш, ошхонада таом буюра олиш)ни амалга ошира олади;

тушунмаганлигини билдира олади.

А2+. Оммавий вазиятларда одамлар билан мулоқотга кириша олади;
қисқа суҳбатларда ўз режалари ҳақида муаммосиз иштирок эта олади (масалан, кечқурун ёки дам олиш кунлари режалари бўйича);
кундалик ҳаётга оид ўзи қизиққан ёки ўзига бевосита алоқадор мавзуларда қисқа суҳбатларда иштирок эта олади;
олдиндан режалаштирилган кундалик суҳбатларда маълум мавзуларда савол-жавоб қила олади, фикр ва маълумот алмаша олади;
бошқалар фикрига қўшилиш ёки қўшилмасликни ифодалай олади;
чет тилида маълумот, йўриқномалар ва бошқалар юзасидан тегишли жавобларни қайтара олади (масалан, кўчада ўрганилаётган тил соҳиби бўлган сўзлашувчи мурожаат қилганда);
маълумотни аниқлаштириш ёки такрорлашни илтимос қила олади.
монолог:
А2. Одамлар, яшаш ёки иш жойи шароитлари, кундалик ишлар, ёқтирган/ёқтирмаган нарсалар ва бошқаларни содда қилиб тасвирлай олади ёки тақдимот қила олади;
содда иборалар билан одамлар, жойлар ва буюмларни тасвирлай олади.
А2+. Таниш мавзуда қисқа тақдимот қила олади;
нимани ёқтириши ёки ёқтирмаслигини тушунтира олади;
тадбир ёки воқеа-ҳодиса ҳақида қисқа маълумот бера олади;
режалар, тадбирлар, одатлар ва тажрибаларни тасвирлай олади;
содда иборалар билан предметлар ва ўзига тегишли нарсаларни қиёслай олади.
в) ўқиш:
А2. Жуда қисқа содда аутентик ва ярим-аутентик матнларни тушуна олади;
қисқа шахсий содда хабарлар ва хатларни тушуна олади;
жамоат жойларидаги умумий белгилар ва эълонларни тушуна олади;
содда ёзма кўрсатмаларни тушуна олади;
рўйхатлар, веб сайтлар, қўлланмалар ва бошқалардаги махсус маълумотларни қидириб топа олади.
А2+. Расмий хатларнинг асосий турларини тушуна олади (масалан, тасдиқлаш хати каби);
Оммавий ахборот воситаларида чоп этилган қисқа хабар ва кичик мақолаларини тушуна олади;
товарлар ва асбоб-ускуналарни ишлатиш бўйича йўриқномаларни тушуна олади ва уларга амал қила олади;
фактларга асосланган матнларда, масалан брошюралар, рекламалар, газета эълонларидан махсус маълумотларни топа олади;
баъзи нотаниш сўзларнинг маъносини контекстга қараб аниқлай олади;
г) ёзиш:
А2. Содда қисқа хат ва хабарлар ёза олади (масалан, миннатдорчилик билдириш, узр сўраш хатлари);
анкетани турли шахсий маълумотлар билан тўлдира олади (исм-шарифи, манзили, телефон рақами, миллати, ота-онаси билан уланиш ҳақида маълумотлар ва ҳоказо);
кундалик турмуш ҳақида ёза олади;
содда биография ёза олади;
содда шеърлар ёза олади.
А2+. Тадбирлар ва шахсий тажрибаларни тасвирлаб ёза олади;

оғзаки хабарни тушунарли қилиб ёза олади.

**2. Тил компетенцияси** (А2 ва А2+)

а) фонетик компетенция:

Чет тилининг барча товушларини аниқ талаффуз қила олади;

сўз ва гап урғусидан тўғри фойдалана олади;

коммуникатив вазиятларда интонация моделларидан тўғри фойдалана олади ва уларни фарқлай олади;

б) лексик компетенция:

ўзлаштирилган лексик бирликларни контекстда қўллай олади;

мавзуга оид содда сўзларни коммуникатив вазиятларда қўллай олади;

баъзи байналминал ва ўзлашган сўзларни таний олади ва уларни қўллай олади;

сўз ясашнинг турли йўлларини фарқлай олади (қўшма сўзлар, префикслар ва суффикслар).

в) грамматик компетенция:

коммуникатив вазиятларда асосий грамматик ва синтактик тузилмаларни қўллай олади;

сўз бирикмалари ва қўшма гапларни “аммо”, “ва”, “чунки” каби содда боғловчилар билан боғлай олади;

феъл шакллари ва содда пайт равишларидан фойдаланган ҳолда баён қила олади ва ҳикояларни гапириб беришда воқеаларни тўғри кетма-кетликда ифодалай олади”.

**2. Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 16 октябрдаги 400-сон қарори билан тасдиқланган Ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг умумтаълим фанлари давлат таълим стандартининг 5-бўлими (Академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари ўзлаштириши зарур бўлган умумтаълим фанлари мазмунига қўйиладиган талаблар) 3-банди қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:**

**3. Чет тиллар**

лингвистик компетенция

1. Нутқий компетенция (В1 ва В1+)

а) тинглаб тушуниш:

В1. Оммабоп таниш мавзулардаги аниқ норматив нутқнинг асосий маъноларини тушуна олади;

касб-ҳунарга оид мавзулардаги аниқ норматив нутқнинг асосий маъноларини тушуна олади;

шахсий қизиқиш ёки касбга оид кундалик воқеалар ва дастурлар ҳақидаги телерадио янгиликлар секин, равон гапирилганда уларнинг асосий мазмуни ва ғоясини тушуна олади;

батафсил ёзилган йўриқномалар ёки кўрсатмаларни тушуна олади ва уларга амал қила олади;

таниш мавзудаги муҳокамага кириша олади.

В1+. Ўз мутахассислиги доирасидаги яхши тузилган маъруза ёки суҳбатни тушуна олади;

ўз қизиқишлари доирасидаги теле ёки радио дастурлар, Интернет манбаларини тинглаб, асосий маълумотларни тушуна олади;

шахсий қизиқиш, ўқиш ёки касбга оид соҳалардаги оғзаки манбаларни тинглаб, ҳам асосий мазмуни, ҳам махсус маълумотларни англай олади;

тил эгаси билан таниш ва махсус мавзуда мулоқотга киришганда унинг аксарият жиҳатларини тушуна олади.

б) гапириш:
Диалог:
B1. Саёҳат мобайнида ёки иш жойида вужудга келиши мумкин бўлган аксарият вазиятларда мулоқот қила олади;
таниш, шахсий қизиқишларига оид ёки кундалик мавзуларда суҳбатга тайёргарликсиз кириша олади;
ҳам оммабоп, ҳам касб-ҳунарга оид масалалар бўйича маълумот олади ва беради ҳамда фикр алмаша олади;
кенг миқёсдаги ҳис-туйғулар ва ҳиссиётлар, масалан ғамгинлик, бахтиёрлик, дилхиралик, мамнуният, ҳайратланишни ифода қила олади ва уларга жавоб қайтара олади;
мавзу бўйича суҳбат ёки муҳокамада қатнаша олади;
саёҳат, харид, банк ва бошқа умумий кундалик ёки меҳнат фаолиятига оид вазиятлардаги юмушларни самарали уддалай олади;
йўриқномалар ёки кўрсатмаларни тушуниб, уларга амал қила олади;
расмий суҳбатда, масалан ишга жойлашиш ёки степендия олиш учун бўладиган суҳбатда олдиндан кутса бўладиган саволларга жавоб бера олади;
юзма-юз мулоқотда ёки телефон орқали учрашув ёки тадбир вақти ва жойини режалаштира олади;
касб-ҳунарга оид мавзудаги саволлар бера олади ва уларга жавоб қайтара олади;
B1+. Таниш кундалик ва бошқа умумий мавзуларда маълум даражада ўзида ишонч билан маълумот алмашина олади, маълумотни текшира олади ва тасдиқлай олади;
муаммони тушунтириб бера олади ва уни ҳал қилиш йўлларини таклиф қила олади;
кутилмаган мулоқот вазиятларида иштирок эта олади: тайёргарликсиз суҳбат ва муҳокамаларни олиб бора олади;
таниш мавзуларда дебатлар ва муҳокамаларда иштирок эта олади;
муҳокамалар жараёнида мавҳум мавзулар ва масалаларда ўз фикрини ифода қила олади;
муҳокама ёки суҳбат мобайнида ўзгалар фикрини шарҳлай олади;
батафсил кўрсатмаларга оид саволларга жавоб бера олади;
саволлар бериб, тегишли шарҳлар келтириб, интервью олиб бора олади;
интервью ёки маслаҳат бериш мобайнида кераkли маълумотларни бера олади.
Монолог:
B1. Ихтисосликка оид ёки бошқа таниш мавзуларда қисқа, фикрларни мантиқий боғланган ҳолда тақдимот қила олади;
таниш вазиятлар ва мавзуларни содда тасвирлай олади ва улар ҳақида бевосита ахборот бера олади;
воқеа-ҳодисалар ва тадбирлар тафсилотларини боғлай олади;
орзу-умидлар, хоҳиш-истак ва режаларни тасвирлай олади;
оммага эълон ёки тақдим қилиш жараёнида режалар ёки чора-тадбирларни тасвирлай олади;
содда иборалар ёрдамида масала ёки далил ва сабабларни келтира олади.

B1+. Оммабоп ёки ихтисосликка оид мавзуда яхши тузилган тақдимот қила олади;
қисқа ҳикоя, мақола ёки муҳокаманинг мазмунини қисқача баён қила олади;
ўз қарашларини тушунарли ва аниқ ифодалай олади.
в) ўқиш:
B1. Ихтисослик соҳаларида фактларга асосланган мураккаб бўлмаган матнларни тўлиқ тушуна олади;
кундалик ва асосий касб-ҳунарга оид ҳужжатлардаги, масалан хабарлар, қисқа расмий ҳужжатлардаги тегишли маълумотларни топа олади ва тушуна олади;
газета ва Интернет матнлари ва манбаларнинг тегишли фикрларни тушуна олади;
асбоб-ускуналар ва қурилмаларни ишлатиш ва эксплуатация қилиш бўйича ёзма йўриқномаларни тушуна олади ва уларга амал қила олади;
оммавий матнларнинг муҳокама қилишни назарда тутган ҳолда асосий фикрларини тушуна олади.
B1+. Каттароқ матнларни ўқий олади, матннинг турли қисмларидан тегишли маълумот йиға олади;
мунозарали матннинг хулосаларини аниқлай олади;
матн мазмунининг асосий ғоясини ажрата олади;
махсус маълумот олиш учун нисбатан катта ҳажмдаги матнларни ўқий олади;
махсус маълумот олиш, тўлиқ тушуниш учун қисқа газета мақолаларини ва интернет матнлари ва бошқаларни ўқий олади.
г) ёзиш:
B1. Шахсий ва касб-ҳунарга оид контекстларда қайдлар ва хабарлар ёзиб, уларнинг шошилинчлиги, муҳимлиги ёки зарурлигини ифодалай олади;
норматив форматга асосланган қисқа касб-ҳунарга оид ҳисоботлар ёза олади;
ўз тажрибасига асосланган меҳнат амалиётини ўтаган ҳолда оддий ҳисоботлар ёза олади;
иш жойи билан боғлиқ масалалар ва вужудга келадиган вазиятлар бўйича оддий ҳисоботлар ёза олади;
резюме ва тавсия хатларини ёза олади.
B1+. Маъруза пайтида ўзи фойдаланиши учун етарли даражада аниқ бўлган қайдлар қила олади;
ўз қизиқишларига тааллуқли мавзуда қисқа, содда эссе ёза олади;
расмий хат, иш юритиш қоғозларини (ариза, розилик хатлари, резюме...) ёза олади;
тажриба, фаолият ва тадбирлар ҳақида талабга жавоб бера оладиган ҳисоботларни ёза олади;
лойиҳа иши ҳақида қисқача ҳисобот ёза олади;
ҳикоя ёза олади.
2. Тил компетенцияси (B1 ва B1+)
а) фонетик компетенция:

В1. Тақдимотлар ва муҳокамаларда таъкидлаш мақсадида урғу ва интонациядан тўғри фойдалана олади.
В1+. Дарак, сўроқ, бўлишсиз, буйруқ гапларда ритм ва интонациядан фойдалана олади, гапни маъно бўлакларига ажрата олади;
тақдимотлар ва муҳокамаларда таъкид мақсадида урғу ва интонациядан фойдалана олади;
чет тилининг асосий вариантларини ажрата олади.
б) лексик компетенция:
В1. Касб-хунарга оид луғат бойлигидан фаол фойдалана олади
ўз соҳаларида кенг тарқалган халқаро ва турдош сўзларни танийди ва ишлата олади;
ўз ихтисослиги доираси ва ундан ташқарида сўз тузилиши элементларини (қўшма сўзлар, префикслар, суффикслар, сўз ўзаги) таний олади ва тушуна олади;
В1+. Ўз мутахассислигига оид лексикани ажрата олади ва қўллай олади;
ўз ихтисослиги доираси ва бошқа соҳаларда сўз тузулиши унсурларини (қўшма сўзлар, префикслар, суффикслар, сўз ўзаги) таний олади ва тушуна олади;
в) грамматик компетенция:
В1. Коммуникатив мақсадларда зарур бўладиган чет тили грамматикасининг барча асосий элементларини таний олади ва улардан тўғри фойдалана олади;
В1+. Коммуникатив мақсадларда керак бўладиган чет тили грамматикасининг барча асосий элементларини ажрата олади ва улардан тўғри фойдалана олади.”

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
XALQ TA’LIMI
VAZIRLIGI

MINISTRY OF PUBLIC
EDUCATION OF THE REPUBLIC
OF UZBEKISTAN

O’zbekiston, Toshkent sh. 100078, Mustaqillik maydoni 5 teL: 239-13-10, faks: (371) 239-16-30
Web-site: www.uzedu.uz E-mail: info@uzedu.uz

«14» май 2013 й. № 163



## БУЙРУҚ

**Узлуксиз таълим тизимининг чет тиллар бўйича давлат таълим стандарти ва ўқув дастурларини амалиётга жорий этиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 декабрдаги «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-1875-сонли ва Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 8 майдаги «Узлуксиз таълим тизимининг чет тиллар бўйича давлат таълим стандартини тасдиқлаш тўғрисида»ги 124-сонли қарорлари ижросини таъминлаш, натижада халқ таълими тизимида чет тилларни узлуксиз ўрганишни ташкил этиш ва замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда ўқитишнинг илғор услубларини жорий этиш йўли билан таълим-тарбия самарадорлигини ошириш мақсадида

## БУЮРАМАН

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 8 майдаги «Узлуксиз таълим тизимининг чет тиллар бўйича давлат таълим стандартини тасдиқлаш тўғрисида»ги 124-сонли қарори раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Узлуксиз таълим тизимининг чет тиллар бўйича давлат таълим стандарти ва ўқув дастурлари 2013–2014 ўқув йилидан бошлаб босқичма-босқич амалиётга жорий этилсин.

3. Умумтаълим мактабларида ўқув-тарбия жараёнини ривожлантириш бош бошқармаси (Й.Асадов), Республика таълим маркази (И.Зокиров)га:

узлуксиз таълим тизимининг чет тиллар бўйича давлат таълим стандарти ва ўқув дастурларини Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳри ва вилоят халқ таълими бошқармалари ҳамда таълим муассасаларига етказиш;

узлуксиз таълим тизимининг чет тиллар бўйича давлат таълим стандарти ва ўқув дастурларини вазирликнинг ахборот таълим порталига жойлаштириш ҳамда мазмун-моҳиятини кенг педагогик жамоатчиликка тушунтириш чораларини кўриш вазифалари юклатилсин.

4. Таълим муассасалари фаолиятини ташкил этиш бош бошқармаси (Ф.Ахмедов)га, Республика таълим маркази (И.Зокиров), А.Авлоний номидаги ХТХҚТМОМИ (М.Юлдашев)га:

Айрим фанлар чуқур ўрганиладиган давлат ихтисослаштирилган умумтаълим муассасаларининг ўқув режа ва дастурларига тегишли ўзгартиришлар киритиш ва ўрнатилган тартибда расмийлаштириб, 2014 йилнинг 1 августига қадар жойларга етказиш;

ҳудудий малака ошириш институтларининг барча профессор-ўқитувчилари, методика маркази ходимлари ҳамда туман (шаҳар) халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимлари мутахассислари иштирокида узлуксиз таълим тизимининг чет тиллар бўйича давлат таълим стандарти ва ўқув дастурларини амалиётга жорий этиш бўйича ўқув-семинарлар ташкил этиш;

халқ таълими ходимларининг анъанавий август кенгашларида чет тили ўқитувчилари учун алоҳида шўъбалар ташкил этиб, узлуксиз таълим тизимининг чет тиллар бўйича давлат таълим стандарти ва ўқув дастурларининг мазмун-моҳиятини тушунтириш ҳамда уларнинг амалиётга самарали жорий этилишини таъминлаш;

жорий йилнинг 2 сентябрига қадар узлуксиз таълим тизимининг чет тиллари бўйича давлат таълим стандарти ва ўқув дастурлари асосида замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда ўқитишнинг илғор услубларини жорий этишга йўналтирилган методик материллар ва намунавий дарс ишланмаларини тайёрлаб, вазирликнинг таълим порталига жойлаштириш вазифалари юклатилсин.

5. Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазири, Тошкент шаҳар ва барча вилоятлар халқ таълими бошқармалари бошлиқлари, вазирлик тасаррруфидаги педагогика институтлари ҳамда Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий институтлар ректорларига:

бир ҳафта муддатда узлуксиз таълим тизимининг чет тиллар бўйича давлат таълим стандарти ва ўқув дастурларини методик хизмат ходимлари, ҳудудий малака ошириш институтларининг барча ходимлари иштирокида бошқарув органлари кенгашларида ўрганиб чиқиш;

узлуксиз таълим тизимининг чет тиллар бўйича давлат таълим стандарти ва ўқув дастурларини ҳар бир таълим муассасасига етказиш чораларини кўриш;

Педагогика ва малака ошириш институтлари илмий кенгашлари, кафедра йиғилишларида узлуксиз таълим тизимининг чет тиллар бўйича давлат таълим стандарти ва ўқув дастурларининг мазмун-моҳиятини муҳокама қилиш;

Педагогика ва малака ошириш институтлари чет тиллари кафедралари ўқув курслари режалари, ўқув дастурлари ва маъруза матнларини узлуксиз таълим тизимининг чет тиллар бўйича давлат таълим стандарти ва ўқув дастурларига асосан қайта кўриб чиқиш;

машғулотлар ва маъруза матнларини замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда ўқитишнинг илғор услубларини жорий этиш орқали чет тилларни ўқитиш сифати ва самарадорлигини ошириш нуқтаи назаридан қайтадан кўриб чиқиш;

чет тили ўқитувчилари учун доимий ҳаракатдаги махсус ўқув-амалий семинарлар ташкил этиш ва улар фаолиятини ўқув йили давомида таҳлил қилиб бориш вазифалари юклатилсин.

6. Ахборот хизмати (Б.Шайвалиев), «Маърифат» ва «Учитель Узбекистана» газеталари (А.Раҳимов)га Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 декабрдаги «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-1875-сонли ва Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 8 майдаги «Узлуксиз таълим тизимининг чет тиллар бўйича давлат таълим стандартини тасдиқлаш тўғрисида»ги 124-сонли қарорлари ижросини таъминлашга қаратилган ишларни оммавий ахборот воситалари орқали кенг ёритиб бориш вазифаси юклатилсин.

7. Мазкур буйруқнинг ижросини назорат қилиш вазирнинг биринчи ўринбосари Б.Данияров зиммасига юклатилсин.

**Вазир** **У. Иноятов**

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
# ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ
# РЕСПУБЛИКА ТАЪЛИМ МАРКАЗИ

# УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИ УЧУН ИНГЛИЗ ТИЛИ ЎҚУВ ДАСТУРИ

**(I-IX синфлар)**

**ТОШКЕНТ – 2013**

**Тузувчилар:** Жалолов Ж.Ж., (гуруҳ раҳбари), Низомий номидаги ТДПУ инглиз тили назарияси ва ўқитиш методикаси кафедрасининг профессори; Ирисқулов М.Т., ЎзДЖТУ қошидаги Республика тил ўқитиш маркази раҳбари; Жўраев Л., “Ўқитувчи” нашриёти муҳаррири; Носиров А.А., Халқ таълими вазирлиги бошқарма бошлиғи; Матниёзова И.М., Республика Таълим маркази Хорижий тиллар бўлими бошлиғи; Дадаходжаева М.С., ЎзДЖТУ немис тили факультети доценти, педагогика фанлари номзоди, немис тили ўқитувчилари ассоциация раиси; Рахмонов С.И., Бухоро вилояти Ғиждувон туманидаги 62-сонли ихтисослаштирилган мактаб директори; Мақсудова О.Н., Республика таълим маркази Хорижий тиллар бўлими инглиз тили бош методисти; Хан С., UZTEA British Council тренери.

## МУҚАДДИМА

Ўзбекистон Республикасида демократик принциплар устувор бўлган янги жамият қуриш, бозор муносабатларига асосланган кучли иқтисодиётга эга давлат барпо этишга йўналтирилган босқичма-босқич амалга оширилаётган ислоҳотлар доирасида таълим ва тарбия соҳасига жиддий эътибор қаратилмоқда. Ҳаётга чуқур татбиқ этилаётган ҳамда дунёда "Ўзбек модели" деб эътироф этилган тараққиёт йўлимизнинг ажралмас таркибий қисми саналган "Таълим тўғрисида"ги Қонун ва "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" бугунги кунда ижтимоий-иқтисодий, маданий соҳалардаги ривожланишни таъминлаётган асосий омиллардан бири сифатида яққол намоён бўлмоқда. Мазкур ҳужжатларда, биринчи навбатда, инсон манфаатлари устуворлиги, унинг замон талабларига мос ҳолда ортиб бораётган эҳтиёж ва қизиқишлари, имкониятларини тўлиқ юзага чиқариш ҳамда амалга ошириш учун барча шарт-шароитларни яратиш белгилаб қўйилган.

Мамлакатимизда инсон капиталига йўналтирилаётган инвестицияларнинг йилдан-йилга ўсиб бориши, ахборот коммуникация технологиялари жадаллик билан ривожланаётган, глобаллашув, дунё бозорида рақобат тобора кучайиб бораётган бир даврда, демократик тараққиёт, модернизация ва янгиланиш борасида белгиланган мақсадларга эришишда энг муҳим қадрият ва ҳал қилувчи куч бўлган билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш муҳим омил бўлмоқда.

Таълим тизимида ўқувчиларнинг нафақат кенг билим ва профессионал малакаларни эгаллаши, замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда ўқитишнинг илғор услубларини жорий этиш йўли билан ўсиб келаётган ёш авлодга чет тилларни ўқитиш, шу тилларда эркин мулоқот қила оладиган мутахассисларни тайёрлаш ҳамда бунинг негизида, уларнинг жаҳон цивилизацияси ютуқларидан кенг кўламда фойдаланишлари, улкан интеллектуал бойликни эгаллашларига катта имкониятлар яратилади.

Мамлакатимизнинг дунё ҳамжамиятига интеграциялашуви, фан-техника ва технологиянинг ривожланиши ёш авлоднинг кўп маданиятли дунёда рақобатбардош бўлиши бир неча чет тилларни мукаммал эгаллашни тақозо этади, бу эса Ўзбекистон Республикаси таълим тизимига чет тилларни ўргатиш бўйича халқаро стандартларни жорий этиш орқали таъминланади.

Европа Кенгашининг "Чет тилни эгаллашнинг умумевропа компетенциялари: ўрганиш, ўқитиш, баҳолаш" тўғрисидаги ҳужжати (CEFR) умумэътироф этилган халқаро меъёрлардан биридир. Ушбу ҳужжатнинг айрим ҳолатларини назарда тутган ҳолда Ўзбекистон Республикасининг узлуксиз таълим тизимида чет тилларни ўрганиш бўйича янги Давлат таълим стандартлари ва ўқув дастури ишлаб чиқилди.

## УҚТИРИШ ХАТИ

Узлуксиз таълим тизимида тилларни ўргатиш-ўрганишга алоҳида эътибор берилади. Замонавий бозор иқтисодиёти ва ахборот технологиялари тараққиёти шароитида чет тил ўрганишга эҳтиёж кучайди. Маданиятлараро мулоқот воситаси сифатида чет тил ўрганиш давр талабига айланди. 2012 йил 10 декабрда Ўзбекистон Республикаси Президенти қабул қилган "Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори бу соҳанинг истиқболини белгиловчи давлат ҳужжатидир. Қарорга кўра, чет тилни барча умумий ўрта таълим мактабининг 1-синфидан бошлаб оммавий тарзда ўрганиш жорий этилди.

Чет тилда нутқий фаолият юритиш ўқувчи шахсини шакллантиришга йўналтирилади, яъни ўрганилаётган тил соҳиби яратган маданий меросни ўзлаштиришга эришилади. Тинглаб тушуниш, гапириш, ўқиш, ёзув жараёнида ўқувчи олдин эгаллаган ижтимоий, маданий, лисоний, эмоционал тажрибасини бойитади. Мулоқотдош (коммуникант)ларнинг бир-бирини тушунишлари чет тил билишнинг асосий мезони ҳисобланади.

Таълим тизимидаги бошқа фанлардан чет тилнинг фарқи бир пайтнинг ўзида, унинг ҳам таълим мақсади, ҳам таълим воситаси эканлигида намоён бўлади. Чет тилда нутқий малакалар (тинглаб тушуниш, гапириш, ўқиш, ёзув)ни эгаллаш таълимдан кўзланадиган мақсад бўлиши билан бирга, ўрганилаётган тил янги ва фойдали ахборот (информация) олиш, етказиш воситаси мақомини ҳам олади. Ўқувчи (learner) фақат мулоқотдош сифатида эмас, балки ахборот соҳиби (когнизант) мақомида ўрганилаётган тилдан фойдаланади. Тилни ўрганиш чоғида ўқувчи лингвистик билимлар тўплаш билан эмас, балки нутқий ва маданий малакалари (компетенцияси)ни ошириш билан машғул бўлади. Коммуникатив фаолият кўрсатиш, шахсга йўналтирилган, компетенцияни эгаллашга мўлжалланган интегратив ёндашув асосида чет тил ўргатилади. Чет тил таълимида коммуникатив-кумулятив метод татбиқ этилади. Хорижий Ғарб лингводидактикаси истилоҳида буни маданиятлар- аро мулоқот йўналиши номи билан юритилади. Когнитология, концептология, лингвокультурология ва бошқа замонавий фанларнинг сўнгги ютуқлари асосида мазкур методик назария шаклланган ва кенг кўламда жорий этилмоқда.

Чет тил ва маданият яхлит (интеграциялашган) ҳолда ўргатилади. Маданият, бу ўринда инсон фикри ва фаолияти ҳосиласи тушунчасини ифодалайди. Чет тилда ўрганиладиган лисоний (лексик, грамматик, талаффуздаги) бирликда лингвомаданий хусусиятлар тажассум топган ва нутқий жараён (дискурс)да уларга ўқувчи эътибори қаратилади. Мазкур методик қоида доирасида чет тил ўқитиш мақсади ва мазмуни белгиланади.

Мақсад деганда, чет тил ва унинг соҳиби маданиятини ўргатиш ва ўрганишнинг онгли тарзда режалаштирилган натижаси кўзда тутилади. Ўқитиш шароитидан келиб чиқиб, муайян мақсад қўйилади. Шароит тушунчаси қамровига ўқув муассасаси тури (мактаб), ўқувчининг психологик (ёш) хусусияти, тил тажрибаси, ўқув предметига ажратиладиган вақт (дарс соатлари) киради.

Ўқитиш мазмуни жаҳонда эътироф этилган дидактик таълимотга биноан билим, кўникма ва малакаларни ўз ичига олади. Чет тилни амалий ўрганишда лингвистик назарий билимлар умуман баён этилмайди. Билим тил материалини билиш (кўникма) ва уни ўзлаштиришда юз берадиган қийинчиликларни оддий сўзлар билан содда тилда тушунтириш, яъни хатоларнинг олдини олишга қаратилган кўрсатма маъносини билдиради. Кўникма таркибига кирадиган амалий қоида она тили ва чет тилда фарқланадиган ёки тил ички интерференциясини келтириб чиқарадиган чет тил ҳодисалари бўйича берилади (масалан: артикль (она тилида йўқ), отнинг кўплик шакли (бирлик шакли лексик бирлик ҳисобланади) ёки инглиз тилидаги отнинг кўплик шакли, қаратқич келишиги, феълнинг содда ҳозирги замондаги учинчи шахс бирлик шакли (ҳар учаласи [z], [s], [iz] қабилида талаффуз этилади ва тил ички интерференциясига сабаб бўлади).

Ўқитиш мазмуни компонентларидан тил материали ўрганилмиш чет тил системасидан минимум сифатида танланади (ўқувчи учун у лисоний максимум ҳисобланади). Минимум тил ўргатиш учун зарур ва етарли бўлмоғи керак. Танланган минимумдаги лисоний бирликларни ўзлаштиришда қийинчилик туғдирадиган

қисмигина тил материалининг ўргатиш мазмунини ташкил этади ва ўқув дастуридан ўрин олади.

Чет тил ўқитиш мазмуни уч таркибли таълимий ҳодисадир:

1) нутқ мавзулари;

2) кўникма ва малакаларга қўйиладиган талаблар;

3) тил материали.

Ўқитиш мазмуни мавжуд шароитга кўра, жумладан, ўқув предметига ажратилган вақтга қараб танланади.

Умумий ўрта таълим мактабларида чет тил ўқув предметига ажратилган соатлар миқдори:

I синфда ҳафтасига 2 соат (ўқув йилига 66 соат).

II-IV синфларда ҳафтасига 2 соат (ўқув йилига 68 соат).

V-IX синфларда ҳафтасига 3 соат (ўқув йилига 102 соат).

Умумий ўрта таълим мактабида чет тил ўқитиш шароитини ҳисобга олган ҳолда “Чет тилни эгаллаш даражаларининг европа системаси” даги тилни элементар (Basic user) даражада ўрганиш/ўргатиш тавсиясига биноан I-IV синфларда A1 – “Куртаклаш босқичи” (Breakthrough/Survival level)(ёки чет тил эгаллашнинг бошланғич даражаси), V-IX синфларда A2 – “Бўсаға олди босқичи” (Wastage level) (ёки чет тил эгаллашнинг таянч даражаси) маъқул топилди.



## ЧЕТ ТИЛ ЎҚИТИШ МАҚСАДИ

Таълим мақсади ижтимоий-педагогик ва лингводидактик тушунча сифатида чет тил ўқитишга татбиқан қуйидагича таърифланиши мумкин: умумтаълимий йўналишдаги ўқув предметларидан бўлмиш чет тилни ўрганишга жамият ва давлатнинг ижтимоий буюртмаси шаклидаги таълим мазмунини белгилаш, ўқитиш жараёнини ташкил этиш ва муайян натижаларга эришишни олдиндан аниқлаш воситасидир. Мактабда чет тили нима учун ўрганилади? саволига жавоб тариқасида қўлланадиган термин-тушунчадир. Умумтаълим мактабларида ўқувчиларга чет тил (1) **амалий мақсад,** (2) **умумтаълимий мақсад,** (3) **тарбиявий мақсад** ва (4) **ривожлантирувчи мақсад**да ўргатилади.

**Чет тил ўқитишнинг амалий мақсадига** эришиш йўлида умумтаълим мактаб курсида чет тил ўргатишнинг якуний амалий мақсади – тинглаб тушуниш ва ўқиш, яъни чет тилда тинглаб ва ўқиб ахборот олишдир. Оралиқ амалий мақсад турлича талқин этилади:

I синфда тинглаб тушуниш ва гапириш амалий мақсад ҳисобланади;

II-IV синфларда ҳам тинглаб тушуниш ва гапириш амалий мақсад, ўқиш ва ёзув оғзаки нутқда ўрганилган тил материалини такрорлаш ва мустаҳкамлаш воситаси;

V-VI синфларда нутқ фаолияти турларидан тинглаб тушуниш, гапириш ва ўқиш – оралиқ амалий мақсад, ёзув – амалий восита;

VII-IX синфларда тинглаб тушуниш ва ўқиш – амалий мақсад, гапириш ва ёзув – восита.

**Чет тил ўқитишнинг амалий мақсади**га эришиш йўлида-нутқ фаолиятининг турлари учун махсус мавзулар ва тил материали танланади, ўқув вақтининг асосий қисми уларни ўрганишга бағишланади, яъни машқларнинг аксарияти ушбу нутқ фаолияти тур(лар)ида бажарилади.

Амалий мақсадга лингвистик, *социолингвистик* нутқий (коммуникатив) ва лисоний, прагматик компетенцияларни эгаллаш орқали эришилади. Компетенция

(лаёқат), маълумки, билим, кўникма, малака ва шахсий белгилар мажмуидан иборат. Компетенция таркибига кичик концепциялар киради. Лингвистик компетенцияда лисоний ходисаларнинг нутқда қўлланилиши назарга олинади. *Социолингвистик* компетецияда мулоқот вазияти, мақсади ва мулоқотдошлар вазифасига мос тарзда фикр билдира олиш кўзда тутилади. *Прагматик* концепция коммуникатив вазиятда ўзини тута билиш (масалан, такроран сўраш, нутқий ва лисоний мураккаблик туғилганда ундан чиқа олиш) лаёқатига тааллуқлидир. Прагматик компетенция таркибидаги дискурсив компетенция оғзаки ва ёзма нутқдаги изчилликни таъминлашга хизмат қилади.

Амалий мақсаднинг рўёбга чиқишида ҳосил қилинган барча компетенцияларнинг узвий яхлитлиги (синтези) таъминланади. Амалий мақсаднинг рўёбга чиқишида ўқувчи таълим олади, тарбияланади ва унинг шахси ривожланади. ***Чет тил ўқитиш умумтаълимий мақсади***нинг рўёбга чиқишида ўрганилаётган тил воситаси орқали фойдали ҳаётий ахборот ва тил ҳақидаги янги содда маълумотларни ўзлаштириш кўзда тутилади. Ўқувчининг умумий савиясини кўтариш, ўрганилаётган тил ва маданият ҳақида янги маълумотга эга бўлиш, мулоқот маданиятини юксалтириш, ақлий меҳнат усулларини қўллаш, фикрлаш қобилиятини ривожлантириш кабиларга эришилади. Ушбу мақсадни амалга оширишда асосан лингвистик, стратегик (компенсатор), ўқув-когнитив, дискурсив лаёқатлар такомиллашади.

Бошқа фанлар қаторида чет тил ҳам мажбурий ўқув предмети мақомида умумий таълим бериш/олишга ўз ҳиссасини қўшади. Умумтаълим объекти учта: тил ҳодисаси, унга оид тушунча ёки содда қоида ва энг муҳими, чет тилдаги дискурс мазмуни.

***Чет тил ўқитишнинг тарбиявий мақсади.*** Ўқувчиларга ғоявий тарбия бериш, ақлий меҳнат малакаларини сингдириш, уларнинг билиш фаоллигини ошириш мазкур мақсаднинг моҳиятини ташкил этади.

Тарбиявий мақсад асосан, икки йўл билан рўёбга чиқарилади: (1) бевосита чет тилда саломлашиш, хайрлашиш, предмет ва ҳодисаларнинг номларини билиш, шеър ва ашула айтиш, ўйинлар бажариш кабилар, айниқса, дастлабки дарсларда ўқувчиларга анча қизиқарли юмуш саналади; (2) мулоқот чоғида бир-бирларига одоб доирасида муносабат билдириш, хатти-ҳаракатларини шарҳлай олиш, аудиоматн ва график матнлардан олинадиган ахборотлар беқиёс тарбиявий аҳамият касб этади. Дарсдан ташқари ўқув тадбирларининг ҳам тарбиявий аҳамияти чексиз.

***Чет тил ўқитишнинг ривожлантирувчи мақсади.*** Дидактикадаги ривожлантирувчи таълим маъноси билан ҳамоҳанг бўлиб, ўқувчи шахсининг ақлий, ҳиссий ва мотивацион жиҳатларини ривожлантиришни ифодалайди. Ўқувчи интеллектуал ва маънавий озиқа олади, нутқий мулоқотда ўз ҳиссиётини синаб кўради, мулоқотдош (ўқувчи, муаллим, диктор ва б.)лар фикрини билиш ва ўз фикрини баён этиш орқали унинг шахси камол топиб боради. Таълим жараёнида, жумладан, чет тил ўрганишда меъёрдаги лисоний ва нутқий қийинчиликларни енгиб ўтиш ўқувчи тафаккури ва ҳис-туйғуларининг ривожланишини таъминлайди.

Ривожлантирувчи мақсадга нутқий амаллар туфайлигина эришилади. Унинг умумтаълимий мақсаддан жиддий фарқи шундаки, ўқув маълумотлари олиш билан таълим фикран боғланади, маълумотнинг мазмуни турли компетенцияларни шакллантиришга хизмат қилади. Таълим, жумладан, чет тил ўрганиш шахс ривожланишида алоҳида ўрин эгаллайди. Тил психологик, коммуникатив, функционал ва маданий ҳодиса бўлганлиги сабабли билиш жараёни учун ўта аҳамиятли, чунки у билмасликдан билишга элтувчи омилдир.

Чет тилда ўқувчи икки турда билим олади, биринчиси ва асосийси, нутқий жараёнда иштирок этиш учун керакли алгоритмик қоидалар ва ижтимоий аҳамият касб этадиган ўқувчи ҳаёти давомида фойдали маълумотлар.

Маданиятлараро мулоқот ўзга халқ менталитетига хос белгилар ва одатларни сингдиришга хизмат қилади. Бунда бошқаларнинг турмуш тарзини реклама қилиш эмас, балки чет тил соҳибининг назари билан дунё манзарасига янгича қараш ва оқибатда, ўз маданиятини чуқур ҳис қилишга ўрганади. Умумбашарий ва миллий қадриятлар уйғунлашуви содир бўлади.

Чет тилда мулоқот қилиш, эгаллаш тўрт асосий нутқ фаолияти турлари бўйича малакаларни шакллантириш демакдир. Нутқ фаолиятининг тўрт тури: тинглаб тушуниш, гапириш, ўқиш ва ёзув малакалари ўзаро боғланган ҳолда ривожлантириб борилади. Бу ўқиш ва ёзиш, ўқиш ва тинглаш, ўқиш ва гапириш, тинглаш ва ўқиш, тинглаш ва ёзиш, тинглаш ва гапириш каби машқлар орқали амалга оширилади.

***Тинглаб тушуниш.*** Нутқни тинглаб тушуниш деганда, сўзловчининг нутқини бевосита ёки техникавий воситалар ёрдамида эшитиб идрок этиш ва фаҳмлаш назарда тутилади. Бошқача қилиб айтганда, тинглаб тушуниш ўзгалар нутқини (жонли тарзда ёки механик ёзувдагисини) идрок этиш ҳамда мазмунини фаҳмлаб етиш маъносини ифодалайди. Янги тил материали ўқувчиларга одатда ўқиш ёки тинглаш орқали таништирилади. Тинглаб тушуниш талаффуз ва оҳангни ҳам ўзлаштиришга хизмат қилади.

Тинглаб тушуниш уч босқичли фаолият бўлиб, унда умумий эшитув идроки (акустик апперцепция), сўзларнинг товуш томонини (фонематик) фарқлаш ва моҳиятини англаш орқасида нутқдаги мазмун идрок этилади, билиб олинади ва тушунилади. Эшитиш сезгиси ва анализатори орқали ахборот олишнинг асосий манбалари сифатида ўқитувчи нутқи, аудио-видео воситалардан магнитафон ёзуви, радио эшиттириш, овозли диафильм, кино (видео), фильм (ёки ундан парча) ва телевизион кўрсатувлар тавсия этилади.

Тинглаб тушунишни амалга ошириш учун қуйидаги уч омил назарда тутилади. Тингловчининг ўзига боғлиқ омиллари (эшитиш кўникмасининг ривожланганлиги, унинг хотираси ва матнни диққат билан тинглаб, мазмунини тушунганлиги), тинглаш пайтидаги шарт-шароит (нутқ тезлиги, тил материали ҳажми ва шакли ҳамда сўзланаётган нутқнинг давом этиши) ва ниҳоят, қўлланган материалнинг лингвистик жиҳатлари (тингловчининг тил тажрибасига мос келиш-келмаслиги) ҳисобга олинади, яъни тинглаб тушунишга бериладиган матн нотаниш бўлиб, ўқувчилар эгаллаган тил материалларини ўз ичига олади.

***Гапириш.*** Гапириш нутқ фаолияти турларидан бири бўлиб, фикрни оғзаки баён этишдир. Гапириш - фикр ва ҳис-туйғуни изҳор этиш мақсадида муайян тилдаги лексик, грамматик ва фонетик ҳодисаларни қўллашдан иборат бўлиб, у чет тилни ўрганишнинг муҳим амалий мақсадидир.

Гапириш - ўқувчиларга ўзларининг фикр-туйғуларини ифода этишга, қизиқишлари ва ҳаётий фаолиятлари ҳақида суҳбатлашишга ҳамда уларни бошқалар фикри билан таққослашга имконият яратиб беради.

Фикрни оғзаки икки шаклда, яъни монолог (якка нутқ) ва диалог (жуфт нутқ) тарзида ифодалаш мумкин.

***Монолог*** бир кишининг нутқи бўлиб, унда кетма-кет келадиган жумлалар мантиқан боғланади. Нутқнинг оҳанги ва мазмуни қўйилган мақсад сари йўналтирилади. Монолог қуйидаги белгиларга эга:

- мазмунан изчиллик кузатилади, ифодаланадиган фикрлар таянч жумлалар воситасида аста-секин ривожлантириб борилади;

- фикр-мулоҳазанинг маълум даражада тугалланганлиги нутқ намуналарида ифодаланади.

***Диалог***да икки ва ундан ортиқ киши, тингловчи ҳамда гапирувчи сифатида навбатма-навбат ахборот алмашадилар.

Диалог қуйидаги асосий хусусиятларга эга:

- ажралмас диалогик бирликнинг нутқий вазиятга мос келиши;
- диалог фақат муносабатгина эмас, балки гапиришга ундовчи (стимул) ва жавоб (реакция) жумлалари (репликалари)ни алмашиш натижаси ҳамдир;
- диалогик бирликдаги қисқартмаларнинг ўз ўрнида қўлланилиши;
- суҳбатнинг мазмунан боғлиқ бўлиши.

***Ўқиш***. Ўқиш ўқувчиларнинг маълумот олишлари учун жуда муҳим нутқ фаолияти тури бўлиб, у ёзма нутқни идрок этиш ва англашдан таркиб топадиган рецептив нутқ фаолияти ҳисобланади. Ўқишда ахборот кўриш сезгиси орқали олинади. Ўқиш ёзма матндан ахборот олишга қаратилган нутқ фаолияти туридир.

Матндаги ахборотни ўзлаштириш овоз чиқармай ўқиш орқали, ахборотни ўзгаларга етказиш эса овоз чиқариб ўқиш йўли билан амалга оширилади. Овоз чиқармай ўқиганда ҳам ичда гапириш (ички нутқ) содир бўлади. Овоз чиқариб ўқиш овоз чиқармасдан ўқишга нисбатан тўлиқ нутқ ҳисобланади. Умумий ўрта таълим мактабини битирувчи ўқувчилар мураккаб бўлмаган ижтимоий-сиёсий, илмий-оммабоп мавзулардаги, шунингдек, бадиий адабиётлардаги матнларни ўқий олишлари керак. Ўқиш учун бериладиган матнлар бир-биридан фарқ қилиб, уларнинг тузилиши ва баён этилиши аста-секин мураккаблашиб боради.

Ўқиш малакалари шаклланган лисоний кўникмалар асосида ривожлантирилади. Ўқиш малакаси шундай фаолиятки, у нутқ бирлигининг кўрув тимсоли, унинг нутқ-ҳаракат тимсоли ва мазмунидан ташкил топади. Учаласини эгаллаб олиш, ўқиш малакасининг ҳосил қилинганлигидан далолат беради. Ўқиш учун берилаётган матнлар маълумот олиш, мулоқот қилиш ҳамда лексик-грамматик материалларни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

***Ёзув.*** Чет тилда ўрганишда ёзув деганда, ўрганилаётган тил воситалари (графемалар ва ёзма шаклдаги лексик ва грамматик бирликларнинг қўлланиши, яъни ёзиш техникаси) ва ёзма шаклда фикр баён этиш тушунилади.

Ёзув грамматик ва имло қоидаларига риоя қилган ҳолда, ёзма фикрни баён этишдир.

Ахборотни ёзма баён этиш, одатда, икки йўл билан амалга оширилади:

- ўз фикрини ёзиш;
- айтиб (ўқиб) турилган ўзга шахс нутқини ёзувда ифодалаш.

Ҳар иккала ҳолатда ҳам ёзма матн(дискурс) яратилади. Ёзиш техникаси деганда, графика (товуш-ҳарф муносабати ва ҳарфнинг маъно билдириш вазифаси), каллиграфия (ҳуснихат), орфография (имло) назарда тутилади.

Графика ўқиш ва ёзиш техникаси тушунчалари билан чамбарчас боғлиқ.

Имло сўз ва гапларни ёзиш ва уларга доир қоидалар йиғиндисидир.

Ҳуснихат тушунчаси таркибига товуш ва товуш бирикмаларини ёзувда тасвирлайдиган ёзув-чизув воситалари мажмуаси (ҳарфлар, ҳарф бирикмалари, ҳарф усти ва ҳарф ости белгилари) киради.

Ҳуснихат ҳарф, ҳарф бирикмаси, сўз асосида, имло эса морфема, сўз гап даражасида, ёзма нутқ эса гап, абзац ва ўзаро боғланган матн(дискурс) материалида ўргатилади. Ёзув малакаси ҳуснихат, имло, тузиш (фикрни ёзма баён этиш мақсадида гапларни бириктириш), ёзувнинг лексик ва грамматик кўникмаларидан ташкил топади.

## ЧЕТ ТИЛ ЎҚИТИШ МАЗМУНИ

Чет тил ўқитиш шароити ва мақсадига кўра маданиятлараро мулоқотдош (коммуникант) ва ахборот соҳиби (когнизант)ни шакллантириш йўлида ўқитиш мазмуни махсус танланади ва у чет тилда коммуникатив компетенцияни эгаллашда асосий таълимий объект ҳисобланади. Ўқитиш мазмунида икки жиҳат кузатилади: нимани ўрганиш ва нима қилишни ўрганиш. Биринчиси, ўқув материали ва иккинчиси ўқув жараёни сифатида намоён бўлади. Ўқув материали дастурдан ўрин олади. Иккинчиси, кўникма ва малакаларга мансуб коммуникатив компетенцияни ҳосил қилиш жараёни бўлганлиги туфайли дастурда уларга тегишли талаблар санаб ўтилади. Нутқ фаолияти доираси дастурий мавзулар билан белгиланади. Яратилган (гапириш, ёзувда) ва ўзга шахс содир этган (тинглаб тушуниш ва ўқишда) дискурс дастурдан ўрин олган мавзуларга бевосита боғлиқ бўлади.

Чет тил ўқитиш мазмуни ўқитиш мақсадларига бевосита боғлиқ бўлиб, у одатда, мақсад мазмунини белгилайди. Мазмун таълим чоғида ўзлаштириладиган методик тушунча ёки категория бўлса, унинг маҳсули эришиладиган мақсадни акс эттиради. Ўқитиш мазмунига нутқий мавзулар, малака ва кўникмалар ҳамда тил материали киради. Ушбу учта таркибий қисм чет тилни ўрганишда яхлит ўзлаштиришни тақозо қилади.

***Нутқ мавзулари*** ўқитиш мақсадларига асосланиб танланади. Умумий ўрта таълим мактабларида «Ўқувчи ва уни ўраб турган атроф-муҳит», «Ватанимиз» ва «Тили ўрганиладиган мамлакатлар» каби мавзулар асосий нутқ мавзулари ҳисобланади. Ўқиш учун сиёсий, бадиий, илмий, маънавият ва маданият ҳамда спортга оид матнлар танланади.

Танлаб олинган мавзу ва унга оид матнлар ўқувчиларнинг ёши ҳамда қизиқишларига мос келиши керак.

Мазкур дастурда ўқувчилар ёши ва қизиқишларини ҳисобга олган ҳолда мавзулар жадвалларда синфлар бўйича алоҳида берилди. Жадвалда синфлар бўйича тақсимланган асосий мавзулар миқдори дарсликда шу миқдордаги бўлимлар бўлиши керак, деган маънони англатмайди. Асосий мавзулар таркибидаги кичик мавзулар ҳам тил материали ҳажмидан келиб чиққан ҳолда алоҳида бўлим бўлиши мумкин.

**Нутқ малакалари** деганда, чет тилда нутқ фаолияти турлари (тинглаб тушуниш, гапириш, ўқиш ва ёзув)ни эгаллаш даражалари тушунилади. Малака ўқувчиларнинг чет тил ўрганиш даврида олган кўникмаларини амалий фаолиятида собитқадамлик билан мустақил равишда қўллай олиш компетенцияси (лаёқати)дир. Нутқ малакалари тил материалини мулоқот пайтида қўллаш жараёнида ривожланади ва такомиллашади.

Умумий ўрта таълим макатабларида чет тил ўқитишнинг асосий вазифаси бўлмиш нутқий малакаларни сингдириш чоғида уларга мос келадиган лисоний кўникмаларни ҳам ўзлаштиришдан иборатдир. Бундай кўникмалар асосини ушбу дастурда кўрсатилган тил материали ташкил қилади. Тил материали дастурда Давлат таълим стандартига мувофиқ тарзда алоҳида берилди.

**Тил материал** маълумки, лексик, грамматик ва фонетик ҳодисаларни ўз ичига олади. Ўқув жараёнида лексик, грамматик, талаффуз ҳамда имло бирлиги каби тушунчаларни фарқлаш, дарслик ва қўлланмалар тузишда улардан ўз ўрнида фойдаланиш зарур.

Тил бирлиги лексик, грамматик, талаффуз ва орфография (имло) бирликларини ифодалайди.

Луғат бирлиги – ўзак сўз ва ясама сўздан иборат, лексик бирлик (ўзак сўз, ясама сўз (унинг таркибидаги сўз ёки сўз ясовчи элементлар), сўз ясовчи аффикс, турғун сўз бирикмаси, гап (оғзаки нутқнинг илгарилаши шароитида қисмларга бўлинмай ўргатиладиган тайёр жумлалар)ни ўз ичига олади.

Грамматик бирлик – морфология ва синтаксис ҳодисалар, талаффуз бирлиги – фонетик минимумдаги товуш-фонемадан то жумлалар оҳангигача, имло бирлиги – ҳарф, ҳарф бирикмаси, сўз, сўз ясаш, шакл ва гап ясаш элементлари, сўзнинг ўзгарувчан ҳамда ўзгармайдиган шаклларидан иборатдир.

Умумий ўрта таълим мактабини битирувчи ўқувчилар эгаллайдиган 1500 та лексик бирликни нутқда ўзлаштирадилар.

Чет тил грамматикасини ўргатиш, асосан, индуктив (нутқда ўрганилган лисоний ҳодисага қоида-умумлашма) ва қисман дедуктив (ўқиш ва тинглашда учрайдиган грамматик ҳодисаларга оид алгоритмик қоида бериш) услубларида амалга оширилади. Чет тил грамматикасини ўргатиш мазмуни учта методик мезонга кўра (ўқувчининг она тили ва иккинчи тилдан тўпланган грамматик тажрибасини ҳисобга олиб, чет тилнинг ўзидан йиғиладиган тажрибага асосланиб ва грамматик ҳодисалар тақдимоти тартибини назарга олиб) танланади ва уларга махсус машқлар берилади.

## ЧЕТ ТИЛНИ АМАЛИЙ ЎРГАНИШГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР

Ўқувчиларга нутқ фаолияти турлари тинглаб тушуниш, гапириш, ўқиш, ёзувни ва тил материали – лексика, грамматика, талаффузни ўргатиш натижасида уларнинг чет тилда коммуникатив (ахборот алмашиш) компетенцияси шакллантирилади.

Давлат таълим стандартларига асосан, мактабларнинг I-IX синфларида чет тилни ўқитишни шартли равишда икки босқичга бўлинади:

***Биринчи босқич (А1)*** – нутқ фаолиятини таъминлайдиган малакаларнинг асоси чет тилларни ўқитишнинг биринчи босқичи I-IV синфларда шакллантирилади. Биринчи синфда тил ўрганиш турли ўйинлар орқали амалга оширилади. Ўқувчи тилни тинглаб тушуниш (ўқитувчи нутқи, аудио-видео мосламалар орқали такрорлаш) орқали ўрганади.

Таълимнинг А1 даражасида 1-синф ўқувчилари чет (инглиз, француз ва немис) тилларда тинглаб тушуниш ва гапириш (оғзаки нутқ)ни ўрганишади, 2-синфдан бошлаб тинглаб тушуниш, гапириш, ўқиш ва ёзув машқ қилинади. Талаффуз, айниқса, оҳангни ўзлаштириш, урғу қўйиш устида олиб бориладиган машқлар иккинчи босқичда ҳам давом эттирилади.

Биринчи (А1) даражанинг ҳар бир синфи охирида ўқувчилар қуйидаги малакаларни эгаллашлари лозим:

### А1/1 (I синф)

#### Тинглаб тушуниш

- қисқа саволларни тушуниш ва жавоб қайтариш;
- содда ва қисқа матнларни тинглаб тушуниш;
- синфда қўлланиладиган ибораларни тушуниш;
- оила аъзолари, атроф-муҳитдаги нарсалар ҳақидаги содда нутқни тушуна олиш;
- ўқитувчининг чет тилдаги кўрсатмаларини бажара олиш;
- мавзуга оид ўйинлардаги сўз ва ибораларни тинглаб тушуниш.

**Гапириш**

- саломлашиш, хайрлашиш, узр сўраш, исми ва ёшини айта олиш;
- 1-20 гача бўлган сонларни айта олиш;
- оила ҳақида гапира олиш;
- таниш мавзулар бўйича содда саволлар бериш ва уларга жавоб бера олиш;
- кундалик ҳаёт билан боғлиқ содда гаплар айта олиш;
- мавзуга оид ўйинларда сўз ва ибораларни нутқда қўллай олиш.

**А1/2 (II синф)**

**Тинглаб тушуниш**

- мавзулар бўйича берилган савол ва маълумотларни тушуна олиш;
- содда матнни тинглаб тушуниш;
- синфда қўлланиладиган ибораларни тушуниш;
- товушларни аудиоматнда фарқлай олиш.

**Гапириш**

- мактаб, ўқув фанлари, ҳафта кунлари ҳақида гапира олиш;
-таниш мавзулар бўйича саволлар бера олиш ва уларга жавоб қайтара олиш;
- қисқа суҳбат (диалог)ларда иштирок этиш.

**Ўқиш**

- ҳарф, ҳарф бирикмалари ва сўзларни тўғри ўқий олиш;
- мавзулар доирасида кичик, содда матн ва дилогларни ўқиб тушуна олиш;
- таниш сўзларни овоз чиқариб ўқиш орқали товушни ёзувдаги ҳарф билан солиштира олиш;
- бир дақиқада 25-30 сўз тезлигида ўқий олиш.

**Ёзув**

- ўрганилган сўзларни алфавит тартибида ёза олиш;
- мавзуларга мос сўзларни ёза олиш;
- оддий гаплар туза олиш;
- мавзулар доирасида содда саволларга жавоб ёза олиш;
- хотирадаги сўзларни тўғри ёза олиш;
- шахсий маълумотларни ёзма ифолалаш.

**А1/2 (III синф)**

**Тинглаб тушуниш**

- мавзулар бўйича берилган савол ва маълумотларни тушуна олиш;
- қисқа маълумотларни текшириб кўриш учун тинглаш;
- тасмага ёзилган (20-30 та сўздан иборат) диалог ёки монологларни тинглаб тушуниш;
- товушларни аудиоматнда фарқлай олиш.

**Гапириш**

- йил фасллари, уй, хонасини тасвирлай олиш;
- таниш мавзулар бўйича микросуҳбат (диалог) ва монологларда иштирок этиш, саволларга жавоб бера олиш, илтимос билан мурожаат қила олиш;

- узр сўраш, кимнидир туғилган куни билан табриклаш каби вазиятларда хушмуомалалик ибораларини қўллай олиш.

**Ўқиш**

-таниш ва янги сўзлардаги ҳарф ва ҳарф бирикмаларини тўғри ўқий олиш;

- янги сўзларнинг маъносини англаш учун дарслик луғати, расмли луғатлардан фойдалана олиш;

- берилган матнни ўқиб, мазмунини тушуна олиш;

- сўзларни овоз чиқариб ўқиш орқали товушни ёзувдаги ҳарф билан солиштира олиш;

- бир дақиқада 30-40 та сўз тезлигида ўқий олиш.

**Ёзув**

- ўрганилган сўзларни алфавит тартибида ёза олиш;

- луғат-диктант ёза олиш;

- ўрганилган сўзлардан фойдаланиб, чет тилидаги гапларни она тилига таржима қила олиш:

- намуналар асосида оддий гаплар туза олиш;

- хотирадаги сўзларни тўғри ёза олиш;

- намуналар асосида микродиалоглар туза олиш.

## А1/3 (IV синф)

**Тинглаб тушуниш**

- мавзулар бўйича берилган савол ва маълумотларни тушуниш;

- муайян маълумотларни текшириб кўриш учун тинглаш;

- чет тилда тасмага ёзилган 80 сўздан иборат диалог ёки монологларни тинглаб тушуниш;

- аудиоматнда товушларни фарқлай олиш;

- синфда қўлланиладиган ибораларни тинглаб тушуниш;

- қисқа матндан керакли маълумотни ажрата олиш;

- содда эълон ва хабарларни тушуниш.

**Гапириш**

- яшаш манзилини тасвирлай олиш;

- спорт турлари юзасидан гапира олиш, саволлар сўрай олиш ва жавоб бера олиш, илтимос билан мурожаат қила олиш;

- таниш мавзулар бўйича микросуҳбат (диалог ва монологлар)да иштирок этиш;

- ўқиган ёки тинглаган матнлар юзасидан саволларга жавоб қайтариш ва мазмунини гапириб бериш.

**Ўқиш**

- янги сўзларнинг маъносини англаш учун дарслик луғати ва расмли луғатлардан фойдалана олиш;

- матндан керакли маълумотни ажратиб олиш учун ўқий олиш;

- ҳарф, ҳарф бирикмаларини тўғри ўқий олиш;

- таниш контекстда берилган ҳарф, муайян сўзларни англай олиш;

- қисқа ибораларни тушунганлигини намоён этиш;

- қисқа матнни ўқиб, мазмунини тушуна олиш;

- сўзларни овоз чиқариб ўқиш орқали товушнинг ёзувдаги ифодасини билиш;
- реклама, хатларни ўқий олиш;
- бир дақиқада 40-50 та сўз тезлигида ўқий олиш.

### Ёзув

- ўрганилган сўзларни алфавит тартибида ёза олиш;
- оддий гапларни кўчириб ёзиш;
- бош ҳарфлар ва тиниш белгиларини ёзувда тўғри қўллаш;
- ўрганилган грамматик ҳодисаларни қўллаб гаплар туза олиш;
- хотирадаги сўзларни тўғри ёза олиш;
- расмни ёзма тасвирлаб бера олиш.

***Иккинчи босқич (А2)*** V-VI синфларда тинглаб тушуниш, гапириш, ўқишни мақсад мақомида ва ёзувни таълим воситаси мақомида эгаллаш давом эттирилади. Ўқилган ва тингланган матнлар асосида гапириш малакалари ривожлантирилади.

IX синфга келиб ўқувчилар икки турдаги таржима малакаларини эгаллайдилар. Биринчиси, қисқа матнларни чет тилдан она тилига ёзма таржима қилиш. Иккинчиси, чет тилдаги янги лексик бирликнинг маъносини очишда, бошқа усуллар қаторида, таржимадан ҳам фойдаланиш мумкин.

Чет тил ўқитишдаги амалий, таълимий, тарбиявий ва ривожлантирувчи мақсадлар ва нутқ малакаларига қўйиладиган талаблар дарс ва дарсдан ташқари машғулотларда амалга оширилади.

Иккинчи (А2) даражанинг ҳар бир синфи охирида ўқувчилар қуйидаги малакаларни эгаллаган бўлишлари керак:

### А2/1 (V синф)

### Тинглаб тушуниш

- мавзулар бўйича берилган савол ва маълумотларни тушуна олиш;
- матндан керакли маълумотни ажрата олиш;
- маълумотларни текшириб кўриш учун тинглаш;
- тасмага ёзилган (100 тагача сўздан иборат) матнларни тинглаб тушуниш;
- аудиоматндаги товушларни фарқлай олиш ва уларни ёзувда графемалар билан тўғри ифодалай олиш;
- синфда қўлланиладиган ибораларни тинглаб тушуниш;
- актив ва пассив сўзлардан иборат матнни тинглаб тушуниш.

### Гапириш

- оила, мактабни тасвирлай олиш;
- бўш вақти ва қизиқишлари юзасидан фикрларини ифодалай олиш;
- саволларга жавоб қайтариш, саволлар бера олиш ва илтимос билан мурожаат қила олиш;
- таниш мавзулар доирасида қисқа суҳбат (диалог)ларда иштирок этиш;
- ўқиган ёки тинглаган матнлари юзасидан саволларга жавоб бериш;
- саломлашиш, хайрлашиш, узр сўраш ва байрам билан табриклашда хушмуомалалик ибораларини қўллай олиш.

### Ўқиш

- янги сўзларнинг маъносини англаш учун дарсликда бериладиган луғат ёки икки тиллик луғатдан фойдалана олиш;

- замонавий ахборот - коммуникация технологияларидан фойдалана олиш;
- матнни маълумот олиш учун ўқиб тушуниш;
- матндан керакли маълумотни олиш учун ўқиш;
- таниш контекстда берилган янги сўзларни англай олиш;
- қисқа ибораларни ўқиб тушуниш;
- таниш матнни ўқиб, мазмунини айтиб бериш;
- сўзларни овоз чиқариб ўқиш орқали товушни графемаларда ифодалай олиш;
- бир дақиқада 50-60 та сўз тезлигида ўқий олиш.

**Ёзув**

- мавзуга доир диктант ёзиш;
- гап ва микроматнни кўчириш, нуқталар ўрнини мос сўзлар билан тўлдириб кўчириш;
- ўрганилган грамматик ҳодисалар асосида содда гаплар туза олиш;
- хотирадаги сўзларни тўғри ёза олиш;
- намуналар асосида диалоглар туза олиш;
- расмни ёзма тасвирлаб бера олиш;
- қисқа хабар, хат ёза олиш;
- тили ўрганилаётган мамлакатда қабул қилинган нутқий этикет формулаларидан фойдаланиб, ёзма шаклда истаклар билдира олиш.

**А2/1 (VI синф)**

**Тинглаб тушуниш**

- аудиоматндан, муҳим жойларини белгилаб қўя олиш;
- маълумотни аудиоматндан ажратиб олиш учун тинглаш;
- маълумотларни текшириб кўриш учун матнни тинглаш;
- актив ва пассив сўзлардан иборат матндаги хабарларни тинглаб, мазмунини тушуна олиш;
- аудиоматннинг мазмунини тўлиқ тушуниш.

**Гапириш**

- ўқиган ёки тинглаган матнлар юзасидан саволларга жавоб бериш, мазмунини гапириб бериш;
-этикетни ифодаловчи диалог, сўров-диалог (интервью), диалог суҳбатда иштирок этиш;
- қисқа суҳбатларда ўз фикр ва муносабатларини мантиқан тўғри ифода этиш;
- гуруҳларда, жуфтликларда саволлар бера олиш ва ўз фикрини билдира олиш;
- суҳбатдошига мавзу юзасидан ўз фикрини қисқача гапириб бера олиш.

**Ўқиш**

- янги сўзларнинг маъносини тушуниш учун икки тилли луғат ёки дарслик луғатидан фойдалана олиш;
- қисқа ҳикояларни, мустақил ўқий олиш ва берилган топшириқни бажара олиш;
- матнни умумий маълумот олиш учун ўқиш;
- маълумотларни текшириб кўриш учун матнни ўқий олиш;
- босма ёки қўлёзма матнларни ўқиб мазмунини тушуна олиш;
- матндан маълумотни ажратиб олиш учун ўқиш;
- матннинг асосий мазмуни ва тафсилотини англай олиш;

- контекст ёки таянч сўзлардан фойдаланган ҳолда матн мазмунини тушуниш;
- бир дақиқада 60-70 та сўз тезлигида ўқий олиш.

### Ёзув

- мавзуга доир кичик матнларни ёддан ёза олиш;
- мавзулар доирасида диктант ёза олиш;
- гапда пунктуацион белгиларни қўллай олиш;
- гапларни тўғри кўчириб ёза олиш;
- тугалланмаган гапларни ўрганилган грамматик ҳодисалар ёки мазмунан мос сўзлар билан тўлдириб якунлай олиш;
- ўрганилган грамматик қоида ёки намуналар асосида содда гаплар ёза олиш;
-тили ўрганилаётган мамлакатда қабул қилинган нутқий этикет формулаларидан фойдаланиб, ёзма равишда истаклар билдира олиш;
- сўзнинг тўғри ёзилганлигини текширишда луғатлардан фойдалана олиш;
- ўқиган ёки тинглаган матн асосида муайян вазифани ёзма бажариш;
- мавзулар доирасида диалог туза олиш;
- оддий жадваллар тузиш, ёки тўлдириш;
- матнларнинг қисқача баёнини ёзма шаклда ифодалаш;
- дўстига хат, содда хабарларни ёза олиш;
- намуналар асосида диалоглар туза олиш.

## A2/2 (VII синф)

### Тинглаб тушуниш

- қишлоқ ва шаҳар (манзил), соғлик, спорт, кийим-бош ва бўш вақтдан унумли фойдаланиш каби мавзулардаги матнларни тинглаб тушуна олиш;
- ўтган ва келаси замондаги воқеаларни ёритувчи ҳикоялардан парчалар, қисқа тасвирий ҳикояларни тинглаб тушуна олиш;
- айрим нотаниш сўзларни ўз ичига олган матнларни тинглаб тушуна олиш;
- мавзу доирасидаги матндан батафсил маълумот олиш учун тинглаш;
- берилган маълумотларни текшириб кўриш учун тинглаш.

### Гапириш

-қишлоқ ва шаҳар, соғлик, спорт, кийим-бош ва бўш вақтдан унумли фойдаланиш каби мавзулардаги диалог ва монолог нутқда иштирок эта олиш;
-гуруҳ ва жуфтликларда коммуникатив вазифаларни бажаришда фикр алмашиш;
- мавзулар доирасида баҳс-мунозарага кириша олиш;
- мавзу доирасида воқеа-ҳодисаларни гапириб бера олиш.
- ўтган ва келаси замондаги воқеа-ҳодисаларни гапириб бериш;
- кундалик иш фаолиятга оид мулоқотга кириша олиш ва суҳбатда давомийликни сақлаб тура олиш.

### Ўқиш

- қишлоқ ва шаҳар, соғлик, спорт, кийим-бош ва бўш вақтдан унумли фойдаланиш каби мавзулардаги матнларни ўқиб тушуна олиш;
- янги сўзлар маъносини очишда луғатдан фойдалана олиш;
- ёзма (график) материалларни ўқиб, мазмунини тушуна олиш;
- мустақил ўқишга мўлжалланган материалларни тушуна олиш;

- ўқилган матн мазмунини қисқача баён этиш;
- матнни умумий маълумот олиш учун ўқиш;
- қизиқарли маълумотни матндан ажратиб олиш учун ўқиш;
- кўнгилочар матнларни ўқиб ахборот олиш;
- бир дақиқада 70-80 та сўз тезлигида ўқий олиш.

**Ёзув**

- қишлоқ ва шаҳар, соғлик, спорт, кийим-бош ва бўш вақтдан унумли фойдаланиш каби мавзулардаги матнлар асосида фикрларни ёзма ифода қилиш;
- тугалланмаган гапларни мазмунан мос сўзлар билан тўлдириш ва уларни якунлаб ёзиш;
- ўқиган ёки тинглаган матнлар асосида муайян бир вазифани ёзма бажара олиш;
- янги контекстда сўз тартибини тўғри қўллай олиш;
- тиниш белгилари ва тил қурилмаларидан тўғри фойдаланган ҳолда фикрни ёзма ифода эта олиш;
-тили ўрганилаётган мамлакат нутқий этикет формулаларидан фойдаланиб истаклар билдира олиш, таклифлар ёза олиш;
- тасвирий характердаги қисқа матнларни ёза олиш;
- матндаги маълумотларни туркумларга ажратиб ёза олиш;
- қисқа ҳисоботлар ёза олиш;
- намуналар асосида диалоглар туза олиш;
- турли мазмундаги хатлар ёза олиш;
- кундалик иш фаолиятида керак бўлган сўзлар орқали қисқа хабарлар ёза олиш.

**A2/2 (VIII синф)**

**Тинглаб тушуниш**

- табиий шароитдаги нутқ хусусиятлари (иккиланиш, гапни бошлашда қўлланиладиган чет тилдаги “хўп, яхши, демак“ кириш сўзлари ва ҳ.к.) иштирок этган диалог ва монологларни тинглаб тушуна олиш;
- байрам ва урф-одатлар, атроф-муҳит муамммолари, оммавий-ахборот воситалари каби мавзулардаги матнларни тинглаб тушуниш;
- матнни тинглаб асосий мазмунини тушуна олиш;
- керакли маълумотни матндан ажратиб олиш учун тинглаш;
- кам миқдордаги нотаниш сўзларни ўз ичига олган матнларни тинглаб тушуна олиш;
-ўтган, ҳозирги ва келаси замондаги воқеалар тасвирланган ҳикоялар мазмунини тинглаб тушуна олиш;
- матнининг асосий ғоясини гапириб бериш учун тинглаб тушуниш.

**Гапириш**

- байрам ва урф-одатлар, атроф-муҳит муамммолари, оммавий ахборот воситалари каби мавзуларда мулоқотга кириша олиш;
- турли ҳолат, гуруҳ ва жуфтликларда коммуникатив вазифаларни бажаришда фикр алмаша олиш;
- дастурий мавзуларда баҳс-мулоҳаза юрита олиш;

- ўтган ва келаси замонда воқеа-ҳодисаларни гапириб бера олиш;
- мавзулар юзасидан суҳбатда қатнашиш, ўз фикр-мулоҳазаларини тушунтириб бера олиш;
- диалог ва монолог нутқда иштирок эта олиш.

**Ўқиш**

- байрам ва урф-одатлар, атроф-муҳит муамммолари, оммавий ахборот воситалари каби мавзулардаги матнларни ўқиш;
- тасвирий характердаги ҳикояларни ўқиб тушуниш;
- мустақил ўқишга мўлжалланган материалларни ўқиш;
- мураккаб гап ва янги сўзларни ўз ичига олган таниш мавзудаги матнларни ўқиб тушуниш;
- матннинг асосий ғоясини тушуниш учун ўқиш;
- матндан батафсил маълумот олиш учун ўқиш;
- ахборот коммуникацион технологиялардан (Iphone, Ipad), электрон луғатлардан фойдалана олиш,
- мустақил ўқишга мўлжалланган ҳикояларни ўқиш;
- ўқилган матн мазмунининг қисқача баён этиш;
- матнни умумий маълумот олиш учун ўқиш;
- бир дақиқада 80-90 та сўз тезлигида ўқий олиш.

**Ёзув**

- дастурий мавзуларда фикр-мулоҳазаларни ёзма баён этиш;
- ўқиган, тинглаган матнлар ёки кўрган-эшитган воқеалар асосида муайян топшириқни ёзма бажариш;
- ўрганилган тил қурилмаларидан фойдаланган ҳолда фикрни ёзма ифода эта олиш;
- ёзувда ҳозирги, ўтган ва келаси замон воқеа-ҳодисаларини тасвирлай олиш;
- матндаги маълумотларни туркумларга ажратиб ёза олиш;
- қисқа матнларни ёзма таржима қила олиш;
- мавзуни таништириш, ривожлантириш ва унга хулоса қилиш орқали фикрларни ёзма баён этиш;
- тасвирий характердаги матнларни ёза олиш;
- қисқа ахборотлар ёза олиш;
- берилган мавзу юзасидан баён ёза олиш;
- кўчирма ва ўзлаштирма гаплар ёза олиш;
- намуналар асосида диалоглар туза олиш;
- тили ўрганилаётган мамлакатда қабул қилинган нутқий этикет формулаларидан фойдаланиб, истаклар билдира олиш.

## A2/3 (IX синф)

**Тинглаб тушуниш**

- Ўзбекистон ва тили ўрганилаётган мамлакатларнинг давлат, бошқарув ва таълим тизими, касбга йўналтириш, иқтисодиёт, алоқа тизими-Интернет, электрон почта, телефон (мобил), фэйсбук, скайп, медиатаълим каби мавзулардаги матнни тинглаб тушуниш;
- турли типдаги нутқларни тинглаб тушуна олиш;

- мультимедия, аудио ва видео лавҳаларнинг асосий мазмунини тушуниш;
- матндан батафсил маълумот олиш учун тинглаб тушуниш;
- маълумотларга аниқлик киритиш учун тинглаш;
- нотаниш сўзлар бўлган аудиоматнни тинглаш;
- телефондаги суҳбатни тушуниш ва саволларга жавоб бериш.

**Гапириш**

- оммавий ахборот воситаларида берилган матнлар юзасидан гапира олиш;
- мавзу бўйича баҳсларда, тақдимотларда ижобий ёки танқидий мазмундаги шахсий фикрларни баён этиш;
- Ўзбекистон ва тили ўрганилаётган мамлакатларнинг давлат, бошқарув ва таълим тизими, касбга йўналтириш, иқтисодиёт, алоқа тизими – Интернет, электрон почта, телефон (мобил), фэйсбук, скайп, медиатаълим каби мавзуларда гапира олиш;
- нотаниш шахслар билан мулоқот қила олиш;
- аудио-видео тасма, CD, DVD мультимедия, фонограмма, овозли фильм лавҳалари орқали тинглаган матнларнинг асосий мазмунини ҳикоя қилиб бера олиш.

**Ўқиш**

- нотаниш матнларнинг асосий мазмунини ўқиб тушуна олиш;
- олинган маълумотларга аниқлик киритиш учун матнни ўқий олиш;
- нотаниш мавзудаги матнларни ўқий олиш;
- Интернетда берилган, электрон почта орқали юборилган маълумотларни ўқий олиш;
- оммавий ахборот воситалари, видеотасма, CD, DVD, мультимедия фильм лавҳаларидаги матнни ўқий олиш;
- керакли маълумотларни матндан ажратиб олиш малакасига эга бўлиш;
- бир дақиқада 100-120 та сўз тезлигида ўқий олиш.

**Ёзув**

- Ўзбекистон ва тили ўрганилаётган мамлакатларнинг давлат, бошқарув ва таълим тизими, касбга йўналтириш, иқтисодиёт, алоқа тизими – Интернет, электрон почта, телефон (мобил), фэйсбук, скайп, медиатаълим каби мавзуларда ўз фикрларини ёзма баён эта олиш;
- ўқиган ёки тинглаган матн мазмунини гапириб бериш учун режа ёки тезис ёза олиш;
- тузилган режа ёки тезислар мазмунини ёзма ёритиб бера олиш;
- хат (норасмий), e-mail, SMS, эслатма, хабар, ҳисобот, мақола ва кундаликларни ёзишнинг усул ва шаклларини тўғри қўллай олиш;
- ўтилган ва эркин мавзулар асосида диктант, баён ёза олиш;
- кундалик эҳтиёжга керак сўзлар орқали хабарлар ёза олиш, шахсий хат ёза олиш;
- ўзгалар фикрларидан хулосалар чиқариб, ўз фикрини ёза олиш;
- ёзилган ишни текшириш, йўл қўйилган хатоларни тўғрилаб қайтадан ёза олиш;
- идрок этилган матннинг мазмунини қисқача ёзиш.

## Чет тиллардан ўқувчилар эгаллаши лозим бўлган лексик бирликлар миқдори

I-IV синфларда ўрганиладиган лексик бирликлар актив (продуктив) ўзлаштириш учун мўлжалланади.V-VI синфларда қўшимча пассив (рецептив) лексика ҳам ўргатила бошланади.VII-IX синфларда ўқиш амалий мақсад мақомини олиши муносабати билан пассив лексикани ўргатишга эътибор кучаяди.

| Синфлар / Лексик бирликлар | I | II | III | IV | V | VI | VII | VIII | IX |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| **актив** | 150 | 150 | 100 | 100 | 100 | 100 | 100 | 100 | 100 |
| **пассив** | - | - | - | - | 100 | 100 | 100 | 100 | 100 |
| **потенциал** | - | - | + | + | + | + | + | + | + |
| **жами** | 150 | 300 | 400 | 500 | 700 | 900 | 1100 | 1300 | 1500 |

**Инглиз тили грамматик минимуми**

1**-синфда қуйидаги грамматик ҳодисалар лексик усулда (қоида бермасдан) ўргатилади.**

**1-синф (A1/1)**

- **"to be"феълининг хозирги замон шакллари(am, is, are):** I am small. My name is… How are you? Is it a pen?
- **Махсус сўроқ гаплар:** What's your name? How old are you? What's this?
- **Оддий хозирги замон(тасдиқ, сўроқ гаплар, қисқа жавоблар):** I live in … . Where do you live? Do you like…? Yes I do.
- **Кишилик олмошлари( I, he, she, it, we, you, they):** I'm six. It's a pen. S/he is girl.
- **Кўрсатиш олмоши (this):** This is a… .
- **Эгалик олмошлари (my , your, his, her):** What's his/her name? His/her name is… . My brother is big.
- **"have/has got…" қурилмаси:** I've got a ball. S/he has got a toy.
- **Буйруқ майли:** Jump! Go! Touch your nose.
- **Шахссиз гаплар:** What season is it? It's winter. It's warm. Is it hot?
- **"can" модал феъли(*қила олмоқ маъносида*):** I can ski. What can you do?
- **Отларнинг кўплик шакли:** I've got peaches/I like peaches.
- **How many?** (***саналадиган отлар билан***)
- **How much?** (***саналмайдиган отлар билан***)

**2-синф (A 1/2)**

- **Ҳозирги замонда"to be"феълининг (am, is, are) шакллари:**
- I am … . It is... . Is it a …? Yes, it is./ No, it is not. It is not a … .
- **This/that is… .**
- **Буйруқ гап:**
- Stand up! Sit down!
- **have/has got**
- **Артикль:** a (an), the
- **Отларда кўплик:** a pen – pens, a book–books.
- **These/those are:** Are these/those … ?– Yes, they are ./ No, they are not.
- **Тартиб сонлар:** one – the first, two – the second, three – the third, four – the fourth.
- **Пайт предлоглари :** at, in, on
- **Ҳозирги замон феъли:** On Monday I get up at 7. - Do you watch TV in the afternoon?- I don't watch TV in the afternoon.
- **Ўрин предлоглари :** at, in, on, under: There is a … on the table. There are … under the table. I read an English book at home and in the classroom.
- **I like / love / hate + doing something.**
- **There is / are:** - Is there a…?- Yes there is / No, there is not. Are there …? – Yes, there are / No, there are not.
- **Let's go!**

## 3-синф (A1/2)

- **Ўрин предлоглари :** between, opposite, in front of, behind, next to
- **Алтернатив сўроқ гап:** Is this a bedroom or a living room?- It is a… .
- **Some, any олмошларини ишлатилиши**
- **Пайт равишлари:** usually, sometimes, often, seldom
- **Эгалик олмошларининг абсолют шакллари:** mine, yours, his, hers, its, ours, theirs
- **Сифатнинг қиёсий даражаси:** nice – **nicer,** beautiful - **more beautiful**.
- **Сифатнинг орттирма даражаси:** nice – **the nicest,** beautiful – **the most beautiful**
- **Модал феъл:** can
- **Ҳозирги замон давом феъли: -**Are you reading an English book?-Yes, I am. / No, I am not.-Are they playing? – Yes, they are. / No, they are not. They are watching TV.

## 4-синф (A1/3)

- **Сифатнинг орттирма даражаси:** long-longer**-the longest.** beautiful- more beautiful **– the most beautiful**
- **Ибора:** I want to be...
- **to be феъли:** ўтган замон шакллари: was/were
- **Ўтган замон:** go-went, write-wrote
- **Ибора:** How much…?
- **Should феъли** (маслаҳат бериш маъносида): You should go to the doctor.
- **Would like ибораси:** I would (=I'd) like… . Would you like…?
- **Саналадиган ва саналмайдиган отлар.**
- **Иборалар**: **-** Please pass me some bread**.** – Here you are**.-** Thank you, it's (=it is) very nice.
- **to be going to:** I'm (= I am) going to visit Samarkand.
- **Отларнинг эгалик келишиги;** My **sister's** dress is red.
- **Пайт равишлари:** always, never.
- **Буйруқ майли:** Help me, please.

## 5-синф (A2/1)

- **Эгалик олмошлари**
- **Махсус сўроқ гаплар**
- **Ибора:** How old …?
- **Ибора:** How many/ much…..?
- **От ясовчи суффикслар:** -er, - or.
- **Тартиб сонлар суффикси: -**th
- **Герундий:** I like reading.
- **Объект келишигидаги кишилик олмошлари**
- **Равиш:** happily, softly, noisily, loudly

**6-синф (A2/1)**

- **Ибора:** I was born in… .
- **Тўғри феълларнинг ўтган замон шакли:** lived, worked, washed.
- **Нотўғри феъллар:** be –was/were; go-went ; buy-bought… .
- **A lot of**
- **Ибора:** use to
- **Пайт предлоглари**: before, after
- **Мураккаб тўлдирувчи:** I want you to help me.
- **Саноқ сонлар:** hundred, thousand.
- **Миқдорни ифодалаш:** a box of, a packet of, a bottle of…
- **Help yourself to some… . It's delicious. Would you like some**…
- **Сифат даражалари.** (умумлаштириш)
- **Аниқ артиклнинг географик номлар** (дарё, тоғ, кўл, океан, денгиз номлари) олдидан қўлланилиши.

**7-синф A2/2**

- **Ҳозирги замонда феълининг мажҳул нисбати:** - Ireland is devided into two parts: Nothern Ireland and Ireland.
- **Ҳозирги тугалланган замон:** Have you seen the doctor?
- **Нотўғри феълларнинг сифатдош II шакли:** go – gone, take–taken.
- **So/do I. I do too. I don't either. Neither/nor do I.**
- **Тасдиқ сўроқ гап:** - It's lovely, isn't it? – Yes, it is .
- **Фақат кўпликда ишлатиладиган отлар:** trousers, pants, jeans, glasses… .
- **Предлоглар:** by bus/air/train, on foot.
- **Келаси замон** (will).
- **Сўз ясаш:** феъл + ing = сифат.

**8-синф (A2/2)**

- **Тугалланган ўтган замон**
- **Истак майли:** If I were him, I would be worried.
- **Иборалар:** Would you like to…? I would ( I'd ) like to…
- **Предлоглар:** with, in spite of, despite.
- **Кўчирма ва ўзлаштирма гаплар.**
- **Ўтган замонда феълнинг мажҳул нисбати**
- **Модал феълли мажҳул нисбат:** can/ could/ must/ should/ may/ might be done
- **Сўз ясаш:** феъл + tion = от ( celebrate + tion = celebration).

**9-синф (A2/3)**

- **Ўрганилган грамматик ҳодисаларни умумлаштириш (Revision)**
- **Иборалар**: It's important to… . It is (high) time… . It is necessary**… .**
- **Пайт эргаш гапли қўшма гаплар**
- **Шарт эргаш гапли қўшма гаплар**
- **Замонлар мослашуви**
- Who/which/where/whom/that **боғловчили эргаш гаплар**
- **От ясовчи суффикслар:** - sion, - ment, - ance, - cy, -ist

• **Иборалар**: to have/get something done; need doing
• **Ибора:** to be worth… .
• **Иборалар:** I’m good at (with); I’m interested in; I’m fond of; I’m phoning to tell you… .
• **Сўз ясаш:** от+от=сифат *(part - time job)*

**Инглиз тили фанидан талаффуз минимуми**

• Унли товушлар (20та) ва ундош товушлар (24та), урғу ва оҳанг (интонация) талаффуз минимумидан ўрин олади. Айни пайтда талаффузни ўргатиш мазмуни сифатида ўқувчиларга муайян қийинчилик туғдирадиган қуйидаги фонетик ҳодисаларга махсус эътибор қаратилади:

• **Унлилар: :** қисқа [ i ,e, æ, ɔ, u, ʌ ]; чўзиқ [i:, ɑ:, ɔ:, u:, ə:]; дифтонглар [ei, ai, ou, iə, ɛə , au, uə]

• **Ундошлар тизмаси** ( consonant clusters ): сўз бошида [sk, sp, st, fl, kl, pl, θr, tw, str, spr ...]; сўз охирида [ ks, ps, ts, ns, kt, ʃt, ʃn, tn, tl, nd, dz, gz, lz dn, bl, ld, vd, lts, ndz, nsl, nts, sts, ksts, ldrnz ...]; сўз ўртасида [ntl, ndl, ndm,vnt...].

• **Сўз охирида жарангли ундошлар** [b, d, g, z, dʒ, ʒ, v]

• **Товушлар оппозицияси: қисқа-чўзиқлик**

[i-i: , ɔ-ɔ:, u-u:, ʌ-ɑ:]; дифтонглар [ei-ai, iə-ɛə, ou-ɔi, uə-u, au-ou] ундошлар [f-p, r-l, vw, θs, θf, ðz, v, d, l, r, w].

• **Урғу:** урғули ва урғусиз бўғин; кўп бўғинли сўзда бирламчи ва иккиламчи урғу; фраза урғуси; гапда урғу.

• **Интонация** (оҳанг): кўтарилувчи ва пасаювчи оҳанг. Гап турларида фарқланувчи интонация.

• Талаффуз минимуми дарслик ва ўқув қўлланмаларини яратиш чоғида лексик ва грамматик материалларнинг танланиши ва тақсимоти билан боғлиқ ҳолда синфлар бўйича машқларда ўзлаштиришга мўлжалланади.

## Умумий ўрта таълим мактабларида инглиз тилидан ҳар бир синфда ўрганиладиган мавзулар тақсимоти

| 1-синф (A1/1) 66 соат | | |
|---|---|---|
| **Т/р** | **Мавзулар ва кичик мавзулар** | **Соат** |
| **1.** | **Танишув**<br>- саломлашиш маданияти ва турлари (катталарга, тенгдошларига);<br>- хайрлашиш;<br>- ҳол-аҳвол ва узр сўраш;<br>- ўзини таништириш, норасмий ёки расмий жавоб;<br>- ёши ва она шаҳри. | **4** |
| **2.** | **Синфда**<br>- синф хонаси жиҳозларининг номлари;<br>- синфда ишлатиладиган иборалар;<br>- рақамлар. | **4** |
| **3.** | **Оила**<br>- оила аъзолари таркиби;<br>- оила аъзоларининг исмлари;<br>- ота ва она ҳақида. | **4** |
| **4.** | **Менинг дўстим**<br>- дўстининг исми, ёши;<br>- миллати;<br>- яшаш жойи. | **4** |
| | **Такрорлаш** | **2** |
| | | **18** |
| **5.** | **Ранглар**<br>- рангларнинг номлари;<br>- хонадаги жиҳозларнинг ранглари;<br>- шакллар ҳақида. | **2** |
| **6.** | **Ўйинчоқлар**<br>- ўйинчоқлар номлари ва уларнинг ранги;<br>- ўзининг ўйинчоқларини таништириш. | **2** |
| **7.** | **Тана аъзолари**<br>- тана аъзоларининг номи;<br>- тана аъзолари. | **4** |
| **8.** | **Фасллар**<br>- фасллар номлари;<br>- ранглар;<br>- фасллар об-ҳавоси. | **4** |
| | **Такрорлаш** | **2** |
| | | **14** |
| **9.** | **Атрофимиздаги олам**<br>- табиат ҳодисалари;<br>- фаолиятлар. | **4** |
| **10.** | **Ҳайвонлар**<br>- уй ҳайвонларининг номлари;<br>- ёввойи ҳайвонлар номлари;<br>- ёқтирган ҳайвонлари. | **8** |

| | | |
|---|---|---|
| 11. | **Сабзавотлар**<br>- сабзавотлар номлари;<br>- уларнинг ранглари ва сонлари. | **4** |
| | **Такрорлаш** | **2** |
| | | **18** |
| 12. | **Мевалар**<br>- мева номлари;<br>- уларнинг ранглари ва сонлари. | **4** |
| 13. | **Мен нима қила оламан?**<br>- ўқитувчининг кўрсатмаларини тушуниш ва уларни бажариш;<br>- дарсда нима қила олишини айта билиш;<br>- рақамлар. | **4** |
| 14 | **Эртак қахрамонлари**<br>- ўзи ёқтирган эртак номини айтиш;<br>- ўзи ёқтирган эртак қахрамони номини айтиш;<br>- ўзи ёқтирган эртак қахрамонининг баъзи белгиларини айтиш. | **4** |
| | **Такрорлаш** | **4** |
| | | **16** |
| | **Жами** | **66** |

| 2- синф (А1/2) 68 соат | | |
|---|---|---|
| **Т/р** | **Мавзулар ва кичик мавзулар** | **Соат** |
| **1.** | **Ўзим ҳақимда**<br>- 1-синфда ўрганилган материалларни такрорлаш;<br>- ўзи ва дўсти ҳақида;<br>- инглиз алифбоси. | 4 |
| **2.** | **Ҳафта кунлари**<br>- 1-синфда ўрганилган материалларни такрорлаш;<br>- ҳафта кунлари;<br>- рақамлар;<br>- инглиз алифбоси. | 4 |
| **3.** | **Менинг бўш вақтим**<br>- ўз қизиқишлари;<br>- таътилда;<br>- инглиз алифбоси. | 4 |
| **4.** | **Менинг қизиқишларим**<br>- ўз қизиқишлари;<br>- баъзи мусиқа асбобларининг номлари;<br>- баъзи спорт турларининг номлари;<br>- инглиз алифбоси. | 4 |
| | **Такрорлаш** | 2 |
| | | 18 |
| | **Такрорлаш** | 2 |
| | | 18 |
| **5.** | **Дам олиш куним**<br>- ҳайвонот боғида;<br>- циркда;<br>- кино ва театрда;<br>- хиёбонда. | 4 |

| | | |
|---|---|---|
| **6.** | **Ўқув қуроллари**<br>- ўқув қуроллари номи;<br>- ўқув қуролларининг сони, ранги, шакли. | 4 |
| **7.** | **Вақт**<br>- кўрсатилган расмларда вақт;<br>- соат неча бўлди? | 4 |
| | **Такрорлаш** | 2 |
| | | 14 |
| **8.** | **Менинг мактабим**<br>- ўзи ўқиётган мактабнинг катта ёки кичиклиги;<br>- ўзи ўқиётган мактаб тасвири. | 4 |
| **9.** | **Ўқув фанлари**<br>- ўқув фанларининг номлари;<br>- мен ёқтирган фан;<br>- дарс жадвали. | 4 |
| **10.** | **Ойлар**<br>- биз санаймиз (1-31 гача тартиб сонлар);<br>- 50 гача саноқ сонлар;<br>- сонлар ва сана;<br>- ойлар, ҳафта кунлари. | 4 |
| **11.** | **Байрамлар**<br>- туғилган кун;<br>- оналар байрами;<br>- расмда кўрсатилган байрам кўринишлари. | 4 |
| | **Такрорлаш** | 4 |
| | | 20 |
| **12.** | **Менинг кун тартибим**<br>- вақт;<br>- кун тартиби. | 4 |
| **13.** | **Кийимлар**<br>- кийимларнинг номлари;<br>- кийим ранглари;<br>- ёқтирган кийимлар. | 4 |
| **14.** | **Эртаклар оламида**<br>- миллий эртаклар;<br>- дунё эртаклари;<br>- эртак қаҳрамонлари. | 4 |
| | **Такрорлаш** | 4 |
| | | 16 |
| | **Жами** | 68 |

| 3- синф (A1/2) 68 соат | | |
|---|---|---|
| **Т/р** | **Мавзулар ва кичик мавзулар** | **Соат** |
| **1.** | **Менинг қариндошларим *(ёши, ташқи кўриниши ва касби)***<br>- қариндошлар номлари, уларнинг сони;<br>- қариндошлар ҳақида (исми, ёши, қариндошлик муносабати, яшаш жойи). | **8** |
| **2.** | **Менинг уйим**<br>- хона номлари;<br>- хоналар сони;<br>- хона жиҳозлари;<br>- менинг хонам. | **8** |
| | **Такрорлаш** | **2** |
| | | **18** |
| **3.** | **Йил фасллари, ойлар, об-ҳаво**<br>- йил фасллари номлари, ойларнинг номлари;<br>- табиат ҳодисалари;<br>- ёқтирган фасли ҳақида. | **4** |
| **4.** | **Ҳайвонлар, қушлар**<br>- қушларнинг номи;<br>- ҳашоратлар номлари;<br>- қушлар ва ҳашаротларга нисбатан муносабат;<br>- қуш ёки ҳашоратни тасвирлаш. | **8** |
| | **Такрорлаш** | **2** |
| | | **14** |
| **5.** | **Қизиқишларим олами**<br>- АКТ, мусиқа, спорт ва бошқа соҳаларга оид сўзлар;<br>- мен ёқтирган спорт тури;<br>- мусиқа тинглаш ва китоб ўқиш. | **4** |
| **6.** | **Телефонда суҳбат**<br>- телефонда суҳбат;<br>- телефонда гаплашиш одобига оид сўзлар. | **4** |
| **7.** | **Ўсимликлар**<br>- ўсимликлар номлари;<br>- ўзи ёқтирган ўсимликлар;<br>- ўсимликлар ранги. | **4** |
| **8.** | **Соғлиқ ва гигиена**<br>- тана аъзоларининг номлари;<br>- гигиена воситалари. | **4** |
| | **Такрорлаш** | **4** |
| | | **20** |
| **9.** | **Транспорт**<br>- транспорт воситалари номлари;<br>- транспорт воситаларини тасвирлаш;<br>- транспорт билан саёҳат;<br>- мактабга транспортда бориш. | **4** |
| **10.** | **Атрофимиздаги олам**<br>- ўз шаҳри, қишлоғи ҳақида;<br>- ўз маҳалласи, кўчаси ҳақида. | **4** |

| | | |
|---|---|---|
| 11. | **Эртаклар оламида**<br>- миллий ва дунё эртаклари;<br>- эртак ва мультфильм қаҳрамонлари;<br>- қаҳрамонларга муносабат. | **4** |
| | **Такрорлаш** | **4** |
| | | **16** |
| | **Жами** | **68** |

| **4- синф (A1/3) 68 соат** | | |
|---|---|---|
| **Т/р** | **Мавзулар ва кичик мавзулар** | **Соат** |
| **1.** | **Биз инглиз тилини ўрганамиз** | **4** |
| **2.** | **Менинг куним**<br>- ўзининг кун тартиби;<br>- ҳафта кунлари;<br>- бўш вақт. | **4** |
| **3.** | **Уй юмушлари**<br>- уй юмуши турлари;<br>- менинг уйдаги вазифаларим. | **4** |
| **4.** | **Касблар**<br>- касблар номи;<br>- ота-онаси касби;<br>- ўзи орзу қилган касб. | **4** |
| | **Такрорлаш** | **2** |
| | | **18** |
| **5.** | **Ўзбекистон *(умумий маълумотлар*)**<br>- Ўзбекистоннинг жуғрофий жойлашиши, пойтахти;<br>- ўзи яшаётган мамлакат харитаси;<br>- табиат ва иқлими;<br>- вилоят, дарё, кўллар номлари. | **4** |
| **6.** | **Меҳмонда**<br>- меҳмонга бориш одоби;<br>- дастурхон безаш;<br>- овқатланиш маданияти;<br>- дастурхон атрофида ўзини тутиш;<br>- миннатдорчилик билдириш;<br>- хайрлашиш. | **4** |
| **7.** | **Ўзбекистонда ва тили ўрганилаётган мамлакатда байрамлар**<br>- байрамлар;<br>- ўзи ёқтирган байрам;<br>- байрамлар ҳақида шеър, ашула ва кичик саҳна кўринишлари. | **4** |
| | **Такрорлаш** | **2** |
| | | **14** |
| **8.** | **Дўкон ва бозорда**<br>- дўкон ва унинг турлари;<br>- сотувчи билан мулоқот;<br>- харид қилмоқчи бўлган маҳсулот, озиқ-овқат;<br>- сонлар;<br>- миқдор бирликлари. | **8** |

| | | |
|---|---|---|
| **9.** | **Спорт**<br>- умумий ва миллий спорт турлари;<br>- спортга нисбатан бўлган қизиқиш;<br>- мактабда ўтказиладиган спорт мусобақалари;<br>- менинг севган спортим. | **4** |
| **10.** | **Шифокор ҳузурида**<br>- соғлиги ҳақида шифокорга мурожаат;<br>- шифокор маслаҳати;<br>- дорихона. | **4** |
| | **Такрорлаш** | **4** |
| | | **20** |
| **11.** | **Саёҳат**<br>- шаҳарга саёҳат;<br>- табиат қўйнига саёҳат;<br>- диққатга сазовор жойлар;<br>- музейлар. | **4** |
| **12.** | **Тили ўрганилаётган мамлакат *(умумий маълумотлар*)**<br>- тили ўрганилаётган давлатнинг жуғрофий жойлашиши, пойтахти;<br>- тили ўрганилаётган мамлакат харитаси;<br>- табиат ва иқлими;<br>- дарё, океан, кўл номлари. | **4** |
| **13.** | **Эртаклар оламида**<br>- миллий ва дунё эртаклари;<br>- эртак ва мультфильм қаҳрамонлари;<br>- қаҳрамонларга муносабат. | **4** |
| | **Такрорлаш** | **4** |
| | | **16** |
| | **Жами** | **68** |

| 5 – синф (A2/1) 102 соат | | |
|---|---|---|
| **Т/р** | **Мавзулар ва кичик мавзулар** | **Соат** |
| **1** | **Ўзи ҳақида**<br>бошланғич таълимда олинган билимлар: саломлашув, танишув, манзил, она шаҳри, ўзи ҳамда ўртоғи ҳақида қисқача маълумот (масалан: яшаш жойи, кимлиги ва бошқалар)ни такрорлаш. | 6 |
| **2** | **Оила**<br>- ўзи ёки дўстининг оила аъзолари;<br>- ташқи кўриниши;<br>- яшаш жойлари, манзили, касби, ишхонаси. | 12 |
| **3** | **Мактаб**<br>- синфда қўлланиладиган иборалар;<br>- кўрсатмалар бериш ва бажариш;<br>- ўқув фанлари; уларни ёқтириш ёки ёқтирмаслик;<br>- ўзи ёки дўстининг дарс жадвали, ўқиш кунлари;<br>- синф хонаси, унинг жиҳозлари ва ўқув қуроллари, уларнинг ҳажмлари ва ранги;<br>- мактаб биноси, унинг қисмлари, ҳовлиси ва кутубхонаси. | 20 |
| **4** | **Кундалик фаолият** | 6 |
| **5** | **Мен ёқтирган нарсалар**<br>- ўзи (дўсти ёки оила аъзолари)нинг ёқтирган, ёқтирмаган нарсалари;<br>- севимли машғулот;<br>- у(лар)ни қизиқтирган нарсалар. | 7 |
| **6** | **Ҳайвонлар дунёси**<br>- уй ва севимли ҳайвонлар, уларнинг кўриниши ва ранглари, ҳайвонларга нисбатан бўлган муносабат;<br>- ёввойи ҳайвонлар, уларнинг яшаш жойлари. | 14 |
| **7** | **Йил фасллари**<br>- фасллар;<br>- ойлар, ойларнинг бир-биридан фарқи, тартиби, кунлар;<br>- об-ҳаво, унинг фаслларда ўзгариши, об-ҳавога бўлган муносабат. | 14 |
| **8** | **Байрамлар**<br>- байрамларни нишонлашда қилинадиган ишлар. | 7 |
| | **Мустақил иш** | 4 |
| | **Такрорлаш** | 4 |
| | **Назорат иши** | 8 |

| 6- синф (A2/1) 102 соат | | |
|---|---|---|
| **Т/р** | **Мавзулар ва кичик мавзулар** | **Соат** |
| **1** | **Оила**<br>- ўзи (ёки дўсти)нинг оиласи;<br>- ўзи (ёки дўсти)нинг қариндошлари;<br>- ўз оила аъзолари (ёки дўсти)нинг иши, иш жойлари, касблари. | 7 |
| **2** | **Уй**<br>- ўз уйи ва унинг хоналари, хонанинг жойлашган ўрни;<br>- уй жиҳозлари, ранги, шакли, материали, сони;<br>- уй рўзғор ишлари, уй юмушларини бажаришда онага бериладиган ёрдам. | 7 |
| **3** | **Озиқ-овқатлар**<br>- озиқ-овқат магазинида;<br>- бозорда;<br>- харид, уларнинг оғирлиги, нархлари ва миқдори. | 16 |
| **4** | **Туғилган кун**<br>- ўзи (ёки дўстри)нинг туғилган куни;<br>- таржимаи хол. | 7 |
| **5** | **Менинг кечаги иш куним** | 7 |
| **6** | **Таом**<br>- таом тайёрлаш; Ўзбекистон ва Англиядаги таомлардан бирини тайёрлаш усули; идишлар;<br>- дастурхон атрофида; овқатланиш одоби; нонушта, тушлик, кечки овқатланиш ва таом турлари. | 14 |
| **7** | **Ўзбекистон ва тили ўрганилаётган мамлакатлар географияси**<br>- географик жойлашиши; чегарадош мамлакатлар;<br>- дарё, кўл, денгиз, ва тоғлари;<br>- ер майдони ва аҳолиси;<br>- табиат ва иқлими. | 22 |
| **5** | **Эртаклар олами** | 6 |
| | **Мустақил иш** | **4** |
| | **Такрорлаш** | **4** |
| | **Назорат иши** | **8** |

| 7- синф (A2/2) 102 соат | | |
|---|---|---|
| **Т/р** | **Мавзулар ва кичик мавзулар** | **Соат** |
| **1** | **Қишлоқ ва шаҳарлар**<br>- ўзи яшаётган қишлоқ ёки шаҳар, у ердаги диққатга сазовор жойлар;<br>- манзилга қандай боришни сўраш ёки кўрсатмалар бериш. | **8** |
| **2** | **Соғлик**<br>- инсоннинг тана аъзолари;<br>- шифокор ҳузурида. | **10** |
| **3** | **Спорт**<br>- умумий ва миллий спорт турлари;<br>- спорт мусобақалари;<br>- олимпиада ўйинлари, ғолиб спортчилар ва командалар. | **18** |
| **4** | **Кийимлар**<br>- Ўзбекистон ва тили ўрганилаётган мамлакатларга хос бўлган турли устбош, оёқ кийимлар, уларнинг ранглари, ўлчамлари ҳамда материали;<br>- харид ва харидорлар ҳуқуқи. | **16** |
| **5** | **Бўш вақт ва севимли машғулот (хобби)** | **8** |
| **6** | **Ўзбекистон ва тили ўрганилаётган мамлакатларнинг маъмурий бўлиниши**<br>- вилоятлар, туманлар, ҳудудлар. | **8** |
| **8** | **Таътиллар. Саёҳат**<br>- таътил, таътил режалари;<br>- машҳур жойларга саёҳат. | **16** |
| | **Мустақил иш** | **4** |
| | **Такрорлаш** | **4** |
| | **Назорат иши** | **8** |

| 8- синф (A2/2) 102 соат | | |
|---|---|---|
| **Т/р** | **Мавзулар ва кичик мавзулар** | **Соат** |
| **1** | **Байрамлар ва анъаналар** | 10 |
| **2** | **Оммавий ахборот воситалари**<br>- матбуот (газета ва журналлар);<br>- телевидение ва радио. | 18 |
| **3** | **Маданият. Санъат**<br>- мусиқа, адабиёт, кино, театр, пьеса, санъат галлерияси, рассомчилик, ҳайкалтарошлик;<br>- Ўзбекистон ва тили ўрганилаётган мамлакатларнинг машҳур кишилари. | 48 |
| **4** | **Атроф муҳит муаммолари**<br>- уларнинг келиб чиқиш сабаблари, уларнинг олдини олиш чоралари. | 10 |
| | **Мустақил иш** | **4** |
| | **Такрорлаш** | **4** |
| | **Назорат иши** | **8** |

| 9- синф (A2/3) 102 соат | | |
|---|---|---|
| **Т/р** | **Мавзулар ва кичик мавзулар** | **Соат** |
| **1** | **Ўзбекистон ва тили ўрганилаётган мамлакатлар давлат тизими:**<br>- давлат тизими, уларнинг байроғи, герби, конституцияси.<br>- бошқарув идоралари. | **18** |
| **2** | **Ўзбекистон ва тили ўрганилаётган мамлакатлар таълим тизими.** | **18** |
| **3** | **Мен ёқтирган касб.** | **8** |
| **4** | **Иқтисодиёт:**<br>- саноат, саноат маҳсулотлари.<br>- савдо, реклама, маркетинг. | **16** |
| **5** | **Маиший хизмат**<br>(сартарошхона, пойабзал тузатиш, кийим тикиш ва бошқалар). | **8** |
| **6** | **Глобаллашув ва Ўзбекистон** | **8** |
| **7** | **Алоқа тизими:**<br>- хатлар;<br>- алоқа бўлимида;<br>- телефонда;<br>- интернет, электрон почта. | **8** |
| | **Мустақил иш** | **4** |
| | **Такрорлаш** | **4** |
| | **Назорат иши** | **10** |

* Ўқув дастурида берилган мавзулар ва кичик мавзулар шунингдек, синфлар кесимидаги грамматик, фонетик ва бошқа йўналишдаги материаллар дарслик мажмуаларини яратишда муаллифлар томонидан маълум даражада ижодий ёндашган ҳолда ўзгартиришлар киритилиши мумкин.

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ РЕСПУБЛИКА ТАЪЛИМ МАРКАЗИ

# УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИ УЧУН НЕМИС ТИЛИ ФАНИДАН ЎҚУВ ДАСТУРИ

**(I-IX синфлар)**

**ТОШКЕНТ – 2013**

**Тузувчилар:** Жалолов Ж.Ж., (гуруҳ раҳбари), Низомий номидаги ТДПУ инглиз тили назарияси ва ўқитиш методикаси кафедрасининг профессори; Дадаходжаева М.С., ЎзЖДТУ немис тили факультети доценти, педагогика фанлари номзоди, немис тили ўқитувчилари ассоциация раиси; Носиров А.А., Халқ таълими вазирлиги бошқарма бошлиғи; Матниёзова И.М., Республика Таълим маркази Хорижий тиллар бўлими бошлиғи; Ирисқулов М.Т., ЎзДЖТУ қошидаги Республика тил ўқитиш маркази раҳбари; Жўраев Л., "Ўқитувчи" нашриёти муҳаррири; Рахмонов С.И., Бухоро вилояти Ғиждувон туманидаги 62-сонли ихтисослаштирилган мактаб директори; Мақсудова О.Н., Республика таълим маркази Хорижий тиллар бўлими инглиз тили бош методисти; Хан С., UZTEA British Council тренери.

## МУҚАДДИМА

Ўзбекистон Республикасида демократик принциплар устувор бўлган янги жамият қуриш, бозор муносабатларига асосланган кучли иқтисодиётга эга давлат барпо этишга йўналтирилган босқичма-босқич амалга оширилаётган ислоҳотлар доирасида таълим ва тарбия соҳасига жиддий эътибор қаратилмокда. Ҳаётга чуқур татбиқ этилаётган ҳамда дунёда “Ўзбек модели” деб эътироф этилган тараққиёт йўлимизнинг ажралмас таркибий қисми саналган “Таълим тўғрисида”ги Қонун ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” бугунги кунда ижтимоий-иқтисодий, маданий соҳалардаги ривожланишни таъминлаётган асосий омиллардан бири сифатида яққол намоён бўлмоқда. Мазкур ҳужжатларда, биринчи навбатда, инсон манфаатлари устуворлиги, унинг замон талабларига мос ҳолда ортиб бораётган эҳтиёж ва қизиқишлари, имкониятларини тўлиқ юзага чиқариш ҳамда амалга ошириш учун барча шарт-шароитларни яратиш белгилаб қўйилган.

Мамлакатимизда инсон капиталига йўналтирилаётган инвестицияларнинг йилдан-йилга ўсиб бориши, ахборот коммуникация технологиялари жадаллик билан ривожланаётган, глобаллашув, дунё бозорида рақобат тобора кучайиб бораётган бир даврда, демократик тараққиёт, модернизация ва янгиланиш борасида белгиланган мақсадларга эришишда энг муҳим қадрият ва ҳал қилувчи куч бўлган билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш муҳим омил бўлмоқда.

Таълим тизимида ўқувчиларнинг нафақат кенг билим ва профессионал малакаларни эгаллаши, замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда ўқитишнинг илғор услубларини жорий этиш йўли билан ўсиб келаётган ёш авлодга чет тилларни ўқитиш, шу тилларда эркин мулоқот қила оладиган мутахассисларни тайёрлаш ҳамда бунинг негизида, уларнинг жаҳон цивилизацияси ютуқларидан кенг кўламда фойдаланишлари, улкан интеллектуал бойликни эгаллашларига катта имкониятлар яратилади.

Мамлакатимизнинг дунё ҳамжамиятига интеграциялашуви, фан техника ва технологиянинг ривожланиши ёш авлоднинг кўп маданиятли дунёда рақобатбардош бўлиши бир неча чет тилларни мукаммал эгаллашни тақозо этади, бу эса Ўзбекистон Республикаси таълим тизимига чет тилларни ўргатиш бўйича халқаро стандартларни жорий этиш орқали таъминланади.

Европа Кенгашининг “Чет тилни эгаллашнинг умумевропа компетенциялари: ўрганиш, ўқитиш, баҳолаш” тўғрисидаги ҳужжати (CEFR) умумэътироф этилган халқаро меъёрлардан биридир. Ушбу ҳужжатнинг айрим ҳолатларини назарда тутган ҳолда Ўзбекистон Республикасининг узлуксиз таълим тизимида чет тилларни ўрганиш бўйича янги Давлат таълим стандартлари ва ўқув дастури ишлаб чиқилди.

## УҚТИРИШ ХАТИ

Узлуксиз таълим тизимида тилларни ўргатиш-ўрганишга алоҳида эътибор берилади. Замонавий бозор иқтисодиёти ва ахборот технологиялари тараққиёти шароитида чет тил ўрганишга эҳтиёж кучайди. Маданиятлараро мулоқот воситаси сифатида чет тил ўрганиш давр талабига айланди. 2012 йил 10 декабрда Ўзбекистон Республикаси Президенти қабул қилган “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори бу соҳанинг истиқболини белгиловчи давлат ҳужжатидир. Қарорга кўра, чет тилни барча умумий ўрта таълим мактабининг 1 синфидан бошлаб оммавий тарзда ўрганиш жорий этилди.

Чет тилда нутқий фаолият юритиш ўқувчи шахсини шакллантиришга йўналтирилади, яъни ўрганилаётган тил соҳиби яратган маданий меросни ўзлаштиришга эришилади. Тинглаб тушуниш, гапириш, ўқиш, ёзув жараёнида ўқувчи олдин эгаллаган ижтимоий, маданий, лисоний, эмоционал тажрибасини бойитади. Мулоқотдош (коммуникант)ларнинг бир-бирини тушунишлари чет тил билишнинг асосий мезони ҳисобланади.

Таълим тизимидаги бошқа фанлардан чет тилнинг фарқи бир пайтнинг ўзида, унинг ҳам таълим мақсади, ҳам таълим воситаси эканлигида намоён бўлади. Чет тилда нутқий малакалар (тинглаб тушуниш, гапириш, ўқиш, ёзув)ни эгаллаш таълимдан кўзланадиган мақсад бўлиши билан бирга, ўрганилаётган тил янги ва фойдали ахборот (информация) олиш, етказиш воситаси мақомини ҳам олади. Ўқувчи фақат мулоқотдош сифатида эмас, балки ахборот соҳиби (когнизант) мақомида ўрганилаётган тилдан фойдаланади. Тилни ўрганиш чоғида ўқувчи лингвистик билимлар тўплаш билан эмас, балки нутқий ва маданий малакалари (компетенцияси)ни ошириш билан машғул бўлади. Коммуникатив фаолият кўрсатиш, шахсга йўналтирилган, компетенцияни эгаллашга мўлжалланган интегратив ёндашув асосида чет тил ўргатилади. Чет тил таълимида коммуникатив-кумулятив метод татбиқ этилади. Хорижий Ғарб лингводидактикаси истилоҳида буни маданиятлар- аро мулоқот йўналиши номи билан юритилади. Когнитология, концептология, лингвокультурология ва бошқа замонавий фанларнинг сўнгги ютуқлари асосида мазкур методик назария шаклланган ва кенг кўламда жорий этилмоқда.

Чет тил ва маданият яхлит (интеграциялашган) ҳолда ўргатилади. Маданият, бу ўринда инсон фикри ва фаолияти ҳосиласи тушунчасини ифодалайди. Чет тилда ўрганиладиган лисоний (лексик, грамматик, талаффуздаги) бирликда лингвомаданий хусусиятлар тажассум топган ва нутқий жараён (дискурс)да уларга ўқувчи эътибори қаратилади. Мазкур методик қоида доирасида чет тил ўқитиш мақсади ва мазмуни белгиланади.

Мақсад деганда, чет тил ва унинг соҳиби маданиятини ўргатиш ва ўрганишнинг онгли тарзда режалаштирилган натижаси кўзда тутилади. Ўқитиш шароитидан келиб чиқиб, муайян мақсад қўйилади. Шароит тушунчаси қамровига ўқув муассасаси тури (мактаб), ўқувчининг психологик (ёш) хусусияти, тил тажрибаси, ўқув предметига ажратиладиган вақт (дарс соатлари) киради.

Ўқитиш мазмуни жаҳонда эътироф этилган дидактик таълимотга биноан билим, кўникма ва малакаларни ўз ичига олади. Чет тилни амалий ўрганишда лингвистик назарий билимлар умуман баён этилмайди. Билим тил материалини билиш (кўникма) ва уни ўзлаштиришда юз берадиган қийинчиликларни оддий сўзлар билан содда тилда тушунтириш, яъни хатоларнинг олдини олишга қаратилган кўрсатма маъносини билдиради. Кўникма таркибига кирадиган амалий қоида она тили ва чет тилда фарқланадиган ёки тил ички интерференциясини келтириб чиқарадиган чет тил ҳодисалари бўйича берилади (масалан: артикль (она тилида йўқ), отнинг кўплик шакли (бирлик шакли лексик бирлик ҳисобланади) ёки немис тилидаги отнинг кўплик шакли, қаратқич келишиги, феълнинг содда ҳозирги замондаги учинчи шахс бирлик шакли (ҳар учаласи [z], [s], [iz] қабилида талаффуз этилади ва тил ички интерференциясига сабаб бўлади).

Ўқитиш мазмуни компонентларидан тил материали ўрганилмиш чет тил системасидан минимум сифатида танланади (ўқувчи учун у лисоний максимум ҳисобланади). Минимум тил ўргатиш учун зарур ва етарли бўлмоғи керак. Танланган минимумдаги лисоний бирликларни ўзлаштиришда қийинчилик туғдирадиган

қисмигина тил материалининг ўргатиш мазмунини ташкил этади ва ўқув дастуридан ўрин олади.

Чет тил ўқитиш мазмуни уч таркибли таълимий ҳодисадир:

1) нутқ мавзулари;

2) кўникма ва малакаларга қўйиладиган талаблар;

3) тил материали.

Ўқитиш мазмуни мавжуд шароитга кўра, жумладан, ўқув предметига ажратилган вақтга қараб танланади.

Умумий ўрта таълим мактабларида чет тил ўқув предметига ажратилган соатлар миқдори:

I синфда ҳафтасига 2 соат (ўқув йилига 66 соат).

II-IV синфларда ҳафтасига 2 соат (ўқув йилига 68 соат).

V-IX синфларда ҳафтасига 3 соат (ўқув йилига 102 соат).

Умумий ўрта таълим мактабида чет тил ўқитиш шароитини ҳисобга олган ҳолда "Чет тилни эгаллаш даражаларининг европа системаси"даги тилни элементар (Basic user) даражада ўрганиш/ўргатиш тавсиясига биноан, I-IV синфларда A1 – "Куртаклаш босқичи" (ёки чет тил эгаллашнинг бошланғич даражаси), V-IX синфларда A2 – "Бўсаға олди босқичи" (ёки чет тил эгаллашнинг таянч даражаси) маъқул топилди.



## ЧЕТ ТИЛ ЎҚИТИШ МАҚСАДИ

Таълим мақсади ижтимоий-педагогик ва лингводидактик тушунча сифатида чет тил ўқитишга татбиқан қуйидагича таърифланиши мумкин: умумтаълимий йўналишдаги ўқув предметларидан бўлмиш чет тилни ўрганишга жамият ва давлатнинг ижтимоий буюртмаси шаклидаги таълим мазмунини белгилаш, ўқитиш жараёнини ташкил этиш ва муайян натижаларга эришишни олдиндан аниқлаш воситасидир. Мактабда чет тили нима учун ўрганилади? саволига жавоб тариқасида қўлланадиган термин-тушунчадир. Умумтаълим мактабларида ўқувчиларга чет тил (1) **амалий мақсад,** (2) **умумтаълимий мақсад,** (3) **тарбиявий мақсад** ва (4) **ривожлантирувчи мақсадда** ўргатилади.

**Чет тил ўқитишнинг амалий мақсади**га эришиш йўлида умумтаълим мактаб курсида чет тил ўргатишнинг якуний амалий мақсади – тинглаб тушуниш ва ўқиш, яъни чет тилда тинглаб ва ўқиб ахборот олишдир. Оралиқ амалий мақсад турлича талқин этилади:

I синфда тинглаб тушуниш ва гапириш амалий мақсад ҳисобланади;

II-IV синфларда ҳам тинглаб тушуниш ва гапириш амалий мақсад, ўқиш ва ёзув оғзаки нутқда ўрганилган тил материалини такрорлаш ва мустаҳкамлаш воситаси;

V-VI синфларда нутқ фаолияти турларидан тинглаб тушуниш, гапириш ва ўқиш – оралиқ амалий мақсад, ёзув – амалий восита;

VII-IX синфларда тинглаб тушуниш ва ўқиш – амалий мақсад, гапириш ва ёзув – восита.

**Чет тил ўқитишнинг амалий мақсадига** эришиш йўлида-нутқ фаолиятининг турлари учун махсус мавзулар ва тил материали танланади, ўқув вақтининг асосий қисми уларни ўрганишга бағишланади, яъни машқларнинг аксарияти ушбу нутқ фаолияти тур(лар)ида бажарилади.

Амалий мақсадга лингвистик*, социолингвистик* нутқий (коммуникатив) ва лисоний, прагматик компетенцияларни эгаллаш орқали эришилади. Компетенция (лаёқат), маълумки, билим, кўникма, малака ва шахсий белгилар мажмуидан

иборат. Компетенция таркибига кичик концепциялар киради. Лингвистик компетенцияда лисоний ходисаларнинг нутқда қўлланилиши назарга олинади. *Социолингвистик* компетецияда мулоқот вазияти, мақсади ва мулоқотдошлар вазифасига мос тарзда фикр билдира олиш кўзда тутилади. *Прагматик* концепция коммуникатив вазиятда ўзини тута билиш (масалан, такроран сўраш, нутқий ва лисоний мураккаблик туғилганда ундан чиқа олиш) лаёқатига тааллуқлидир. Прагматик компетенция таркибидаги дискурсив компетенция оғзаки ва ёзма нутқдаги изчилликни таъминлашга хизмат қилади.

Амалий мақсаднинг рўёбга чиқишида ҳосил қилинган барча компетенцияларнинг узвий яхлитлиги (синтези) таъминланади.Амалий мақсаднинг рўёбга чиқишида ўқувчи таълим олади, тарбияланади ва унинг шахси ривожланади. ***Чет тил ўқитиш умумтаълимий мақсади***нинг рўёбга чиқишида ўрганилаётган тил воситаси орқали фойдали ҳаётий ахборот ва тил ҳақидаги янги содда маълумотларни ўзлаштириш кўзда тутилади. Ўқувчининг умумий савиясини кўтариш, ўрганилаётган тил ва маданият ҳақида янги маълумотга эга бўлиш, мулоқот маданиятини юксалтириш, ақлий меҳнат усулларини қўллаш, фикрлаш қобилиятини ривожлантириш кабиларга эришилади. Ушбу мақсадни амалга оширишда, асосан, лингвистик, стратегик (компенсатор), ўқув-когнитив, дискурсив лаёқатлар такомиллашади.

Бошқа фанлар қаторида чет тил ҳам мажбурий ўқув предмети мақомида умумий таълим бериш/олишга ўз ҳиссасини қўшади. Умумтаълим объекти учта: тил ҳодисаси, унга оид тушунча ёки содда қоида ва, энг муҳими, чет тилдаги дискурс мазмуни.

***Чет тил ўқитишнинг тарбиявий мақсади:*** Ўқувчиларга ғоявий тарбия бериш, ақлий меҳнат малакаларини сингдириш, уларнинг билиш фаоллигини ошириш мазкур мақсаднинг моҳиятини ташкил этади.

Тарбиявий мақсад, асосан, икки йўл билан рўёбга чиқарилади: (1) бевосита чет тилда саломлашиш, хайрлашиш, предмет ва ҳодисаларнинг номларини билиш, шеър ва ашула айтиш, ўйинлар бажариш кабилар, айниқса, дастлабки дарсларда ўқувчиларга анча қизиқарли юмуш саналади; (2) мулоқот чоғида бир-бирларига одоб доирасида муносабат билдириш, хатти-ҳаракатларини шарҳлай олиш, аудиоматн ва график матнлардан олинадиган ахборотлар беқиёс тарбиявий аҳамият касб этади. Дарсдан ташқари ўқув тадбирларининг ҳам тарбиявий аҳамияти чексиз.

***Чет тил ўқитишнинг ривожлантирувчи мақсади:*** Дидактикадаги ривожлантирувчи таълим маъноси билан ҳамоҳанг бўлиб, ўқувчи шахсининг ақлий, ҳиссий ва мотивацион жиҳатларини ривожлантиришни ифодалайди. Ўқувчи интеллектуал ва маънавий озиқа олади, нутқий мулоқотда ўз ҳиссиётини синаб кўради, мулоқотдош (ўқувчи, муаллим, диктор ва б.)лар фикрини билиш ва ўз фикрини баён этиш орқали унинг шахси камол топиб боради. Таълим жараёнида, жумладан, чет тил ўрганишда меъёрдаги лисоний ва нутқий қийинчиликларни енгиб ўтиш ўқувчи тафаккури ва ҳис-туйғуларининг ривожланишини таъминлайди.

Ривожлантирувчи мақсадга нутқий амаллар туфайлигина эришилади. Унинг умумтаълимий мақсаддан жиддий фарқи шундаки, ўқув маълумотлари олиш билан таълим фикран боғланади, маълумотнинг мазмуни турли компетенцияларни шакллантиришга хизмат қилади. Таълим, жумладан, чет тил ўрганиш шахс ривожланишида алоҳида ўрин эгаллайди. Тил психологик, коммуникатив, функционал ва маданий ҳодиса бўлганлиги сабабли билиш жараёни учун ўта аҳамиятли, чунки у билмасликдан билишга элтувчи омилдир.

Чет тилда ўқувчи икки турда билим олади, биринчиси ва асосийси, нутқий жараёнда иштирок этиш учун кеpакли алгоритмик қоидалар ва ижтимоий аҳамият касб этадиган ўқувчи ҳаёти давомида фойдали маълумотлар.

Маданиятлараро мулоқот ўзга халқ менталитетига хос белгилар ва одатларни сингдиришга хизмат қилади. Бунда бошқаларнинг турмуш тарзини реклама қилиш эмас, балки чет тил соҳибининг назари билан дунё манзарасига янгича қараш, ва оқибатда, ўз маданиятини чуқур ҳис қилишга ўрганади. Умумбашарий ва миллий қадриятлар уйғунлашуви содир бўлади.

Чет тилда мулоқот қилиш, эгаллаш тўрт асосий нутқ фаолияти турлари бўйича малакаларни шакллантириш демакдир. Нутқ фаолиятининг тўрт тури: тинглаб тушуниш, гапириш, ўқиш ва ёзув малакалари ўзаро боғланган ҳолда ривожлантириб борилади. Бу ўқиш ва ёзиш, ўқиш ва тинглаш, ўқиш ва гапириш, тинглаш ва ўқиш, тинглаш ва ёзиш, тинглаш ва гапириш каби машқлар орқали амалга оширилади.

***Тинглаб тушуниш.*** Нутқни тинглаб тушуниш деганда, сўзловчининг нутқини бевосита ёки техникавий воситалар ёрдамида эшитиб идрок этиш ва фаҳмлаш назарда тутилади. Бошқача қилиб айтганда, тинглаб тушуниш ўзгалар нутқини (жонли тарзда ёки механик ёзувдагисини) идрок этиш ҳамда мазмунини фаҳмлаб етиш маъносини ифодалайди. Янги тил материали ўқувчиларга, одатда, ўқиш ёки тинглаш орқали таништирилади. Тинглаб тушуниш талаффуз ва оҳангни ҳам ўзлаштиришга хизмат қилади.

Тинглаб тушуниш уч босқичли фаолият бўлиб, унда умумий эшитув идроки (акустик апперцепция), сўзларнинг товуш томонини (фонематик) фарқлаш ва моҳиятини англаш орқасида нутқдаги мазмун идрок этилади, билиб олинади ва тушунилади. Эшитиш сезгиси ва анализатори орқали ахборот олишнинг асосий манбалари сифатида ўқитувчи нутқи, аудио-видео воситалардан магнитафон ёзуви, радио эшиттириш, овозли диафильм, кино (видео), фильм (ёки ундан парча) ва телевизион кўрсатувлар тавсия этилади.

Тинглаб тушунишни амалга ошириш учун қуйидаги уч омил назарда тутилади: Тингловчининг ўзига боғлиқ омиллари (эшитиш кўникмасининг ривожланганлиги, унинг хотираси ва матнни диққат билан тинглаб, мазмунини тушунганлиги), тинглаш пайтидаги шарт-шароит (нутқ тезлиги, тил материали ҳажми ва шакли ҳамда сўзланаётган нутқнинг давом этиши) ва ниҳоят, қўлланган материалнинг лингвистик жиҳатлари (тингловчининг тил тажрибасига мос келиш-келмаслиги) ҳисобга олинади, яъни тинглаб тушунишга бериладиган матн нотаниш бўлиб, ўқувчилар эгаллаган тил материалларини ўз ичига олади.

***Гапириш.*** Гапириш нутқ фаолияти турларидан бири бўлиб, фикрни оғзаки баён этишдир. Гапириш - фикр ва ҳис-туйғуни изҳор этиш мақсадида муайян тилдаги лексик, грамматик ва фонетик ҳодисаларни қўллашдан иборат бўлиб, у чет тилни ўрганишнинг муҳим амалий мақсадидир.

Гапириш - ўқувчиларга ўзларининг фикр-туйғуларини ифода этишга, қизиқишлари ва ҳаётий фаолиятлари ҳақида суҳбатлашишга ҳамда уларни бошқалар фикри билан таққослашга имконият яратиб беради.

Фикрни оғзаки икки шаклда, яъни монолог (якка нутқ) ва диалог (жуфт нутқ) тарзида ифодалаш мумкин.

***Монолог*** бир кишининг нутқи бўлиб, унда кетма-кет келадиган жумлалар мантиқан боғланади. Нутқнинг оҳанги ва мазмуни қўйилган мақсад сари йўналтирилади. Монолог қуйидаги белгиларга эга:

- мазмунан изчиллик кузатилади, ифодаланадиган фикрлар таянч жумлалар воситасида аста-секин ривожлантириб борилади;

- фикр-мулоҳазанинг маълум даражада тугалланганлиги нутқ намуналарида ифодаланади.

***Диалог***да икки ва ундан ортиқ киши, тингловчи ҳамда гапирувчи сифатида навбатма-навбат ахборот алмашадилар.

Диалог қуйидаги асосий хусусиятларга эга:

- ажралмас диалогик бирликнинг нутқий вазиятга мос келиши;
- диалог фақат муносабатгина эмас, балки гапиришга ундовчи (стимул) ва жавоб (реакция) жумлалари (репликалари)ни алмашиш натижаси ҳамдир;
- диалогик бирликдаги қисқартмаларнинг ўз ўрнида қўлланилиши;
- суҳбатнинг мазмунан боғлиқ бўлиши.

***Ўқиш***. Ўқиш ўқувчиларнинг маълумот олишлари учун жуда муҳим нутқ фаолияти тури бўлиб, у ёзма нутқни идрок этиш ва англашдан таркиб топадиган рецептив нутқ фаолияти ҳисобланади. Ўқишда ахборот кўриш сезгиси орқали олинади. Ўқиш ёзма матндан ахборот олишга қаратилган нутқ фаолияти туридир.

Матндаги ахборотни ўзлаштириш овоз чиқармай ўқиш орқали, ахборотни ўзгаларга етказиш эса овоз чиқариб ўқиш йўли билан амалга оширилади. Овоз чиқармай ўқиганда ҳам ичда гапириш (ички нутқ) содир бўлади. Овоз чиқариб ўқиш овоз чиқармасдан ўқишга нисбатан тўлиқ нутқ ҳисобланади. Умумий ўрта таълим мактабини битирувчи ўқувчилар мураккаб бўлмаган ижтимоий-сиёсий, илмий-оммабоп мавзулардаги, шунингдек, бадиий адабиётлардаги матнларни ўқий олишлари керак. Ўқиш учун бериладиган матнлар бир-биридан фарқ қилиб, уларнинг тузилиши ва баён этилиши аста-секин мураккаблашиб боради.

Ўқиш малакалари шаклланган лисоний кўникмалар асосида ривожлантирилади. Ўқиш малакаси шундай фаолиятки, у нутқ бирлигининг кўрув тимсоли, унинг нутқ-ҳаракат тимсоли ва мазмунидан ташкил топади. Учаласини эгаллаб олиш, ўқиш малакасининг ҳосил қилинганлигидан далолат беради. Ўқиш учун берилаётган матнлар маълумот олиш, мулоқот қилиш ҳамда лексик-грамматик материалларни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

***Ёзув.*** Чет тилда ўрганишда ёзув деганда, ўрганилаётган тил воситалари (графемалар ва ёзма шаклдаги лексик ва грамматик бирликларнинг қўлланиши, яъни ёзиш техникаси) ва ёзма шаклда фикр баён этиш тушунилади.

Ёзув грамматик ва имло қоидаларига риоя қилган ҳолда, ёзма фикрни баён этишдир.

Ахборотни ёзма баён этиш, одатда, икки йўл билан амалга оширилади:

- ўз фикрини ёзиш;
- айтиб (ўқиб) турилган ўзга шахс нутқини ёзувда ифодалаш.

Ҳар иккала ҳолатда ҳам ёзма матн(дискурс) яратилади. Ёзиш техникаси деганда, графика (товуш-ҳарф муносабати ва ҳарфнинг маъно билдириш вазифаси), каллиграфия (ҳуснихат), орфография (имло) назарда тутилади.

Графика ўқиш ва ёзиш техникаси тушунчалари билан чамбарчас боғлиқ.

Имло сўз ва гапларни ёзиш ва уларга доир қоидалар йиғиндисидир.

Ҳуснихат тушунчаси таркибига товуш ва товуш бирикмаларини ёзувда тасвирлайдиган ёзув-чизув воситалари мажмуаси (ҳарфлар, ҳарф бирикмалари, ҳарф усти ва ҳарф ости белгилари) киради.

Ҳуснихат ҳарф, ҳарф бирикмаси, сўз асосида, имло эса морфема, сўз гап даражасида, ёзма нутқ эса гап, абзац ва ўзаро боғланган матн(дискурс) материалида ўргатилади. Ёзув малакаси ҳуснихат, имло, тузиш (фикрни ёзма баён этиш мақсадида гапларни бириктириш), ёзувнинг лексик ва грамматик кўникмаларидан ташкил топади.

## ЧЕТ ТИЛ ЎҚИТИШ МАЗМУНИ

Чет тил ўқитиш шароити ва мақсадига кўра маданиятлараро мулоқотдош (коммуникант) ва ахборот соҳиби (когнизант)ни шакллантириш йўлида ўқитиш мазмуни махсус танланади ва у чет тилда коммуникатив компетенцияни эгаллашда асосий таълимий объект ҳисобланади. Ўқитиш мазмунида икки жиҳат кузатилади: нимани ўрганиш ва нима қилишни ўрганиш. Биринчиси, ўқув материали ва иккинчиси, ўқув жараёни сифатида намоён бўлади. Ўқув материали дастурдан ўрин олади. Иккинчиси, кўникма ва малакаларга мансуб коммуникатив компетенцияни ҳосил қилиш жараёни бўлганлиги туфайли дастурда уларга тегишли талаблар санаб ўтилади. Нутқ фаолияти доираси дастурий мавзулар билан белгиланади. Яратилган (гапириш, ёзувда) ва ўзга шахс содир этган (тинглаб тушуниш ва ўқишда) дискурс дастурдан ўрин олган мавзуларга бевосита боғлиқ бўлади.

Чет тил ўқитиш мазмуни ўқитиш мақсадларига бевосита боғлиқ бўлиб, у одатда, мақсад мазмунини белгилайди. Мазмун таълим чоғида ўзлаштириладиган методик тушунча ёки категория бўлса, унинг маҳсули эришиладиган мақсадни акс эттиради. Ўқитиш мазмунига нутқий мавзулар, малака ва кўникмалар ҳамда тил материали киради. Ушбу учта таркибий қисм чет тилни ўрганишда яхлит ўзлаштиришни тақозо қилади.

***Нутқ мавзулари*** ўқитиш мақсадларига асосланиб танланади. Умумий ўрта таълим мактабларида «Ўқувчи ва уни ўраб турган атроф-муҳит», «Ватанимиз» ва «Тили ўрганиладиган мамлакатлар» каби мавзулар асосий нутқ мавзулари ҳисобланади. Ўқиш учун сиёсий, бадиий, илмий, маънавият ва маданият ҳамда спортга оид матнлар танланади.

Танлаб олинган мавзу ва унга оид матнлар ўқувчиларнинг ёши ҳамда қизиқишларига мос келиши керак.

Мазкур дастурда ўқувчилар ёши ва қизиқишларини ҳисобга олган ҳолда мавзулар жадвалларда синфлар бўйича алоҳида берилди. Жадвалда синфлар бўйича тақсимланган асосий мавзулар миқдори дарсликда шу миқдордаги бўлимлар бўлиши керак, деган маънони англатмайди. Асосий мавзулар таркибидаги кичик мавзулар ҳам тил материали ҳажмидан келиб чиққан ҳолда алоҳида бўлим бўлиши мумкин.

**Нутқ малакалари** деганда, чет тилда нутқ фаолияти турлари (тинглаб тушуниш, гапириш, ўқиш ва ёзув)ни эгаллаш даражалари тушунилади. Малака ўқувчиларнинг чет тил ўрганиш даврида олган кўникмаларини амалий фаолиятида собитқадамлик билан мустақил равишда қўллай олиш компетенцияси (лаёқати)дир. Нутқ малакалари тил материалини мулоқот пайтида қўллаш жараёнида ривожланади ва такомиллашади.

Умумий ўрта таълим макатабларида чет тил ўқитишнинг асосий вазифаси бўлмиш нутқий малакаларни сингдириш чоғида уларга мос келадиган лисоний кўникмаларни ҳам ўзлаштиришдан иборатдир. Бундай кўникмалар асосини ушбу дастурда кўрсатилган тил материали ташкил қилади. Тил материали дастурда Давлат таълим стандартига мувофиқ тарзда алоҳида берилди.

**Тил материали**, маълумки, лексик, грамматик ва фонетик ҳодисаларни ўз ичига олади. Ўқув жараёнида лексик, грамматик, талаффуз ҳамда имло бирлиги каби тушунчаларни фарқлаш, дарслик ва қўлланмалар тузишда улардан ўз ўрнида фойдаланиш зарур.

Тил бирлиги лексик, грамматик, талаффуз ва орфография (имло) бирликларини ифодалайди.

Луғат бирлиги – ўзак сўз ва ясама сўздан иборат, лексик бирлик (ўзак сўз, ясама сўз (унинг таркибидаги сўз ёки сўз ясовчи элементлар), сўз ясовчи аффикс, турғун сўз бирикмаси, гап (оғзаки нутқнинг илгарилаши шароитида қисмларга бўлинмай ўргатиладиган тайёр жумлалар)ни ўз ичига олади..

Грамматик бирлик – морфология ва синтаксис ҳодисалар, талаффуз бирлиги – фонетик минимумдаги товуш-фонемадан то жумлалар оҳангигача, имло бирлиги – ҳарф, ҳарф бирикмаси, сўз, сўз ясаш, шакл ва гап ясаш элементлари, сўзнинг ўзгарувчан ҳамда ўзгармайдиган шаклларидан иборатдир.

Умумий ўрта таълим мактабини битирувчи ўқувчилар эгалланадиган 1500 та лексик бирликни нутқда ўзлаштирадилар.

Чет тил грамматикасини ўргатиш, асосан, индуктив (нутқда ўрганилган лисоний ҳодисага қоида-умумлашма) ва қисман дедуктив (ўқиш ва тинглашда учрайдиган грамматик ҳодисаларга оид алгоритмик қоида бериш) услубларида амалга оширилади. Чет тил грамматикасини ўргатиш мазмуни учта методик мезонга кўра (ўқувчининг она тили ва иккинчи тилдан тўпланган грамматик тажрибасини ҳисобга олиб, чет тилнинг ўзидан йиғиладиган тажрибага асосланиб ва грамматик ҳодисалар тақдимоти тартибини назарга олиб) танланади ва уларга махсус машқлар берилади.

## ЧЕТ ТИЛНИ АМАЛИЙ ЎРГАНИШГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР

Ўқувчиларга нутқ фаолияти турлари тинглаб тушуниш, гапириш, ўқиш, ёзувни ва тил материали – лексика, грамматика, талаффузни ўргатиш натижасида уларнинг чет тилда коммуникатив (ахборот алмашиш) компетенцияси шакллантирилади.

Давлат таълим стандартларига асосан, мактабларнинг I-IX синфларида чет тилни ўқитишни шартли равишда икки босқичга бўлинади:

***Биринчи босқич (А1)*** – нутқ фаолиятини таъминлайдиган малакаларнинг асоси чет тилларни ўқитишнинг биринчи босқичи I-IV синфларда шакллантирилади. Биринчи синфда тил ўрганиш турли ўйинлар орқали амалга оширилади. Ўқувчи тилни тинглаб тушуниш (ўқитувчи нутқи, аудио-видео мосламалар орқали такрорлаш) орқали ўрганади.

Таълимнинг А1 даражасида 1-синф ўқувчилари чет (инглиз, француз ва немис) тилларда тинглаб тушуниш ва гапириш (оғзаки нутқ)ни ўрганишади, 2-синфдан бошлаб тинглаб тушуниш, гапириш, ўқиш ва ёзув машқ қилинади. Талаффуз, айниқса, оҳангни ўзлаштириш, урғу қўйиш устида олиб бориладиган машқлар иккинчи босқичда ҳам давом эттирилади.

Биринчи (А1**)** даражанинг ҳар бир синфи охирида ўқувчилар қуйидаги малакаларни эгаллашлари лозим:

### А1/1 (I синф)

#### Тинглаб тушуниш

- қисқа саволларни тушуниш ва жавоб қайтариш;
- содда ва қисқа матнларни тинглаб тушуниш;
- синфда қўлланиладиган ибораларни тушуниш;
- оила аъзолари, атроф-муҳитдаги нарсалар ҳақидаги содда нутқни тушуна олиш;
- ўқитувчининг чет тилдаги кўрсатмаларини бажара олиш;
- мавзуга оид ўйинлардаги сўз ва ибораларни тинглаб тушуниш.

**Гапириш**

- саломлашиш, хайрлашиш, узр сўраш, исми ва ёшини айта олиш;
- 1-20 гача бўлган сонларни айта олиш;
- оила ҳақида гапира олиш;
- таниш мавзулар бўйича содда саволлар бериш ва уларга жавоб бера олиш;
- кундалик ҳаёт билан боғлиқ содда гаплар айта олиш;
- мавзуга оид ўйинларда сўз ва ибораларни нутқда қўллай олиш.

**А1/2 (II синф)**

**Тинглаб тушуниш**

- мавзулар бўйича берилган савол ва маълумотларни тушуна олиш;
- содда матнни тинглаб тушуниш;
- синфда қўлланиладиган ибораларни тушуниш;
- товушларни аудиоматнда фарқлай олиш.

**Гапириш**

- мактаб, ўқув фанлари, ҳафта кунлари ҳақида гапира олиш;
-таниш мавзулар бўйича саволлар бера олиш ва уларга жавоб қайтара олиш;
- қисқа суҳбат (диалог)ларда иштирок этиш.

**Ўқиш**

- ҳарф, ҳарф бирикмалари ва сўзларни тўғри ўқий олиш;
- мавзулар доирасида кичик, содда матн ва дилогларни ўқиб тушуна олиш;
- таниш сўзларни овоз чиқариб ўқиш орқали товушни ёзувдаги ҳарф билан солиштира олиш;
- бир дақиқада 25-30 сўз тезлигида ўқий олиш.

**Ёзув**

- ўрганилган сўзларни алфавит тартибида ёза олиш;
- мавзуларга мос сўзларни ёза олиш;
- оддий гаплар туза олиш;
- мавзулар доирасида содда саволларга жавоб ёза олиш;
- хотирадаги сўзларни тўғри ёза олиш;
- шахсий маълумотларни ёзма ифолалаш.

**А1/2 (III синф)**

**Тинглаб тушуниш**

- мавзулар бўйича берилган савол ва маълумотларни тушуна олиш;
- қисқа маълумотларни текшириб кўриш учун тинглаш;
- тасмага ёзилган (20-30 та сўздан иборат) диалог ёки монологларни тинглаб тушуниш;
- товушларни аудиоматнда фарқлай олиш.

**Гапириш**

- йил фасллари, уй, хонасини тасвирлай олиш;
- таниш мавзулар бўйича микросуҳбат (диалог) ва монологларда иштирок этиш, саволларга жавоб бера олиш, илтимос билан мурожаат қила олиш;

- узр сўраш, кимнидир туғилган куни билан табриклаш каби вазиятларда хушмуомалалик ибораларини қўллай олиш.

### Ўқиш

-таниш ва янги сўзлардаги ҳарф ва ҳарф бирикмаларини тўғри ўқий олиш;

- янги сўзларнинг маъносини англаш учун дарслик луғати, расмли луғатлардан фойдалана олиш;
- берилган матнни ўқиб, мазмунини тушуна олиш.
- сўзларни овоз чиқариб ўқиш орқали товушни ёзувдаги ҳарф билан солиштира олиш;
- бир дақиқада 30-40 та сўз тезлигида ўқий олиш.

### Ёзув

- ўрганилган сўзларни алфавит тартибида ёза олиш;
- луғат-диктант ёза олиш;
- ўрганилган сўзлардан фойдаланиб, чет тилидаги гапларни она тилига таржима қила олиш;
- намуналар асосида оддий гаплар туза олиш;
- хотирадаги сўзларни тўғри ёза олиш;
- намуналар асосида микродиалоглар туза олиш.



## A1/3 (IV синф)

### Тинглаб тушуниш

- мавзулар бўйича берилган савол ва маълумотларни тушуниш;
- муайян маълумотларни текшириб кўриш учун тинглаш;
- чет тилда тасмага ёзилган 80 сўздан иборат диалог ёки монологларни тинглаб тушуниш;
- аудиоматнда товушларни фарқлай олиш;
- синфда қўлланиладиган ибораларни тинглаб тушуниш;
- қисқа матндан керакли маълумотни ажрата олиш;
- содда эълон ва хабарларни тушуниш.

### Гапириш

- яшаш манзилини тасвирлай олиш;
- спорт турлари юзасидан гапира олиш, саволлар сўрай олиш ва жавоб бера олиш, илтимос билан мурожаат қила олиш;
- таниш мавзулар бўйича микросуҳбат (диалог ва монологлар)да иштирок этиш;
- ўқиган ёки тинглаган матнлар юзасидан саволларга жавоб қайтариш ва мазмунини гапириб бериш.

### Ўқиш

- янги сўзларнинг маъносини англаш учун дарслик луғати ва расмли луғатлардан фойдалана олиш;
- матндан керакли маълумотни ажратиб олиш учун ўқий олиш;
- ҳарф, ҳарф бирикмаларини тўғри ўқий олиш;
- таниш контекстда берилган ҳарф, муайян сўзларни англай олиш;
- қисқа ибораларни тушунганлигини намоён этиш;
- қисқа матнни ўқиб, мазмунини тушуна олиш.

- сўзларни овоз чиқариб ўқиш орқали товушнинг ёзувдаги ифодасини билиш;
- реклама, хатларни ўқий олиш;
- бир дақиқада 40-50 та сўз тезлигида ўқий олиш.

### Ёзув

- ўрганилган сўзларни алфавит тартибида ёза олиш;
- оддий гапларни кўчириб ёзиш;
- бош ҳарфлар ва тиниш белгиларини ёзувда тўғри қўллаш;
- ўрганилган грамматик ҳодисаларни қўллаб гаплар туза олиш;
- хотирадаги сўзларни тўғри ёза олиш;
- расмни ёзма тасвирлаб бера олиш.

***Иккинчи босқич (А2)*** V-VI синфларда тинглаб тушуниш, гапириш, ўқишни мақсад мақомида ва ёзувни таълим воситаси мақомида эгаллаш давом эттирилади. Ўқилган ва тингланган матнлар асосида гапириш малакалари ривожлантирилади.

IX синфга келиб ўқувчилар икки турдаги таржима малакаларини эгаллайдилар. Биринчиси, қисқа матнларни чет тилдан она тилига ёзма таржима қилиш. Иккинчиси, чет тилдаги янги лексик бирликнинг маъносини очишда, бошқа усуллар қаторида, таржимадан ҳам фойдаланиш мумкин.

Чет тил ўқитишдаги амалий, таълимий, тарбиявий ва ривожлантирувчи мақсадлар ва нутқ малакаларига қўйиладиган талаблар дарс ва дарсдан ташқари машғулотларда амалга оширилади.

Иккинчи (А2) даражанинг ҳар бир синфи охирида ўқувчилар қуйидаги малакаларни эгаллаган бўлишлари керак:

### А2/1 (V синф)

### Тинглаб тушуниш

- мавзулар бўйича берилган савол ва маълумотларни тушуна олиш;
- матндан керакли маълумотни ажрата олиш;
- маълумотларни текшириб кўриш учун тинглаш;
- тасмага ёзилган (100 тагача сўздан иборат) матнларни тинглаб тушуниш;
- аудиоматндаги товушларни фарқлай олиш ва уларни ёзувда графемалар билан тўғри ифодалай олиш;
- синфда қўлланиладиган ибораларни тинглаб тушуниш;
- актив ва пассив сўзлардан иборат матнни тинглаб тушуниш.

### Гапириш

- оила, мактабни тасвирлай олиш;
- бўш вақти ва қизиқишлари юзасидан фикрларини ифодалай олиш;
- саволларга жавоб қайтариш, саволлар бера олиш ва илтимос билан мурожаат қила олиш;
- таниш мавзулар доирасида қисқа суҳбат (диалог)ларда иштирок этиш;
- ўқиган ёки тинглаган матнлари юзасидан саволларга жавоб бериш;
- саломлашиш, хайрлашиш, узр сўраш ва байрам билан табриклашда хушмуомалалик ибораларини қўллай олиш.

### Ўқиш

- янги сўзларнинг маъносини англаш учун дарсликда бериладиган луғат ёки икки тиллик луғатдан фойдалана олиш;

- замонавий ахборот - коммуникация технологияларидан фойдалана олиш;
- матнни маълумот олиш учун ўқиб тушуниш;
- матндан керакли маълумотни олиш учун ўқиш;
- таниш контекстда берилган янги сўзларни англай олиш;
- қисқа ибораларни ўқиб тушуниш;
- таниш матнни ўқиб, мазмунини айтиб бериш;
- сўзларни овоз чиқариб ўқиш орқали товушни графемаларда ифодалай олиш;
- бир дақиқада 50-60 та сўз тезлигида ўқий олиш.

**Ёзув**

- мавзуга доир диктант ёзиш;
- гап ва микроматнни кўчириш, нуқталар ўрнини мос сўзлар билан тўлдириб кўчириш;
- ўрганилган грамматик ҳодисалар асосида содда гаплар туза олиш;
- хотирадаги сўзларни тўғри ёза олиш;
- намуналар асосида диалоглар туза олиш;
- расмни ёзма тасвирлаб бера олиш;
- қисқа хабар, хат ёза олиш;
- тили ўрганилаётган мамлакатда қабул қилинган нутқий этикет формулаларидан фойдаланиб, ёзма шаклда истаклар билдира олиш.

**A2/1 (VI синф)**

**Тинглаб тушуниш**

- аудиоматндан, муҳим жойларини белгилаб қўя олиш;
- маълумотни аудиоматндан ажратиб олиш учун тинглаш;
- маълумотларни текшириб кўриш учун матнни тинглаш;
- актив ва пассив сўзлардан иборат матндаги хабарларни тинглаб, мазмунини тушуна олиш;
- аудиоматннинг мазмунини тўлиқ тушуниш.

**Гапириш**

- ўқиган ёки тинглаган матнлар юзасидан саволларга жавоб бериш, мазмунини гапириб бериш;
-этикетни ифодаловчи диалог, сўров-диалог (интервью), диалог суҳбатда иштирок этиш;
- қисқа суҳбатларда ўз фикр ва муносабатларини мантиқан тўғри ифода этиш;
- гуруҳларда, жуфтликларда саволлар бера олиш ва ўз фикрини билдира олиш-суҳбатдошига мавзу юзасидан ўз фикрини қисқача гапириб бера олиш.

**Ўқиш**

- янги сўзларнинг маъносини тушуниш учун икки тилли луғат ёки дарслик луғатидан фойдалана олиш;
- қисқа ҳикояларни мустақил ўқий олиш ва берилган топшириқни бажара олиш;
- матнни умумий маълумот олиш учун ўқиш;
- маълумотларни текшириб кўриш учун матнни ўқий олиш;
- босма ёки қўлёзма матнларни ўқиб мазмунини тушуна олиш;
- матндан маълумотни ажратиб олиш учун ўқиш;
- матннинг асосий мазмуни ва тафсилотини англай олиш;

- контекст ёки таянч сўзлардан фойдаланган ҳолда матн мазмунини тушуниш;
- бир дақиқада 60-70 та сўз тезлигида ўқий олиш.

**Ёзув**

- мавзуга доир кичик матнларни ёддан ёза олиш;
- мавзулар доирасида диктант ёза олиш;
- гапда пунктуацион белгиларни қўллай олиш;
- гапларни тўғри кўчириб ёза олиш;
- тугалланмаган гапларни ўрганилган грамматик ҳодисалар ёки мазмунан мос сўзлар билан тўлдириб якунлай олиш;
- ўрганилган грамматик қоида ёки намуналар асосида содда гаплар ёза олиш;
-тили ўрганилаётган мамлакатда қабул қилинган нутқий этикет формулаларидан фойдаланиб, ёзма равишда истаклар билдира олиш;
- сўзнинг тўғри ёзилганлигини текширишда луғатлардан фойдалана олиш;
- ўқиган ёки тинглаган матн асосида муайян вазифани ёзма бажариш;
- мавзулар доирасида диалог туза олиш;
- оддий жадваллар тузиш, ёки тўлдириш;
- матнларнинг қисқача баёнини ёзма шаклда ифодалаш;
- дўстига хат, содда хабарларни ёза олиш;
- намуналар асосида диалоглар туза олиш.

**A2/2 (VII синф)**

**Тинглаб тушуниш**

- қишлоқ ва шаҳар (манзил), соғлик, спорт, кийим-бош ва бўш вақтдан унумли фойдаланиш каби мавзулардаги матнларни тинглаб тушуна олиш;
- ўтган ва келаси замондаги воқеаларни ёритувчи ҳикоялардан парчалар, қисқа тасвирий ҳикояларни тинглаб тушуна олиш;
- айрим нотаниш сўзларни ўз ичига олган матнларни тинглаб тушуна олиш;
- мавзу доирасидаги матндан батафсил маълумот олиш учун тинглаш;
- берилган маълумотларни текшириб кўриш учун тинглаш.

**Гапириш**

-қишлоқ ва шаҳар, соғлик, спорт, кийим-бош ва бўш вақтдан унумли фойдаланиш каби мавзулардаги диалог ва монолог нутқда иштирок эта олиш;
-гуруҳ ва жуфтликларда коммуникатив вазифаларни бажаришда фикр алмашиш;
- мавзулар доирасида баҳс-мунозарага кириша олиш;
- мавзу доирасида воқеа-ҳодисаларни гапириб бера олиш;
- ўтган ва келаси замондаги воқеа-ҳодисаларни гапириб бериш;
- кундалик иш фаолиятга оид мулоқотга кириша олиш ва суҳбатда давомийликни сақлаб тура олиш.

**Ўқиш**

- қишлоқ ва шаҳар, соғлик, спорт, кийим-бош ва бўш вақтдан унумли фойдаланиш каби мавзулардаги матнларни ўқиб тушуна олиш;
- янги сўзлар маъносини очишда луғатдан фойдалана олиш;
- ёзма (график) материалларни ўқиб, мазмунини тушуна олиш;
- мустақил ўқишга мўлжалланган материалларни тушуна олиш;

- ўқилган матн мазмунини қисқача баён этиш;
- матнни умумий маълумот олиш учун ўқиш;
- қизиқарли маълумотни матндан ажратиб олиш учун ўқиш;
- кўнгилочар матнларни ўқиб ахборот олиш;
- бир дақиқада 70-80 та сўз тезлигида ўқий олиш.

**Ёзув**

- қишлоқ ва шаҳар, соғлик, спорт, кийим-бош ва бўш вақтдан унумли фойдаланиш каби мавзулардаги матнлар асосида фикрларни ёзма ифода қилиш;
- тугалланмаган гапларни мазмунан мос сўзлар билан тўлдириш ва уларни якунлаб ёзиш;
- ўқиган ёки тинглаган матнлар асосида муайян бир вазифани ёзма бажара олиш;
- янги контекстда сўз тартибини тўғри қўллай олиш;
- тиниш белгилари ва тил қурилмаларидан тўғри фойдаланган ҳолда фикрни ёзма ифода эта олиш;
-тили ўрганилаётган мамлакат нутқий этикет формулаларидан фойдаланиб истаклар билдира олиш, таклифлар ёза олиш;
- тасвирий характердаги қисқа матнларни ёза олиш;
- матндаги маълумотларни туркумларга ажратиб ёза олиш;
- қисқа ҳисоботлар ёза олиш;
- намуналар асосида диалоглар туза олиш;
- турли мазмундаги хатлар ёза олиш;
- кундалик иш фаолиятида керак бўлган сўзлар орқали қисқа хабарлар ёза олиш.

**А2/2 (VIII синф)**

**Тинглаб тушуниш**

- табиий шароитдаги нутқ хусусиятлари (иккиланиш, гапни бошлашда қўлланиладиган чет тилдаги “хўп, яхши, демак“ кириш сўзлари ва ҳ.к.) иштирок этган диалог ва монологларни тинглаб тушуна олиш;
- байрам ва урф-одатлар, атроф-муҳит муамммолари, оммавий-ахборот воситалари каби мавзулардаги матнларни тинглаб тушуниш;
- матнни тинглаб асосий мазмунини тушуна олиш;
- керакли маълумотни матндан ажратиб олиш учун тинглаш;
- кам миқдордаги нотаниш сўзларни ўз ичига олган матнларни тинглаб тушуна олиш;
-ўтган, ҳозирги ва келаси замондаги воқеалар тасвирланган ҳикоялар мазмунини тинглаб тушуна олиш;
- матннинг асосий ғоясини гапириб бериш учун тинглаб тушуниш.

**Гапириш**

- байрам ва урф-одатлар, атроф-муҳит муамммолари, оммавий-ахборот воситалари каби мавзуларда мулоқотга кириша олиш;
- турли ҳолат, гуруҳ ва жуфтликларда коммуникатив вазифаларни бажаришда фикр алмаша олиш;
- дастурий мавзуларда баҳс-мулоҳаза юрита олиш;

- ўтган ва келаси замонда воқеа-ҳодисаларни гапириб бера олиш;
- мавзулар юзасидан суҳбатда қатнашиш, ўз фикр-мулоҳазаларини тушунтириб бера олиш;
- диалог ва монолог нутқда иштирок эта олиш.

**Ўқиш**

- байрам ва урф-одатлар, атроф-муҳит муамммолари, оммавий-ахборот воситалари каби мавзулардаги матнларни ўқиш;
- тасвирий характердаги ҳикояларни ўқиб тушуниш;
- мустақил ўқишга мўлжалланган материалларни ўқиш;
- мураккаб гап ва янги сўзларни ўз ичига олган таниш мавзудаги матнларни ўқиб тушуниш;
- матннинг асосий ғоясини тушуниш учун ўқиш;
- матндан батафсил маълумот олиш учун ўқиш;
- ахборот коммуникацион технологиялардан (Iphone, Ipad), электрон луғатлардан фойдалана олиш;
- мустақил ўқишга мўлжалланган ҳикояларни ўқиш;
- ўқилган матн мазмунини қисқача баён этиш;
- матнни умумий маълумот олиш учун ўқиш;
- бир дақиқада 80-90 та сўз тезлигида ўқий олиш.

**Ёзув**

- дастурий мавзуларда фикр-мулоҳазаларни ёзма баён этиш;
- ўқиган, тинглаган матнлар ёки кўрган-эшитган воқеалар асосида муайян топшириқни ёзма бажариш;
- ўрганилган тил қурилмаларидан фойдаланган ҳолда фикрни ёзма ифода эта олиш;
- ёзувда ҳозирги, ўтган ва келаси замон воқеа-ҳодисаларини тасвирлай олиш;
- матндаги маълумотларни туркумларга ажратиб ёза олиш;
- қисқа матнларни ёзма таржима қила олиш;
- мавзуни таништириш, ривожлантириш ва унга хулоса қилиш орқали фикрларни ёзма баён этиш;
- тасвирий характердаги матнларни ёза олиш;
- қисқа ахборотлар ёза олиш;
- берилган мавзу юзасидан баён ёза олиш;
- кўчирма ва ўзлаштирма гаплар ёза олиш;
- намуналар асосида диалоглар туза олиш;
- тили ўрганилаётган мамлакатда қабул қилинган нутқий этикет формулаларидан фойдаланиб, истаклар билдира олиш.

**A2/3 (IX синф)**

**Тинглаб тушуниш**

- Ўзбекистон ва тили ўрганилаётган мамлакатларнинг давлат, бошқарув ва таълим тизими, касбга йўналтириш, иқтисодиёт, алоқа тизими-Интернет, электрон почта, телефон (мобил), фэйсбук, скайп, медиатаълим каби мавзулардаги матнни тинглаб тушуниш;
- турли типдаги нутқларни тинглаб тушуна олиш;

- мультимедия, аудио ва видео лавҳаларнинг асосий мазмунини тушуниш;
- матндан батафсил маълумот олиш учун тинглаб тушуниш;
- маълумотларга аниқлик киритиш учун тинглаш;
- нотаниш сўзлар бўлган аудиоматнни тинглаш;
- телефондаги суҳбатни тушуниш ва саволларга жавоб бериш.

**Гапириш**

- оммавий ахборот воситаларида берилган матнлар юзасидан гапира олиш;
- мавзу бўйича баҳсларда, тақдимотларда ижобий ёки танқидий мазмундаги шахсий фикрларни баён этиш.
- Ўзбекистон ва тили ўрганилаётган мамлакатларнинг давлат, бошқарув ва таълим тизими, касбга йўналтириш, иқтисодиёт, алоқа тизими – Интернет, электрон почта, телефон (мобил), фэйсбук, скайп, медиатаълим каби мавзуларда гапира олиш;
- нотаниш шахслар билан мулоқот қила олиш;
- аудио-видео тасма, CD, DVD мультимедия, фонограмма, овозли фильм лавҳалари орқали тинглаган матнларнинг асосий мазмунини ҳикоя қилиб бера олиш.

**Ўқиш**

- нотаниш матнларнинг асосий мазмунини ўқиб тушуна олиш;
- олинган маълумотларга аниқлик киритиш учун матнни ўқий олиш;
- нотаниш мавзудаги матнларни ўқий олиш;
- Интернетда берилган, электрон почта орқали юборилган маълумотларни ўқий олиш;
- оммавий ахборот воситалари, видеотасма, CD, DVD, мультимедия фильм лавҳаларидаги матнни ўқий олиш;
- керакли маълумотларни матндан ажратиб олиш малакасига эга бўлиш;
- бир дақиқада 100-120 та сўз тезлигида ўқий олиш.

**Ёзув**

- Ўзбекистон ва тили ўрганилаётган мамлакатларнинг давлат, бошқарув ва таълим тизими, касбга йўналтириш, иқтисодиёт, алоқа тизими – Интернет, электрон почта, телефон (мобил), фэйсбук, скайп, медиатаълим каби мавзуларда ўз фикрларини ёзма баён эта олиш;
- ўқиган ёки тинглаган матн мазмунини гапириб бериш учун режа ёки тезис ёза олиш;
- тузилган режа ёки тезислар мазмунини ёзма ёритиб бера олиш;
- хат (норасмий), e-mail, SMS, эслатма, хабар, ҳисобот, мақола ва кундаликларни ёзишнинг усул ва шаклларини тўғри қўллай олиш;
- ўтилган ва эркин мавзулар асосида диктант, баён ёза олиш;
- кундалик эҳтиёжга керак сўзлар орқали хабарлар ёза олиш, шахсий хат ёза олиш;
- ўзгалар фикрларидан хулосалар чиқариб, ўз фикрини ёза олиш;
- ёзилган ишни текшириш, йўл қўйилган хатоларни тўғрилаб қайтадан ёза олиш;
- идрок этилган матннинг мазмунини қисқача ёзиш.

**Чет тиллардан ўқувчилар эгаллаш лозим бўлган лексик бирликлар миқдори**

I-IV синфларда ўрганиладиган лексик бирликлар актив (продуктив) ўзлаштириш учун мўлжалланади.V-VI синфларда қўшимча пассив (рецептив) лексика ҳам ўргатила бошланади.VII-IX синфларда ўқиш амалий мақсад мақомини олиши муносабати билан пассив лексикани ўргатишга эътибор кучаяди.

| Синфлар / Лексик бирликлар | I | II | III | IV | V | VI | VII | VIII | IX |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| **актив** | 150 | 150 | 100 | 100 | 100 | 100 | 100 | 100 | 100 |
| **пассив** | - | - | - | - | 100 | 100 | 100 | 100 | 100 |
| **потенциал** | - | - | + | + | + | + | + | + | + |
| **жами** | 150 | 300 | 400 | 500 | 700 | 900 | 1100 | 1300 | 1500 |

## Немис тилидан грамматик минимуми

### 1-синфда грамматик ҳодисалар лексик усулда (қоида бермасдан) ўргатилади.

### 2-синф A1/2

- кишилик олмоши: ich, du, er, sie, es, wir, ihr, sie, Sie.
- ёрдамчи феъллар „haben“,“sein“нинг бирлик ва кўплик формаси;
Ich bin, du bist, er, sie, es ist, wir sind, ihr seid, sie/Sie sind;
ich habe, du hast, er sie es hat, wir haben, ihr habt, sie haben
- ноаниқ артикл “ein”; „eine“ „ein“ ва аниқ артикл „der“, „die“, „das“
der Tisch, ein Tisch
die Schule, eine Schule
das Buch, ein Buch
- эгалик олмоши: mein, dein, sein, ihr, unser, euer, ihr/Ihr
- саноқ сонлар 50-100 гача:
- тартиб сонлар 1-31гача:
- сифатлар: weiß, schwarz, rot, gelb, blau, grün, braun, rosa, lila;
groß, klein, alt, jung, gern,
- wohnen, heißen феълларининг Präsens да тусланиши.
- кучли феълларнинг Präsens да тусланиши.
- ажралувчи олд қўшимчали феълларнинг Präsens да тусланиши.
- предлоглар: auf, in, an......
- “es”шахссиз олмоши: es schneit, es regnet, es ist warm, es ist kalt

### 3-синф A1/2

- отлар ва уларнинг роди;
- 100 дан юқори саноқ сонлар;
- эгалик олмошлари;
- шахссиз олмош „man“, ‘‘es’’нинг ишлатилиши
- жўналиш ва тушум келишикларида предлогларнинг ишлатилиши;
- пайт равишининг турлари: heute, gestern, morgen, übermorgen, jetzt
- модал феълларнинг тусланиши.
-„es gibt“ иборасининг қўлланиши
- ўзлик олмошининг ишлатилиши
- шахссиз олмош„man“нинг ишлатилиши
- предлоглар in, an, auf ларнинг тушум ва жўналиш келишигида ишлатилиши

### 4- синф A1/3

- кучли ва кучсиз фелларнинг Präsensда тусланиши
- гапларда саноқ сонларни ишлатилиши;
- феълларнинг ўтган замон (Präteritum)да ишлатилиши;
- gratulieren zu+Dat, schenken+Dat, einladen zu+D, sich freuen феълларининг ишлатилиши
- сўроқ сўзли ва сўроқ сўзсиз гаплар ва инкор гапларда сўз тартиби (nein, nicht): Haben Sie Milch?; Ja тасдиқ сўзли гаплар.

- модал феълларнинг (Präteritum) да тусланиши
- предлоглар (Genitiv): während, wegen
- отларнинг кўпликда турланиши
- равиш: oft, häufig, früh, spät ларнинг ишлатилиши
- вақт: wie spät ist es? Es ist … Uhr. Um … … …
- ўтимли ва ўтимсиз феъллар: hängen, stellen

**5-синф А2/1**

- Сўз туркумлари: отлар, уларнинг кўпликда ясалиши: умлаутли, умлаутсиз ясалиши;
- Отларнинг суффиксли ва суффикссиз ясалиши;
- Сифат: оддий сифатлар (schön, rot,);
- Ясама сифатлар (festlich; fröhlich)
- Қўшма сифатлар:
(schneeweiß; bluhtarm).
- Олмош: кўрсатиш олмоши: dieser, diese, dieses.
- Кучли ва кучсиз феълларнинг тусланиши;
- Феълларнинг Präsens, Präteritum, Partizip II да тусланиши:
kommen, kam, ist gekommen;
machen, machte, hat gemacht.
- Дарак гапларда сўз тартиби.

**6-синф А2/1**

- Сўз туркумлари: Отларнинг турланиши.
мужской, средний ва женский родлардаги отларнинг турланиши;
- Келишиклар ва улардаги сўроқ сўзлар: Nominativ-Wer? Genitiv-Wessen? Dativ-Wem? Akkusativ-Wen, Was?
- Сифат даражалари: der Positiv, der Komparativ, der Superlativ.
- Олмош: ўзлик олмоши „sich"нинг шахсларда қўлланилиши
- Кўрсатиш олмоши dieser, diese, dieses, diese.
- Ажралмайдиган олд қўшимчали феълларнинг уч хил формада ишлатилиши.
bekommen-bekam-bekommen
- Дарак гапларда тўғри ва тескари сўз тартиблари

**7-синф А2/2**

- Сўз туркумлари: „man, es" шахссиз олмошининг гапларда қўлланилиши
- Сифатларнинг кучсиз турланиши
Der große Garten
Das neue Buch
Die neue Schule
- Сифатларнинг ноаниқ артикл билан турланиши
Ein großer Garten
Ein schönes Haus
Eine neue Schule
- Сонлар : саноқ (200-500) ва тартиб сонлар (1-100)
- Боғланган қўшма гапларда сўз тартиби: deshalb, darum, deswegen, dann: Ich habe heute keine Zeit, deshalb kann ich nicht ins Kino gehen.

- Инкор nicht сўзининг гаплардаги ўрни: Er fand das Buch nicht. Ich habe den Brief nicht bekommen.

**8- синф A2/2**

- Кўрсатиш олмошлари: jener, jene, jenes, jene;
- Буйруқ гапда сўз тартиби;
- Женский роддаги отларнинг турланиши:

Nom. die Frau
Gen. der Frau
Dat. der Frau
Akk. die Frau

- Сифатларнинг кучли турланиши:

alter Mann, neue Schule, interessantes Buch

- Эргашган қўшма гапларда сўз тартиби: "weil", "dass" ва б.

Ich spiele Computer nicht, weil ich keinen Computer zu Hause habe.

- Бириктирувчи боғловчи сўзларнинг ишлатилиши: aber, allein, also, auch, außerdem, dabei, doch, nicht nur... sondern auch, darum

**9-синф A2/3**

- Futur I ва Futur II замонининг ясалиши ва қўлланилиши: Wir werden nach Deutschland fahren. Ich werde nach Deutschland fahren, wenn ich meine Prüfungen abgelegt haben werde.
- Plusquamperfekt ясалиши ва қўлланиши:

| | |
|---|---|
| ich hatte | wir hatten |
| du hattest | ihr hattet |
| er, sie, es hatte | sie hatten |
| | Sie hatten |
| ich war | wir waren |
| du warst | ihr wart |
| er, sie, es war | sie waren |
| | Sie waren |

- Кўчирма ва ўзлаштирма гапларда сўз тартиби;
- Феълнинг пассив формаси.

**Немис тилидан талаффуз минимуми**
**2-синф A1/2**

**Изоҳ:** фонетика асосий дарс жараёнида интеграллашган ҳолда амалга оширилиши шарт.

- алифбонинг тўғри талаффузи;
- алифбодаги ҳарфлар ёрдамида сўзларни тўғри талаффуз қилиш;
- унли ва ундош товушларни тўғри талаффуз қилиш;
- унли товушларнинг қисқа ва чўзиқ талаффуз қилиниши;
- дифтонгларнинг талаффузи;
- немис тилидаги умлаутли унли товушларнинг талаффузи;
- оддий сўзларда урғу;
- дарак, сўроқ гапларда оҳанг

**3-синф A1/2**

- унли ва ундош товушларни нутқ жараёнида фарқлаш ва уларни тўғри талаффуз қилиш;
- ажраладиган ва ажралмайдиган олд қўшимчали сўзларда урғу;
- сўз охирида жарангли ундошларнинг жарангсиз ўқилиши;
- Ich-Laut, Ach-Laut ларнинг тўғри талаффузи;
- сўроқ сўзли ва сўроқ сўзсиз гапларда оҳанг;
- аффрикатларнинг талаффузи;
- ритмик группаларда оҳанг.

**4-синф A1/3**

- умлаутли унли товушларнинг талаффузи.
- дифтонглар (ei, eu, au)нинг тўғри талаффузи ва уларнинг фарқланиши
- қўшма сўзлардаги урғуларнинг ўрни ва уларнинг талаффузи: **Klassenzimmer, Bundesländer, Umweltschutz**
- саноқ сўзларда урғунинг ўрни ва уларнинг талаффузи: **dreizehn, einundzwanzig, vierundvierzig**
- тартиб сонларнинг тўғри ўқитилиши ва уларда урғунинг ўрни: **der zweite September, der erste Oktobr**
- сифатлар: **-lich, -ig**. суффиксли сўзларнинг талаффузи: r**ichitg, fleißig, festlich**
- модал феълларда урғунинг ўрни ва тўғри талаффузи;
- ясама сўзларда урғуларнинг ўрни: **bekommen, aufstehen, Umwelt, Ausgang**
- қўшма отлардаги урғу ва уларнинг тўғри талаффузи;
- сўз бирикмаларнинг тўғри талаффузи;
- буйруқ гаплардаги оҳанг (terminal).

**5-синф A2/1**

- транскрипцион белгилар;
- очиқ ва ёпиқ унлиларнинг тўғри талаффузи;
- сўз ва бўғин охирида келган жарангли ундошларнинг жарангсиз талаффуз қилиниши;
- сўз ва морфема бошида келган унлиларни кнаклаут билан талаффуз қилиш;
- урғулар тури ва қоидаси (бош ва ёрдамчи урғулар);
- **p t k**-ундошларини кучли нафас чиқариш йўли билан талаффуз қилиш;
- шеърларда оҳанг.

**6-синф A2/1**

- унли ҳарфлар бирикмасидан хосил бўлган дифтонг товушларининг тўғри талаффузи;
- ундош ҳарфлар бирикмасидан ҳосил бўлган аффрикат товушларининг тўғри талаффузи;
- матнда учрайдиган **ch** ҳарф бирикмаларидан ҳосил бўладиган **Ichlaut, Achlaut, Hauchlaut**ларнинг тўғри талаффузи;
- турли хил сўзлардаги (оддий, ясама) урғунинг ўрни ва уларнинг тўғри талаффузи;

- гапларда гап урғусининг ўрни ва тўғри талаффуз қилиниши;
- акцент группаларининг тўғри талаффузи;
- тез айтишларда урғу ва оҳанг;
- сўзлардаги мурмуллаут.

### 7- синф A2/2

- қўш ундошли сўзларнинг талаффузи: **kommen, nennen, die Egge**
- синтагма ва қўшма гапларда пауза;
- мақолларда ҳамда сўз бирикмаларида гап урғуси ва оҳанг;
- тез айтишлар ва уларда оҳанг: Sieben Schneeschipper schippen sieben Schippen Schnee.
- **“ш”** ва **“ж”** товушларининг талаффузи;
- қўшма гапларда оҳанг
- мақолларда  оҳанг: Übung macht den Meister



### 8- синф A2/2

- ундош товуш бирикмалари ва турли ундош ҳарф бирикмаларининг сўз ва фразаларда талаффузи;
- сонор товушларининг тўғри талаффузи: **m, n, l: Mund, Nase, Lampe.**
- содда ёйиқ ва қўшма гапларда оҳанг;
- гапдаги синтагмаларнинг оҳанги;
- таклиф ва миннатдорчиликни ифодалайдиган ундов гапларда оҳанг: Wollen Sie, bitte, Tee trinken! Machen wir eine Reise!

### 9- синф A2/3

- ундош товушларнинг палатализацияси: das Kind, die Kuh, der Frühling, die Übung
- кичик тил, тил олди ва тил учи товушларининг „r“ талаффузи:
- кўчирма ва ўзлаштирма гапларда оҳанг
- қўш сўроқ сўзли гапларда оҳанг: Gehst du ins Kino oder bleibst du zu Hause.

Талаффуз минимуми дарслик ва ўқув қўлланмаларини яратиш чоғида лексик ва грамматик материалларнинг танланиши ва тақсимоти билан боғлиқ ҳолда синфлар бўйича машқларда ўзлаштиришга мўлжалланади.

## Умумий ўрта таълим мактабларида немис тилидан ҳар бир синфда ўрганиладиган мавзулар тақсимоти

| 1-синф (A1/1) 66 соат | | |
|---|---|---|
| **Т/р** | **Мавзулар ва кичик мавзулар** | **Соат** |
| **1.** | **Танишув**<br>- саломлашиш маданияти ва турлари (катталарга, тенгдошларига);<br>- хайрлашиш;<br>- ҳол-аҳвол ва узр сўраш;<br>- ўзини таништириш, норасмий ёки расмий жавоб;<br>- ёши ва она шаҳри. | **4** |
| **2.** | **Синфда**<br>- синф хонаси жиҳозларининг номлари;<br>- синфда ишлатиладиган иборалар;<br>- рақамлар. | **4** |
| **3.** | **Оила**<br>- оила аъзолари таркиби;<br>- оила аъзоларининг исмлари;<br>- ота ва она ҳақида. | **4** |
| **4.** | **Менинг дўстим**<br>- дўстининг исми, ёши;<br>- миллати;<br>- яшаш жойи. | **4** |
| | **Такрорлаш** | **2** |
| | | **18** |
| **5.** | **Ранглар**<br>- рангларнинг номлари;<br>- хонадаги жиҳозларнинг ранглари;<br>- шакллар ҳақида. | **2** |
| **6.** | **Ўйинчоқлар**<br>- ўйинчоқлар номлари ва уларнинг ранги;<br>- ўзининг ўйинчоқларини таништириш. | **2** |
| **7.** | **Тана аъзолари**<br>- тана аъзоларининг номи;<br>- тана аъзолари. | **4** |
| **8.** | **Фасллар**<br>- фасллар номлари;<br>- ранглар;<br>- фасллар об-ҳавоси. | **4** |
| | **Такрорлаш** | **2** |
| | | **14** |
| **9.** | **Атрофимиздаги олам**<br>- табиат ҳодисалари;<br>- фаолиятлар. | **4** |
| **10.** | **Ҳайвонлар**<br>- уй ҳайвонларининг номлари;<br>- ёввойи ҳайвонлар номлари;<br>- ёқтирган ҳайвонлари. | **8** |

| | | |
|---|---|---|
| 11. | **Сабзавотлар**<br>- сабзавотлар номлари;<br>- уларнинг ранглари ва сонлари. | **4** |
| | **Такрорлаш** | **2** |
| | | **18** |
| 12. | **Мевалар**<br>- мева номлари;<br>- уларнинг ранглари ва сонлари. | **4** |
| 13. | **Мен нима қила оламан**<br>- ўқитувчининг кўрсатмаларини тушуниш ва уларни бажариш;<br>- дарсда нима қила олишини айта билиш;<br>- рақамлар. | **4** |
| 14 | **Эртак қахрамонлари**<br>- ўзи ёқтирган эртак номини айтиш;<br>- ўзи ёқтирган эртак қахрамони номини айтиш;<br>- ўзи ёқтирган эртак қахрамонининг баъзи белгиларини айтиш. | **4** |
| | **Такрорлаш** | **4** |
| | | **16** |
| | **Жами** | **66** |

| 2- синф (A1/2) 68 соат | | |
|---|---|---|
| **Т/р** | **Мавзулар ва кичик мавзулар** | **Соат** |
| **1.** | **Ўзим ҳақимда**<br>- 1-синфда ўрганилган материалларни такрорлаш;<br>- ўзи ва дўсти ҳақида;<br>- немис алифбоси. | **4** |
| **2.** | **Ҳафта кунлари**<br>- 1-синфда ўрганилган материалларни такрорлаш;<br>- ҳафта кунлари;<br>- раќамлар;<br>- немис алифбоси. | **4** |
| **3.** | **Менинг бўш вақтим**<br>- ўз қизиқишлари;<br>- таътилда;<br>- немис алифбоси. | **4** |
| **4.** | **Менинг қизиқишларим**<br>- ўз қизиқишлари;<br>- баъзи мусиқа асбобларининг номлари;<br>- баъзи спорт турларининг номлари;<br>- немис алифбоси. | **4** |
| | **Такрорлаш** | **2** |
| | | **18** |
| | **Такрорлаш** | **2** |
| | | **18** |

| | | |
|---|---|---|
| 5. | **Дам олиш куним**<br>- ҳайвонот боғида;<br>- циркда;<br>- кино ва театрда;<br>- хиёбонда. | 4 |
| 6. | **Ўқув қуроллари**<br>- ўқув қуроллари номи;<br>- ўқув қуролларининг сони, ранги, шакли. | 4 |
| 7. | **Вақт**<br>- кўрсатилган расмларда вақт;<br>- соат неча бўлди? | 4 |
| | **Такрорлаш** | 2 |
| | | 14 |
| 8. | **Менинг мактабим**<br>- ўзи ўқиётган мактабнинг катта ёки кичиклиги;<br>- ўзи ўқиётган мактаб тасвири. | 4 |
| 9. | **Ўқув фанлари**<br>- ўқув фанларининг номлари;<br>- мен ёқтирган фан;<br>- дарс жадвали. | 4 |
| 10. | **Ойлар**<br>- биз санаймиз (1-31 гача тартиб сонлар);<br>- 50 гача саноқ сонлар;<br>- сонлар ва сана;<br>- ойлар, ҳафта кунлари. | 4 |
| 11. | **Байрамлар**<br>- туғилган кун;<br>- оналар байрами;<br>- расмда кўрсатилган байрам кўринишлари. | 4 |
| | **Такрорлаш** | 4 |
| | | 20 |
| 12. | **Менинг кун тартибим**<br>- вақт;<br>- кун тартиби. | 4 |
| 13. | **Кийимлар**<br>- кийимларнинг номлари;<br>- кийим ранглари;<br>- ёқтирган кийимлар. | 4 |
| 14. | **Эртаклар оламида**<br>- миллий эртаклар;<br>- дунё эртаклари;<br>- эртак қаҳрамонлари. | 4 |
| | **Такрорлаш** | 4 |
| | | 16 |
| | **Жами** | 68 |

| 3- синф (A1/2) 68 соат | | |
|---|---|---|
| **Т/р** | **Мавзулар ва кичик мавзулар** | **Соат** |
| **1.** | **Менинг қариндошларим *(ёши, ташқи кўриниши ва касби)***<br>- қариндошлар номлари, уларнинг сони;<br>- қариндошлар ҳақида (исми, ёши, қариндошлик муносабати, яшаш жойи). | **8** |
| **2.** | **Менинг уйим**<br>- хона номлари;<br>- хоналар сони;<br>- хона жиҳозлари;<br>- менинг хонам. | **8** |
| | **Такрорлаш** | **2** |
| | | **18** |
| **3.** | **Йил фасллари, ойлар, об-ҳаво**<br>- йил фасллари номлари, ойларнинг номлари;<br>- табиат ҳодисалари;<br>- ёқтирган фасли ҳақида. | **4** |
| **4.** | **Ҳайвонлар, қушлар**<br>- қушларнинг номи;<br>- ҳашоратлар номлари;<br>- қушлар ва ҳашаротларга нисбатан муносабат;<br>- қуш ёки ҳашоратни тасвирлаш. | **8** |
| | **Такрорлаш** | **2** |
| | | **14** |
| **5.** | **Қизиқишларим олами**<br>- АКТ, мусиқа, спорт ва бошқа соҳаларга оид сўзлар;<br>- мен ёқтирган спорт тури;<br>- мусиқа тинглаш ва китоб ўқиш. | **4** |
| **6.** | **Телефонда суҳбат**<br>- телефонда суҳбат;<br>- телефонда гаплашиш одобига оид сўзлар. | **4** |
| **7.** | **Ўсимликлар**<br>- ўсимликлар номлари;<br>- ўзи ёқтирган ўсимликлар;<br>- ўсимликлар ранги. | **4** |
| **8.** | **Соғлиқ ва гигиена**<br>- тана аъзоларининг номлари;<br>- гигиена воситалари. | **4** |
| | **Такрорлаш** | **4** |
| | | **20** |
| **9.** | **Транспорт**<br>- транспорт воситалари номлари;<br>- транспорт воситаларини тасвирлаш;<br>- транспорт билан саёҳат;<br>- мактабга транспортда бориш. | **4** |
| **10.** | **Атрофимиздаги олам**<br>- ўз шаҳри, қишлоғи ҳақида;<br>- ўз маҳалласи, кўчаси ҳақида. | **4** |

| | | |
|---|---|---|
| 11. | **Эртаклар оламида**<br>- миллий ва дунё эртаклари;<br>- эртак ва мультфильм қаҳрамонлари;<br>- қаҳрамонларга муносабат. | 4 |
| | **Такрорлаш** | **4** |
| | | **16** |
| | **Жами** | **68** |

| **4- синф (А1/3) 68 соат** | | |
|---|---|---|
| **Т/р** | **Мавзулар ва кичик мавзулар** | **Соат** |
| **1.** | **Биз немис тилини ўрганамиз** | **4** |
| **2.** | **Менинг куним**<br>- ўзининг кун тартиби;<br>- ҳафта кунлари;<br>- бўш вақт. | **4** |
| **3.** | **Уй юмушлари**<br>- уй юмуши турлари;<br>- менинг уйдаги вазифаларим. | **4** |
| **4.** | **Касблар**<br>- касблар номи;<br>- ота-онаси касби;<br>- ўзи орзу қилган касб. | **4** |
| | **Такрорлаш** | **2** |
| | | **18** |
| **5.** | **Ўзбекистон *(умумий маълумотлар)***<br>- Ўзбекистоннинг жуғрофий жойлашиши, пойтахти;<br>- ўзи яшаётган мамлакат харитаси;<br>- табиат ва иқлими;<br>- вилоят, дарё, кўллар номлари. | **4** |
| **6.** | **Меҳмонда**<br>- меҳмонга бориш этикети;<br>- дастурхон безаш;<br>- овқатланиш маданияти;<br>- дастурхон атрофида ўзини тутиш;<br>- миннатдорчилик билдириш;<br>- хайрлашиш. | **4** |
| **7.** | **Ўзбекистонда ва тили ўрганилаётган мамлакатда байрамлар**<br>- байрамлар;<br>- ўзи ёқтирган байрам;<br>- байрамлар ҳақида шеър, ашула ва кичик саҳна кўринишлари. | **4** |
| | **Такрорлаш** | **2** |
| | | **14** |
| **8.** | **Дўкон ва бозорда**<br>- дўкон ва унинг турлари;<br>- сотувчи билан мулоқот;<br>- харид қилмоқчи бўлган маҳсулот, озиқ-овқат;<br>- сонлар;<br>- миқдор бирликлари. | **8** |

| | | |
|---|---|---|
| **9.** | **Спорт**<br>- умумий ва миллий спорт турлари;<br>- спортга нисбатан бўлган қизиқиш;<br>- мактабда ўтказиладиган спорт мусобақалари;<br>- менинг севган спортим. | **4** |
| **10.** | **Шифокор ҳузурида**<br>- соғлиги ҳақида шифокорга мурожаат;<br>- шифокор маслаҳати;<br>- дорихона. | **4** |
| | **Такрорлаш** | **4** |
| | | **20** |
| **11.** | **Саёҳат**<br>- шаҳарга саёҳат;<br>- табиат қўйнига саёҳат;<br>- диққатга сазовор жойлар;<br>- музейлар. | **4** |
| **12.** | **Тили ўрганилаётган мамлакат *(умумий маълумотлар*)**<br>- тили ўрганилаётган давлатнинг жуғрофий жойлашиши, пойтахти;<br>- тили ўрганилаётган мамлакат харитаси;<br>- табиат ва иқлими;<br>- дарё, океан, кўл номлари. | **4** |
| **13.** | **Эртаклар оламида**<br>- миллий ва дунё эртаклари;<br>- эртак ва мультфильм қаҳрамонлари;<br>- қаҳрамонларга муносабат. | **4** |
| | **Такрорлаш** | **4** |
| | | **16** |
| | **Жами** | **68** |

| **5 – синф (A2/1) 102 соат** | | |
|---|---|---|
| **Т/р** | **Мавзулар ва кичик мавзулар** | **Соат** |
| **1.** | **Ўзи ҳақида**<br>Бошланғич таълимда олинган билимлар: саломлашув, танишув, адрес, она шаҳри, ўзи ҳамда ўртоғи ҳақида қисқача маълумот (масалан: яшаш жойи, кимлиги ва бошқалар)ни такрорлаш. | **6** |
| **2.** | **Оила**<br>- ўзи ёки дўстининг оила аъзолари;<br>- ташқи кўриниши;<br>- яшаш жойлари, манзили, касби, ишхонаси. | **12** |
| **3.** | **Мактаб**<br>- синфда қўлланиладиган иборалар;<br>- кўрсатмалар бериш ва бажариш;<br>-ўқув фанлари; уларни ёқтириш ёки ёқтирмаслик;<br>- ўзи ёки дўстининг дарс жадвали, ўқиш кунлари;<br>- синф хонаси, унинг жиҳозлари ва ўқув қуроллари, уларнинг ҳажмлари ва ранги;<br>- мактаб биноси, унинг қисмлари, ҳовлиси ва кутубхонаси. | **20** |
| **4.** | **Кундалик фаолият** | **6** |

| | | |
|---|---|---|
| 5. | **Мен ёқтирган нарсалар**<br>**-** ўзи (дўсти ёки оила аъзолари)нинг ёқтирган, ёқтирмаган нарсалари; севимли машғулот;<br>- у(лар)ни қизиқтирган нарсалар. | 7 |
| 6. | **Ҳайвонлар дунёси**<br>- уй ва севимли ҳайвонлар, уларнинг кўриниши ва ранглари, ҳайвонларга нисбатан бўлган муносабат;<br>- ёввойи ҳайвонлар, уларнинг яшаш жойлари. | 14 |
| 7. | **Йил фасллари**<br>- фасллар.<br>- ойлар, ойларнинг бир-биридан фарқи, тартиби, кунлар.<br>- об-ҳаво, унинг фаслларда ўзгариши, об-ҳавога бўлган муносабат. | 14 |
| 8. | **Байрамлар**<br>Байрамларни нишонлашда қилинадиган ишлар. | 7 |
| | **Мустақил иш** | 4 |
| | **Такрорлаш** | 4 |
| | **Назорат иши** | 8 |

| **6- синф (A2/1) 102 соат** | | |
|---|---|---|
| **Т/р** | **Мавзулар ва кичик мавзулар** | **Соат** |
| 1. | **Оила**<br>- ўзи (ёки дўсти)нинг оиласи;<br>- ўзи (ёки дўсти)нинг қариндошлари;<br>- ўз оила аъзолари (ёки дўсти)нинг иши, иш жойлари, касблари. | 7 |
| 2. | **Уй:**<br>- ўз уйи ва унинг хоналари, хонанинг жойлашган ўрни;<br>- уй жиҳозлари, ранги, шакли, материали, сони;<br>- уй рўзғор ишлари, уй юмушларини бажаришда онага бериладиган ёрдам. | 7 |
| 3. | **Озиқ-овқатлар**<br>- озиқ-овқат магазинида;<br>- бозорда;<br>- харид, уларнинг оғирлиги, нархлари ва миқдори. | 16 |
| 4. | **Туғилган кун**<br>- ўзи (ёки дўсти)нинг туғилган куни;<br>- таржимаи хол. | 7 |
| 5. | **Менинг кечаги иш куним** | 7 |
| 6. | **Таом**<br>- таом тайёрлаш; Ўзбекистон ва Германиядаги таомлардан бирини тайёрлаш усули; идишлар;<br>- дастурхон атрофида; дастурхон атрофи одоби; нонушта, тушлик, кечки овқатланиш ва таом турлари. | 14 |

| | | |
|---|---|---|
| **7.** | **Ўзбекистон ва тили ўрганилаётган мамлакатлар географияси**<br>- географик жойлашиши; чегарадош мамлакатлар;<br>- дарё, кўл, денгиз, ва тоғлари;<br>- ер майдони ва аҳолиси;<br>- табиат ва иқлими. | **22** |
| **5.** | **Эртаклар олами** | **6** |
| | **Мустақил иш** | **4** |
| | **Такрорлаш** | **4** |
| | **Назорат иши** | **8** |



**7- синф (А2/2) 102 соат**

| Т/р | Мавзуларва кичик мавзулар | Соат |
|---|---|---|
| 1 | **Қишлоқ ва шаҳарлар**<br>- ўзи яшаётган қишлоқ ёки шаҳар, у ердаги диққатга сазовор жойлар;<br>- манзилга қандай боришни сўраш ёки кўрсатмалар бериш. | 8 |
| 2 | **Соғлиқ**<br>- инсоннинг тана аъзолари;<br>- шифокор ҳузурида. | 10 |
| 3 | **Спорт**<br>- умумий ва миллий спорт турлари;<br>- спорт мусобақалари;<br>- олимпиада ўйинлари, ғолиб спортчилар ва командалар. | 18 |
| 4 | **Кийимлар**<br>- ўзбекистон ва тили ўрганилаётган мамлакатларга хос бўлган турли уст-бош, оёқ кийимлар, уларнинг ранглари, ўлчамлари ҳамда материали;<br>- харид ва харидорлар ҳуқуқи. | 16 |
| 5 | **Бўш вақт ва севимли машғулот (хобби)** | 8 |
| 6 | **Ўзбекистон ва тили ўрганилаётган мамлакатларнинг маъмурий бўлиниши**<br>- вилоятлар, туманлар, худудлар. | 8 |
| 8 | **Таътиллар. Саёҳат**<br>- таътил, таътил режалари;<br>- машҳур жойларга саёҳат. | 16 |
| | **Мустақил иш** | **4** |
| | **Такрорлаш** | **4** |
| | **Назорат иши** | **8** |

| 8- синф (А2/2) 102 соат | | |
|---|---|---|
| **Т/р** | **Мавзулар ва кичик мавзулар** | **Соат** |
| **1** | **Байрамлар ва анъаналар** | **10** |
| **2** | **Оммавий ахборот воситалари**<br>- матбуот (газета ва журналлар);<br>- телевидение ва радио. | **18** |
| **3** | **Маданият. Санъат**<br>- мусиқа, адабиёт, кино, театр, пьеса, санъат галлерияси, рассомчилик, ҳайкалтарошлик;<br>- Ўзбекистон ва тили ўрганилаётган мамлакатларнинг машҳур кишилари | **48** |
| **4** | **Атроф муҳит муаммолари**<br>- уларнинг келиб чиқиш сабаблари, уларнинг олдини олиш чоралари. | **10** |
| | **Мустақил иш** | **4** |
| | **Такрорлаш** | **4** |
| | **Назорат иши** | **8** |

| 9- синф (А2/3) 102 соат | | |
|---|---|---|
| **Т/р** | **Мавзуларва кичик мавзулар** | **Соат** |
| **1** | **Алоқа тизими**<br>- хатлар;<br>- алоқа бўлимида;<br>- телефонда;<br>- интернет, электрон почта. | **8** |
| **2** | **Мен ёқтирган касб** | **8** |
| **3** | **Ўзбекистон ва тили ўрганилаётган мамлакатлар таълим тизими** | **18** |
| **4** | **Ўзбекистонва тили ўрганилаётган мамлакатлар давлат тизими**<br>- давлат тизими, уларнинг байроғи, герби, конституцияси;<br>- бошқарув идоралари. | **18** |
| **5** | **Иқтисодиёт**<br>- саноат, саноат маҳсулотлари;<br>- савдо, реклама, маркетинг. | **16** |
| **6** | **Маиший хизмат**<br>(сартарошхона, пойабзал тузатиш, кийим тикиш ва бошқалар). | **8** |
| **7** | **Глобаллашув ва Ўзбекистон** | **8** |
| | **Мустақил иш** | **4** |
| | **Такрорлаш** | **4** |
| | **Назорат иши** | **10** |

* Ўқув дастурида берилган мавзулар ва кичик мавзулар шунингдек, синфлар кесимидаги грамматик, фонетик ва бошқа йўналишдаги материаллар дарслик мажмуаларини яратишда муаллифлар томонидан маълум даражада ижодий ёндашган ҳолда ўзгартиришлар киритилиши мумкин.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
## ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ
## РЕСПУБЛИКА ТАЪЛИМ МАРКАЗИ

# УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИ УЧУН ФРАНЦУЗ ТИЛИ ФАНИДАН ЎҚУВ ДАСТУРИ

**(I-IX синфлар)**

**ТОШКЕНТ – 2013**

**Тузувчилар:** Жалолов Ж.Ж., (гуруҳ раҳбари), Низомий номидаги ТДПУ инглиз тили назарияси ва ўқитиш методикаси кафедрасининг профессори; Носиров А.А., Халқ таълими вазирлиги бошқарма бошлиғи; Матниёзова И.М., Республика Таълим маркази Хорижий тиллар бўлими бошлиғи; Рахмонов С.И., Бухоро вилояти Ғиждувон туманидаги 62-сонли ихтисослаштирилган мактаб директори; Дадаходжаева М.С., ЎзДЖТУ немис тили факультети доценти, педагогика фанлари номзоди, немис тили ўқитувчилари ассоциация раиси; Ирисқулов М.Т., ЎзДЖТУ қошидаги Республика тил ўқитиш маркази раҳбари; Жўраев Л., "Ўқитувчи" нашриёти муҳаррири; Мақсудова О.Н., Республика таълим маркази Хорижий тиллар бўлими инглиз тили бош методисти; Хан С., UZTEA British Council тренери.

## МУҚАДДИМА

Ўзбекистон Республикасида демократик принциплар устувор бўлган янги жамият қуриш, бозор муносабатларига асосланган кучли иқтисодиётга эга давлат барпо этишга йўналтирилган босқичма-босқич амалга оширилаётган ислоҳотлар доирасида таълим ва тарбия соҳасига жиддий эътибор қаратилмоқда. Ҳаётга чуқур татбиқ этилаётган ҳамда дунёда “Ўзбек модели” деб эътироф этилган тараққиёт йўлимизнинг ажралмас таркибий қисми саналган “Таълим тўғрисида”ги Қонун ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” бугунги кунда ижтимоий-иқтисодий, маданий соҳалардаги ривожланишни таъминлаётган асосий омиллардан бири сифатида яққол намоён бўлмоқда. Мазкур ҳужжатларда, биринчи навбатда, инсон манфаатлари устуворлиги, унинг замон талабларига мос ҳолда ортиб бораётган эҳтиёж ва қизиқишлари, имкониятларини тўлиқ юзага чиқариш ҳамда амалга ошириш учун барча шарт-шароитларни яратиш белгилаб қўйилган.

Мамлакатимизда инсон капиталига йўналтирилаётган инвестицияларнинг йилдан-йилга ўсиб бориши, ахборот коммуникация технологиялари жадаллик билан ривожланаётган, глобаллашув, дунё бозорида рақобат тобора кучайиб бораётган бир даврда, демократик тараққиёт, модернизация ва янгиланиш борасида белгиланган мақсадларга эришишда энг муҳим қадрият ва ҳал қилувчи куч бўлган билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш муҳим омил бўлмоқда.

Таълим тизимида ўқувчиларнинг нафақат кенг билим ва профессионал малакаларни эгаллаши, замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда ўқитишнинг илғор услубларини жорий этиш йўли билан ўсиб келаётган ёш авлодга чет тилларни ўқитиш, шу тилларда эркин мулоқот қила оладиган мутахассисларни тайёрлаш ҳамда бунинг негизида, уларнинг жаҳон цивилизацияси ютуқларидан кенг кўламда фойдаланишлари, улкан интеллектуал бойликни эгаллашларига катта имкониятлар яратилади.

Мамлакатимизнинг дунё ҳамжамиятига интеграциялашуви, фан техника ва технологиянинг ривожланиши ёш авлоднинг кўп маданиятли дунёда рақобатбардош бўлиши бир неча чет тилларни мукаммал эгаллашни тақозо этади, бу эса Ўзбекистон Республикаси таълим тизимига чет тилларни ўргатиш бўйича халқаро стандартларни жорий этиш орқали таъминланади.

Европа Кенгашининг “Чет тилни эгаллашнинг умумевропа компетенциялари: ўрганиш, ўқитиш, баҳолаш” тўғрисидаги ҳужжати (CEFR) умумэътироф этилган халқаро меъёрлардан биридир. Ушбу ҳужжатнинг айрим ҳолатларини назарда тутган ҳолда Ўзбекистон Республикасининг узлуксиз таълим тизимида чет тилларни ўрганиш бўйича янги Давлат таълим стандартлари ва ўқув дастури ишлаб чиқилди.

## УҚТИРИШ ХАТИ

Узлуксиз таълим тизимида тилларни ўргатиш-ўрганишга алоҳида эътибор берилади. Замонавий бозор иқтисодиёти ва ахборот технологиялари тараққиёти шароитида чет тил ўрганишга эҳтиёж кучайди. Маданиятлараро мулоқот воситаси сифатида чет тил ўрганиш давр талабига айланди. 2012 йил 10 декабрда Ўзбекистон Республикаси Президенти қабул қилган “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори бу соҳанинг истиқболини белгиловчи давлат ҳужжатидир. Қарорга кўра, чет тилни барча умумий ўрта таълим мактабининг 1-синфидан бошлаб оммавий тарзда ўрганиш жорий этилди.

Чет тилда нутқий фаолият юритиш ўқувчи шахсини шакллантиришга йўналтирилади, яъни ўрганилаётган тил соҳиби яратган маданий меросни ўзлаштиришга эришилади. Тинглаб тушуниш, гапириш, ўқиш, ёзув жараёнида ўқувчи олдин эгаллаган ижтимоий, маданий, лисоний, эмоционал тажрибасини бойитади. Мулоқотдош (коммуникант)ларнинг бир-бирини тушунишлари чет тил билишнинг асосий мезони ҳисобланади.

Таълим тизимидаги бошқа фанлардан чет тилнинг фарқи бир пайтнинг ўзида, унинг ҳам таълим мақсади, ҳам таълим воситаси эканлигида намоён бўлади. Чет тилда нутқий малакалар (тинглаб тушуниш, гапириш, ўқиш, ёзув)ни эгаллаш таълимдан кўзланадиган мақсад бўлиши билан бирга, ўрганилаётган тил янги ва фойдали ахборот (информация) олиш, етказиш воситаси мақомини ҳам олади. Ўқувчи (écolier) фақат мулоқотдош сифатида эмас, балки ахборот соҳиби (когнизант) мақомида ўрганилаётган тилдан фойдаланади. Тилни ўрганиш чоғида ўқувчи лингвистик билимлар тўплаш билан эмас, балки нутқий ва маданий малакалари (компетенцияси)ни ошириш билан машғул бўлади. Коммуникатив фаолият кўрсатиш, шахсга йўналтирилган, компетенцияни эгаллашга мўлжалланган интегратив ёндашув асосида чет тил ўргатилади. Чет тил таълимида коммуникатив-кумулятив метод татбиқ этилади. Хорижий Ғарб лингводидактикаси истилоҳида буни маданиятлар- аро мулоқот йўналиши номи билан юритилади. Когнитология, концептология, лингвокультурология ва бошқа замонавий фанларнинг сўнгги ютуқлари асосида мазкур методик назария шаклланган ва кенг кўламда жорий этилмоқда.

Чет тил ва маданият яхлит (интеграциялашган) ҳолда ўргатилади. Маданият, бу ўринда инсон фикри ва фаолияти ҳосиласи тушунчасини ифодалайди. Чет тилда ўрганиладиган лисоний (лексик, грамматик, талаффуздаги) бирликда лингвомаданий хусусиятлар тажассум топган ва нутқий жараён (дискурс)да уларга ўқувчи эътибори қаратилади. Мазкур методик қоида доирасида чет тил ўқитиш мақсади ва мазмуни белгиланади.

Мақсад деганда, чет тил ва унинг соҳиби маданиятини ўргатиш ва ўрганишнинг онгли тарзда режалаштирилган натижаси кўзда тутилади. Ўқитиш шароитидан келиб чиқиб, муайян мақсад қўйилади. Шароит тушунчаси қамровига ўқув муассасаси тури (мактаб), ўқувчининг психологик (ёш) хусусияти, тил тажрибаси, ўқув предметига ажратиладиган вақт (дарс соатлари) киради.

Ўқитиш мазмуни жаҳонда эътироф этилган дидактик таълимотга биноан билим, кўникма ва малакаларни ўз ичига олади. Чет тилни амалий ўрганишда лингвистик назарий билимлар умуман баён этилмайди. Билим тил материалини билиш (кўникма) ва уни ўзлаштиришда юз берадиган қийинчиликларни оддий сўзлар билан содда тилда тушунтириш, яъни хатоларнинг олдини олишга қаратилган кўрсатма маъносини билдиради. Кўникма таркибига кирадиган амалий қоида она тили ва чет тилда фарқланадиган ёки тил ички интерференциясини келтириб чиқарадиган чет тил ҳодисалари бўйича берилади (масалан: артикль (она тилида йўқ), отнинг кўплик шакли (бирлик шакли лексик бирлик ҳисобланади) ёки француз тилидаги отнинг кўплик шакли, қаратқич келишиги, феълнинг содда ҳозирги замондаги учинчи шахс бирлик шакли (ҳар учаласи [z], [s], [iz] қабилида талаффуз этилади ва тил ички интерференциясига сабаб бўлади).

Ўқитиш мазмуни компонентларидан тил материали ўрганилмиш чет тил системасидан минимум сифатида танланади (ўқувчи учун у лисоний максимум ҳисобланади). Минимум тил ўргатиш учун зарур ва етарли бўлмоғи керак. Танланган минимумдаги лисоний бирликларни ўзлаштиришда қийинчилик туғдирадиган

қисмигина тил материалининг ўргатиш мазмунини ташкил этади ва ўқув дастуридан ўрин олади.

Чет тил ўқитиш мазмуни уч таркибли таълимий ҳодисадир:

1) нутқ мавзулари;

2) кўникма ва малакаларга қўйиладиган талаблар;

3) тил материали.

Ўқитиш мазмуни мавжуд шароитга кўра, жумладан, ўқув предметига ажратилган вақтга қараб танланади.

Умумий ўрта таълим мактабларида чет тил ўқув предметига ажратилган соатлар миқдори:

I синфда ҳафтасига 2 соат (ўқув йилига 66 соат).

II-IV синфларда ҳафтасига 2 соат (ўқув йилига 68 соат).

V-IX синфларда ҳафтасига 3 соат (ўқув йилига 102 соат).

Умумий ўрта таълим мактабида чет тил ўқитиш шароитини ҳисобга олган ҳолда "Чет тилни эгаллаш даражаларининг европа системаси" даги тилни элементар (Basic user) даражада ўрганиш/ўргатиш тавсиясига биноан I-IVсинфларда A1 – "Чет тилини ўрганишнинг бошланғич даражаси" (Breakthrough/Survival level), V-IX синфларда A2 – "Чет тил эгаллашнинг таянч даражаси" (Wastage level) маъқул топилди.

## ЧЕТ ТИЛ ЎҚИТИШ МАҚСАДИ

Таълим мақсади ижтимоий-педагогик ва лингводидактик тушунча сифатида чет тил ўқитишга татбиқан қуйидагича таърифланиши мумкин: умумтаълимий йўналишдаги ўқув предметларидан бўлмиш чет тилни ўрганишга жамият ва давлатнинг ижтимоий буюртмаси шаклидаги таълим мазмунини белгилаш, ўқитиш жараёнини ташкил этиш ва муайян натижаларга эришишни олдиндан аниқлаш воситасидир. Мактабда чет тили нима учун ўрганилади? саволига жавоб тариқасида қўлланадиган термин-тушунчадир. Умумтаълим мактабларида ўқувчиларга чет тил (1) **амалий мақсад,** (2) **умумтаълимий мақсад,** (3) **тарбиявий мақсад** ва (4) **ривожлантирувчи мақсадда** ўргатилади.

**Чет тил ўқитишнинг амалий мақсадига эришиш йўлида** умумтаълим мактаб курсида чет тил ўргатишнинг якуний амалий мақсади – тинглаб тушуниш ва ўқиш, яъни чет тилда тинглаб ва ўқиб ахборот олишдир. Оралиқ амалий мақсад турлича талқин этилади:

I синфда тинглаб тушуниш ва гапириш амалий мақсад ҳисобланади;

II-IV синфларда ҳам тинглаб тушуниш ва гапириш амалий мақсад, ўқиш ва ёзув оғзаки нутқда ўрганилган тил материалини такрорлаш ва мустаҳкамлаш воситаси;

V-VI синфларда нутқ фаолияти турларидан тинглаб тушуниш, гапириш ва ўқиш – оралиқ амалий мақсад, ёзув – амалий восита;

VII-IX синфларда тинглаб тушуниш ва ўқиш – амалий мақсад, гапириш ва ёзув – восита.

**Чет тил ўқитишнинг амалий мақсадига** эришиш йўлида-нутқ фаолиятининг турлари учун махсус мавзулар ва тил материали танланади, ўқув вақтининг асосий қисми уларни ўрганишга бағишланади, яъни машқларнинг аксарияти ушбу нутқ фаолияти тур(лар)ида бажарилади.

Амалий мақсадга лингвистик*, социолингвистик* нутқий (коммуникатив) ва лисоний, прагматик компетенцияларни эгаллаш орқали эришилади. Компетенция (лаёқат), маълумки, билим, кўникма, малака ва шахсий белгилар мажмуидан иборат.

Компетенция таркибига кичик концепциялар киради. Лингвистик компетенцияда лисоний ҳодисаларнинг нутқда қўлланилиши назарга олинади. *Социолингвистик* компетецияда мулоқот вазияти, мақсади ва мулоқотдошлар вазифасига мос тарзда фикр билдира олиш кўзда тутилади. *Прагматик* концепция коммуникатив вазиятда ўзини тута билиш (масалан, такроран сўраш, нутқий ва лисоний мураккаблик туғилганда ундан чиқа олиш) лаёқатига тааллуқлидир. Прагматик компетенция таркибидаги дискурсив компетенция оғзаки ва ёзма нутқдаги изчилликни таъминлашга хизмат қилади.

Амалий мақсаднинг рўёбга чиқишида ҳосил қилинган барча компетенцияларнинг узвий яхлитлиги (синтези) таъминланади.Амалий мақсаднинг рўёбга чиқишида ўқувчи таълим олади, тарбияланади ва унинг шахси ривожланади. ***Чет тил ўқитишнинг умумтаълимий мақсади***нинг рўёбга чиқишида ўрганилаётган тил воситаси орқали фойдали ҳаётий ахборот ва тил ҳақидаги янги содда маълумотларни ўзлаштириш кўзда тутилади. Ўқувчининг умумий савиясини кўтариш, ўрганилаётган тил ва маданият ҳақида янги маълумотга эга бўлиш, мулоқот маданиятини юксалтириш, ақлий меҳнат усулларини қўллаш, фикрлаш қобилиятини ривожлантириш кабиларга эришилади. Ушбу мақсадни амалга оширишда асосан лингвистик, стратегик (компенсатор), ўқув-когнитив, дискурсив лаёқатлар такомиллашади.

Бошқа фанлар қаторида чет тил ҳам мажбурий ўқув предмети мақомида умумий таълим бериш/олишга ўз ҳиссасини қўшади. Умумтаълим объекти учта: тил ҳодисаси, унга оид тушунча ёки содда қоида ва энг муҳими, чет тилдаги дискурс мазмуни.

***Чет тил ўқитишнинг тарбиявий мақсади.*** Ўқувчиларга ғоявий тарбия бериш, ақлий меҳнат малакаларини сингдириш, уларнинг билиш фаоллигини ошириш мазкур мақсаднинг моҳиятини ташкил этади.

Тарбиявий мақсад, асосан, икки йўл билан рўёбга чиқарилади; (1) бевосита чет тилда саломлашиш, хайрлашиш, предмет ва ҳодисаларнинг номларини билиш, шеър ва ашула айтиш, ўйинлар бажариш кабилар, айниқса, дастлабки дарсларда ўқувчиларга анча қизиқарли юмуш саналади; (2) мулоқот чоғида бир-бирларига одоб доирасида муносабат билдириш, хатти-ҳаракатларини шарҳлай олиш, аудиоматн ва график матнлардан олинадиган ахборотлар беқиёс тарбиявий аҳамият касб этади. Дарсдан ташқари ўқув тадбирларининг ҳам тарбиявий аҳамияти чексиз.

***Чет тил ўқитишнинг ривожлантирувчи мақсади:*** Дидактикадаги ривожлантирувчи таълим маъноси билан ҳамоҳанг бўлиб, ўқувчи шахсининг ақлий, ҳиссий ва мотивацион жиҳатларини ривожлантиришни ифодалайди. Ўқувчи интеллектуал ва маънавий озиқа олади, нутқий мулоқотда ўз ҳиссиётини синаб кўради, мулоқотдош (ўқувчи, муаллим, диктор ва б.)лар фикрини билиш ва ўз фикрини баён этиш орқали унинг шахси камол топиб боради. Таълим жараёнида, жумладан, чет тил ўрганишда меъёрдаги лисоний ва нутқий қийинчиликларни енгиб ўтиш ўқувчи тафаккури ва ҳис-туйғуларининг ривожланишини таъминлайди.

Ривожлантирувчи мақсадга нутқий амаллар туфайлигина эришилади. Унинг умумтаълимий мақсаддан жиддий фарқи шундаки, ўқув маълумотлари олиш билан таълим фикран боғланади, маълумотнинг мазмуни турли компетенцияларни шакллантиришга хизмат қилади. Таълим, жумладан, чет тил ўрганиш шахс ривожланишида алоҳида ўрин эгаллайди. Тил психологик, коммуникатив, функционал ва маданий ҳодиса бўлганлиги сабабли билиш жараёни учун ўта аҳамиятли, чунки у билмасликдан билишга элтувчи омилдир.

Чет тилда ўқувчи икки турда билимни олади, биринчиси ва асосийси, нутқий жараёнда иштирок этиш учун керакли алгоритмик қоидалар ва ижтимоий аҳамият касб этадиган ўқувчи ҳаёти давомида фойдали маълумотлар.

Маданиятлараро мулоқот ўзга халқ менталитетига хос белгилар ва одатларни сингдиришга хизмат қилади. Бунда бошқаларнинг турмуш тарзини реклама қилиш эмас, балки чет тил соҳибининг назари билан дунё манзарасига янгича қараш ва оқибатда, ўз маданиятини чуқур ҳис қилишга ўрганади. Умумбашарий ва миллий қадриятлар уйғунлашуви содир бўлади.

Чет тилда мулоқат қилиш, эгаллаш тўрт асосий нутқ фаолияти турлари бўйича малакаларни шакллантириш демакдир. Нутқ фаолиятининг тўрт тури: тинглаб тушуниш, гапириш, ўқиш ва ёзув малакалари ўзаро боғланган ҳолда ривожлантириб борилади. Бу ўқиш ва ёзиш, ўқиш ва тинглаш, ўқиш ва гапириш, тинглаш ва ўқиш, тинглаш ва ёзиш, тинглаш ва гапириш каби машқлар орқали амалга оширилади.

***Тинглаб тушуниш.*** Нутқни тинглаб тушуниш деганда, сўзловчининг нутқини бевосита ёки техникавий воситалар ёрдамида эшитиб идрок этиш ва фаҳмлаш назарда тутилади. Бошқача қилиб айтганда, тинглаб тушуниш ўзгалар нутқини (жонли тарзда ёки механик ёзувдагисини) идрок этиш ҳамда мазмунини фаҳмлаб етиш маъносини ифодалайди. Янги тил материали ўқувчиларга одатда ўқиш ёки тинглаш орқали таништирилади. Тинглаб тушуниш талаффуз ва оҳангни ҳам ўзлаштиришга хизмат қилади.

Тинглаб тушуниш уч босқичли фаолият бўлиб, унда умумий эшитув идроки (акустик апперцепция), сўзларнинг товуш томонини (фонематик) фарқлаш ва моҳиятини англаш орқасида нутқдаги мазмун идрок этилади, билиб олинади ва тушунилади. Эшитиш сезгиси ва анализатори орқали ахборот олишнинг асосий манбалари сифатида ўқитувчи нутқи, аудио-видео воситалардан магнитафон ёзуви, радио эшиттириш, овозли диафильм, кино (видео), фильм (ёки ундан парча) ва телевизион кўрсатувлар тавсия этилади.

Тинглаб тушунишни амалга ошириш учун қуйидаги уч омил назарда тутилади. Тингловчининг ўзига боғлиқ омиллари (эшитиш кўникмасининг ривожланганлиги, унинг хотираси ва матнни диққат билан тинглаб, мазмунини тушунганлиги), тинглаш пайтидаги шарт-шароит (нутқ тезлиги, тил материали ҳажми ва шакли ҳамда сўзланаётган нутқнинг давом этиши) ва ниҳоят, қўлланган материалнинг лингвистик жиҳатлари (тингловчининг тил тажрибасига мос келиш-келмаслиги) ҳисобга олинади, яъни тинглаб тушунишга бериладиган матн нотаниш бўлиб, ўқувчилар эгаллаган тил материалларини ўз ичига олади.

***Гапириш.*** Гапириш нутқ фаолияти турларидан бири бўлиб, фикрни оғзаки баён этишдир. Гапириш - фикр ва ҳис-туйғуни изҳор этиш мақсадида муайян тилдаги лексик, грамматик ва фонетик ҳодисаларни қўллашдан иборат бўлиб, у чет тилни ўрганишнинг муҳим амалий мақсадидир.

Гапириш - ўқувчиларга ўзларининг фикр-туйғуларини ифода этишга, қизиқишлари ва ҳаётий фаолиятлари ҳақида суҳбатлашишга ҳамда уларни бошқалар фикри билан таққослашга имконият яратиб беради.

Фикрни оғзаки икки шаклда, яъни монолог (якка нутқ) ва диалог (жуфт нутқ) тарзида ифодалаш мумкин.

***Монолог*** бир кишининг нутқи бўлиб, унда кетма-кет келадиган жумлалар мантиқан боғланади. Нутқнинг оҳанги ва мазмуни қўйилган мақсад сари йўналтирилади. Монолог қуйидаги белгиларга эга:

- мазмунан изчиллик кузатилади, ифодаланадиган фикрлар таянч жумлалар воситасида аста-секин ривожлантириб борилади;

- фикр-мулоҳазанинг маълум даражада тугалланганлиги нутқ намуналарида ифодаланади.

***Диалог**да икки ва ундан ортиқ киши, тингловчи ҳамда гапирувчи сифатида навбатма-навбат ахборот алмашадилар.

Диалог қуйидаги асосий хусусиятларга эга:

- ажралмас диалогик бирликнинг нутқий вазиятга мос келиши;
- диалог фақат муносабатгина эмас, балки гапиришга ундовчи (стимул) ва жавоб (реакция) жумлалари (репликалари)ни алмашиш натижаси ҳамдир;
- диалогик бирликдаги қисқартмаларнинг ўз ўрнида қўлланилиши;
- суҳбатнинг мазмунан боғлиқ бўлиши.

***Ўқиш**. Ўқиш ўқувчиларнинг маълумот олишлари учун жуда муҳим нутқ фаолият тури бўлиб, у ёзма нутқни идрок этиш ва англашдан таркиб топадиган рецептив нутқ фаолияти ҳисобланади. Ўқишда ахборот кўриш сезгиси орқали олинади. Ўқиш ёзма матндан ахборот олишга қаратилган нутқ фаолияти туридир.

Матндаги ахборотни ўзлаштириш овоз чиқармай ўқиш орқали, ахборотни ўзгаларга етказиш эса овоз чиқариб ўқиш йўли билан амалга оширилади. Овоз чиқармай ўқиганда ҳам ичда гапириш (ички нутқ) содир бўлади. Овоз чиқариб ўқиш овоз чиқармасдан ўқишга нисбатан тўлиқ нутқ ҳисобланади. Умумий ўрта таълим мактабини битирувчи ўқувчилар мураккаб бўлмаган ижтимоий-сиёсий, илмий-оммабоп мавзулардаги, шунингдек, бадиий адабиётлардаги матнларни ўқий олишлари керак. Ўқиш учун бериладиган матнлар бир-биридан фарқ қилиб, уларнинг тузилиши ва баён этилиши аста-секин мураккаблашиб боради.

Ўқиш малакалари шаклланган лисоний кўникмалар асосида ривожлантирилади. Ўқиш малакаси шундай фаолиятки, у нутқ бирлигининг кўрув тимсоли, унинг нутқ-ҳаракат тимсоли ва мазмунидан ташкил топади. Учаласини эгаллаб олиш, ўқиш малакасининг ҳосил қилинганлигидан далолат беради. Ўқиш учун берилаётган матнлар маълумот олиш, мулоқот қилиш ҳамда лексик-грамматик материалларни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

***Ёзув.*** Чет тилда ўрганишда ёзув деганда, ўрганилаётган тил воситалари (графемалар ва ёзма шаклдаги лексик ва грамматик бирликларнинг қўлланиши, яъни ёзиш техникаси) ва ёзма шаклда фикр баён этиш тушунилади.

Ёзув грамматик ва имло қоидаларига риоя қилган ҳолда, ёзма фикрни баён этишдир.

Ахборотни ёзма баён этиш, одатда, икки йўл билан амалга оширилади:

- ўз фикрини ёзиш;
- айтиб (ўқиб) турилган ўзга шахс нутқини ёзувда ифодалаш.

Ҳар иккала ҳолатда ҳам ёзма матн(дискурс) яратилади. Ёзиш техникаси деганда, графика (товуш-ҳарф муносабати ва ҳарфнинг маъно билдириш вазифаси), каллиграфия (ҳуснихат), орфография (имло) назарда тутилади.

Графика ўқиш ва ёзиш техникаси тушунчалари билан чамбарчас боғлиқ.

Имло сўз ва гапларни ёзиш ва уларга доир қоидалар йиғиндисидир.

Ҳуснихат тушунчаси таркибига товуш ва товуш бирикмаларини ёзувда тасвирлайдиган ёзув-чизув воситалари мажмуаси (ҳарфлар, ҳарф бирикмалари, ҳарф усти ва ҳарф ости белгилари) киради.

Ҳуснихат ҳарф, ҳарф бирикмаси, сўз асосида, имло эса морфема, сўз гап даражасида, ёзма нутқ эса гап, абзац ва ўзаро боғланган матн(дискурс) материалида ўргатилади. Ёзув малакаси ҳуснихат, имло, тузиш (фикрни ёзма баён этиш мақсадида гапларни бириктириш), ёзувнинг лексик ва грамматик кўникмаларидан ташкил топади.

## ЧЕТ ТИЛ ЎҚИТИШ МАЗМУНИ

Чет тил ўқитиш шароити ва мақсадига кўра маданиятлараро мулоқотдош (коммуникант) ва ахборот соҳиби (когнизант)ни шакллантириш йўлида ўқитиш мазмуни махсус танланади ва у чет тилда коммуникатив компетенцияни эгаллашда асосий таълимий объект ҳисобланади. Ўқитиш мазмунида икки жиҳат кузатилади: нимани ўрганиш ва нима қилишни ўрганиш. Биринчиси, ўқув материали ва иккинчиси ўқув жараёни сифатида намоён бўлади. Ўқув материали дастурдан ўрин олади. Иккинчиси, кўникма ва малакаларга мансуб коммуникатив компетенцияни ҳосил қилиш жараёни бўлганлиги туфайли дастурда уларга тегишли талаблар санаб ўтилади. Нутқ фаолияти доираси дастурий мавзулар билан белгиланади. Яратилган (гапириш, ёзувда) ва ўзга шахс содир этган (тинглаб тушуниш ва ўқишда) дискурс дастурдан ўрин олган мавзуларга бевосита боғлиқ бўлади.

Чет тил ўқитиш мазмуни ўқитиш мақсадларига бевосита боғлиқ бўлиб, у одатда, мақсад мазмунини белгилайди. Мазмун таълим чоғида ўзлаштириладиган методик тушунча ёки категория бўлса, унинг маҳсули эришиладиган мақсадни акс эттиради. Ўқитиш мазмунига нутқий мавзулар, малака ва кўникмалар ҳамда тил материали киради. Ушбу учта таркибий қисм чет тилни ўрганишда яхлит ўзлаштиришни тақозо қилади.

***Нутқ мавзулари*** ўқитиш мақсадларига асосланиб танланади. Умумий ўрта таълим мактабларида «Ўқувчи ва уни ўраб турган атроф-муҳит», «Ватанимиз» ва «Тили ўрганиладиган мамлакатлар» каби мавзулар асосий нутқ мавзулари ҳисобланади. Ўқиш учун сиёсий, бадиий, илмий, маънавият ва маданият ҳамда спортга оид матнлар танланади.

Танлаб олинган мавзу ва унга оид матнлар ўқувчиларнинг ёши ҳамда қизиқишларига мос келиши керак.

Мазкур дастурда ўқувчилар ёши ва қизиқишларини ҳисобга олган ҳолда мавзулар жадвалларда синфлар бўйича алоҳида берилди. Жадвалда синфлар бўйича тақсимланган асосий мавзулар миқдори дарсликда шу миқдордаги бўлимлар бўлиши керак, деган маънони англатмайди. Асосий мавзулар таркибидаги кичик мавзулар ҳам тил материали ҳажмидан келиб чиққан ҳолда алоҳида бўлим бўлиши мумкин.

**Нутқ малакалари** деганда, чет тилда нутқ фаолияти турлари (тинглаб тушуниш, гапириш, ўқиш ва ёзув)ни эгаллаш даражалари тушунилади. Малака ўқувчиларнинг чет тил ўрганиш даврида олган кўникмаларини амалий фаолиятида собитқадамлик билан мустақил равишда қўллай олиш компетенцияси (лаёқати)дир. Нутқ малакалари тил материалини мулоқот пайтида қўллаш жараёнида ривожланади ва такомиллашади.

Умумий ўрта таълим макатабларида чет тил ўқитишнинг асосий вазифаси бўлмиш нутқий малакаларни сингдириш чоғида уларга мос келадиган лисоний кўникмаларни ҳам ўзлаштиришдан иборатдир. Бундай кўникмалар асосини ушбу дастурда кўрсатилган тил материали ташкил қилади. Тил материали дастурда Давлат таълим стандартига мувофиқ тарзда алоҳида берилди.

**Тил материали** маълумки, лексик, грамматик ва фонетик ҳодисаларни ўз ичига олади. Ўқув жараёнида лексик, грамматик, талаффуз ҳамда имло бирлиги каби тушунчаларни фарқлаш, дарслик ва қўлланмалар тузишда улардан ўз ўрнида фойдаланиш зарур.

Тил бирлиги лексик, грамматик, талаффуз ва орфография (имло) бирликларини ифодалайди.

Луғат бирлиги – ўзак сўз ва ясама сўздан иборат, лексик бирлик (ўзак сўз, ясама сўз (унинг таркибидаги сўз ёки сўз ясовчи элементлар), сўз ясовчи аффикс, турғун сўз бирикмаси, гап (оғзаки нутқнинг илгарилаши шароитида қисмларга бўлинмай ўргатиладиган тайёр жумлалар)ни ўз ичига олади..

Грамматик бирлик – морфология ва синтаксис ҳодисалар, талаффуз бирлиги – фонетик минимумдаги товуш-фонемадан то жумлалар оҳангигача, имло бирлиги – ҳарф, ҳарф бирикмаси, сўз, сўз ясаш, шакл ва гап ясаш элементлари, сўзнинг ўзгарувчан ҳамда ўзгармайдиган шаклларидан иборатдир.

Умумий ўрта таълим мактабини битирувчи ўқувчилар эгаллайдиган 1500 та лексик бирликни нутқда ўзлаштирадилар.

Чет тил грамматикасини ўргатиш, асосан, индуктив (нутқда ўрганилган лисоний ҳодисага қоида-умумлашма) ва қисман дедуктив (ўқиш ва тинглашда учрайдиган грамматик ҳодисаларга оид алгоритмик қоида бериш) услубларида амалга оширилади. Чет тил грамматикасини ўргатиш мазмуни учта методик мезонга кўра (ўқувчининг она тили ва иккинчи тилдан тўпланган грамматик тажрибасини ҳисобга олиб, чет тилнинг ўзидан йиғиладиган тажрибага асосланиб ва грамматик ҳодисалар тақдимоти тартибини назарга олиб) танланади ва уларга махсус машқлар берилади.

## ЧЕТ ТИЛНИ АМАЛИЙ ЎРГАНИШГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР

Ўқувчиларга нутқ фаолияти турлари тинглаб тушуниш, гапириш, ўқиш, ёзувни ва тил материали – лексика, грамматика, талаффузни ўргатиш натижасида уларнинг чет тилда коммуникатив (ахборот алмашиш) компетенцияси шакллантирилади.

Давлат таълим стандартларига асосан, мактабларнинг I-IX синфларида чет тилни ўқитишни шартли равишда икки босқичга бўлинади.

***Биринчи босқич (А1)*** – нутқ фаолиятини таъминлайдиган малакаларнинг асоси чет тилларни ўқитишнинг биринчи босқичи I-IV синфларда шакллантирилади. Биринчи синфда тил ўрганиш турли ўйинлар орқали амалга оширилади. Ўқувчи тилни тинглаб тушуниш (ўқитувчи нутқи, аудио-видео мосламалар орқали такрорлаш) орқали ўрганади.

Таълимнинг А1 даражасида 1-синф ўқувчилари чет (инглиз, француз ва немис) тилларда тинглаб тушуниш ва гапириш (оғзаки нутқ)ни ўрганишади, 2-синфдан бошлаб тинглаб тушуниш, гапириш, ўқиш ва ёзув машқ қилинади. Талаффуз, айниқса, оҳангни ўзлаштириш, урғу қўйиш устида олиб бориладиган машқлар иккинчи босқичда ҳам давом эттирилади.

Биринчи (А1) даражанинг ҳар бир синфи охирида ўқувчилар қуйидаги малакаларни эгаллашлари лозим:

### А1/1 (I синф)

#### Тинглаб тушуниш

- қисқа саволларни тушуниш ва жавоб қайтариш;
- содда ва қисқа матнларни тинглаб тушуниш;
- синфда қўлланиладиган ибораларни тушуниш;
- оила аъзолари, атроф-муҳитдаги нарсалар ҳақидаги содда нутқни тушуна олиш;
- ўқитувчининг чет тилдаги кўрсатмаларини бажара олиш;
- мавзуга оид ўйинлардаги сўз ва ибораларни тинглаб тушуниш.

**Гапириш**

- саломлашиш, хайрлашиш, узр сўраш, исми ва ёшини айта олиш;
- 1-20 гача бўлган сонларни айта олиш;
- оила ҳақида гапира олиш;
- таниш мавзулар бўйича содда саволлар бериш ва уларга жавоб бера олиш;
- кундалик ҳаёт билан боғлиқ содда гаплар айта олиш;
- мавзуга оид ўйинларда сўз ва ибораларни нутқда қўллай олиш.

**А1/2 (II синф)**

**Тинглаб тушуниш**

- мавзулар бўйича берилган савол ва маълумотларни тушуна олиш;
- содда матнни тинглаб тушуниш;
- синфда қўлланиладиган ибораларни тушуниш;
- товушларни аудиоматнда фарқлай олиш.

**Гапириш**

- мактаб, ўқув фанлари, ҳафта кунлари ҳақида гапира олиш;
-таниш мавзулар бўйича саволлар бера олиш ва уларга жавоб қайтара олиш;
- қисқа суҳбат (диалог)ларда иштирок этиш.

**Ўқиш**

- ҳарф, ҳарф бирикмалари ва сўзларни тўғри ўқий олиш;
- мавзулар доирасида кичик, содда матн ва дилогларни ўқиб тушуна олиш;
- таниш сўзларни овоз чиқариб ўқиш орқали товушни ёзувдаги ҳарф билан солиштира олиш;
- бир дақиқада 25-30 сўз тезлигида ўқий олиш.

**Ёзув**

- ўрганилган сўзларни алфавит тартибида ёза олиш;
- мавзуларга мос сўзларни ёза олиш;
- оддий гаплар туза олиш;
- мавзулар доирасида содда саволларга жавоб ёза олиш;
- хотирадаги сўзларни тўғри ёза олиш;
- шахсий маълумотларни ёзма ифолалаш.

**А1/2 (III синф)**

**Тинглаб тушуниш**

- мавзулар бўйича берилган савол ва маълумотларни тушуна олиш;
- қисқа маълумотларни текшириб кўриш учун тинглаш;
- тасмага ёзилган (20-30 та сўздан иборат) диалог ёки монологларни тинглаб тушуниш;
- товушларни аудиоматнда фарқлай олиш.

**Гапириш**

- йил фасллари, уй, хонасини тасвирлай олиш;
- таниш мавзулар бўйича микросуҳбат (диалог) ва монологларда иштирок этиш, саволларга жавоб бера олиш, илтимос билан мурожаат қила олиш;

- узр сўраш, кимнидир туғилган куни билан табриклаш каби вазиятларда хушмуомалалик ибораларини қўллай олиш.

**Ўқиш**

-таниш ва янги сўзлардаги ҳарф ва ҳарф бирикмаларини тўғри ўқий олиш;

- янги сўзларнинг маъносини англаш учун дарслик луғати, расмли луғатлардан фойдалана олиш;
- берилган матнни ўқиб, мазмунини тушуна олиш;
- сўзларни овоз чиқариб ўқиш орқали товушни ёзувдаги ҳарф билан солиштира олиш;
- бир дақиқада 30-40 та сўз тезлигида ўқий олиш.

**Ёзув**

- ўрганилган сўзларни алфавит тартибида ёза олиш;
- луғат-диктант ёза олиш;
- ўрганилган сўзлардан фойдаланиб, чет тилидаги гапларни она тилига таржима қила олиш;
- намуналар асосида оддий гаплар туза олиш;
- хотирадаги сўзларни тўғри ёза олиш;
- намуналар асосида микродиалоглар туза олиш.

**A1/3 (IV синф)**

**Тинглаб тушуниш**

- мавзулар бўйича берилган савол ва маълумотларни тушуниш;
- муайян маълумотларни текшириб кўриш учун тинглаш;
- чет тилда тасмага ёзилган 80 сўздан иборат диалог ёки монологларни тинглаб тушуниш;
- аудиоматнда товушларни фарқлай олиш;
- синфда қўлланиладиган ибораларни тинглаб тушуниш;
- қисқа матндан керакли маълумотни ажрата олиш;
- содда эълон ва хабарларни тушуниш.

**Гапириш**

- яшаш манзилини тасвирлай олиш;
- спорт турлари юзасидан гапира олиш, саволлар сўрай олиш ва жавоб бера олиш, илтимос билан мурожаат қила олиш;
- таниш мавзулар бўйича микросуҳбат (диалог ва монологлар)да иштирок этиш;
- ўқиган ёки тинглаган матнлар юзасидан саволларга жавоб қайтариш ва мазмунини гапириб бериш.

**Ўқиш**

- янги сўзларнинг маъносини англаш учун дарслик луғати ва расмли луғатлардан фойдалана олиш;
- матндан керакли маълумотни ажратиб олиш учун ўқий олиш;
- ҳарф, ҳарф бирикмаларини тўғри ўқий олиш;
- таниш контекстда берилган ҳарф, муайян сўзларни англай олиш;

- қисқа ибораларни тушунганлигини намоён этиш;
- қисқа матнни ўқиб, мазмунини тушуна олиш;
- сўзларни овоз чиқариб ўқиш орқали товушнинг ёзувдаги ифодасини билиш;
- реклама, хатларни ўқий олиш;
- бир дақиқада 40-50 та сўз тезлигида ўқий олиш.

**Ёзув**

- ўрганилган сўзларни алфавит тартибида ёза олиш;
- оддий гапларни кўчириб ёзиш;
- бош ҳарфлар ва тиниш белгиларини ёзувда тўғри қўллаш;
- ўрганилган грамматик ҳодисаларни қўллаб гаплар туза олиш;
- хотирадаги сўзларни тўғри ёза олиш;
- расмни ёзма тасвирлаб бера олиш.

***Иккинчи босқич (A2)*** V-VI синфларда тинглаб тушуниш, гапириш, ўқишни мақсад мақомида ва ёзувни таълим воситаси мақомида эгаллаш давом эттирилади. Ўқилган ва тингланган матнлар асосида гапириш малакалари ривожлантирилади.

IX синфга келиб ўқувчилар икки турдаги таржима малакаларини эгаллайдилар. Биринчиси, қисқа матнларни чет тилдан она тилига ёзма таржима қилиш. Иккинчиси, чет тилдаги янги лексик бирликнинг маъносини очишда, бошқа усуллар қаторида, таржимадан ҳам фойдаланиш мумкин.

Чет тил ўқитишдаги амалий, таълимий, тарбиявий ва ривожлантирувчи мақсадлар ва нутқ малакаларига қўйиладиган талаблар дарс ва дарсдан ташқари машғулотларда амалга оширилади.

Иккинчи (A2) даражанинг ҳар бир синфи охирида ўқувчилар қуйидаги малакаларни эгаллаган бўлишлари керак:

**A2/1 (V синф)**

**Тинглаб тушуниш**

- мавзулар бўйича берилган савол ва маълумотларни тушуна олиш;
- матндан керакли маълумотни ажрата олиш;
- маълумотларни текшириб кўриш учун тинглаш;
- тасмага ёзилган (100 тагача сўздан иборат) матнларни тинглаб тушуниш;
- аудиоматндаги товушларни фарқлай олиш ва уларни ёзувда графемалар билан тўғри ифодалай олиш;
- синфда қўлланиладиган ибораларни тинглаб тушуниш;
- актив ва пассив сўзлардан иборат матнни тинглаб тушуниш.

**Гапириш**

- оила, мактабни тасвирлай олиш;
- бўш вақти ва қизиқишлари юзасидан фикрларини ифодалай олиш;
- саволларга жавоб қайтариш, саволлар бера олиш ва илтимос билан мурожаат қила олиш;
- таниш мавзулар доирасида қисқа суҳбат (диалог)ларда иштирок этиш;
- ўқиган ёки тинглаган матнлари юзасидан саволларга жавоб бериш;
- саломлашиш, хайрлашиш, узр сўраш ва байрам билан табриклашда хушмуомалалик ибораларини қўллай олиш.

### Ўқиш

- янги сўзларнинг маъносини англаш учун дарсликда бериладиган луғат ёки икки тиллик луғатдан фойдалана олиш;
- замонавий ахборот - коммуникация технологияларидан фойдалана олиш;
- матнни маълумот олиш учун ўқиб тушуниш;
- матндан керакли маълумотни олиш учун ўқиш;
- таниш контекстда берилган янги сўзларни англай олиш;
- қисқа ибораларни ўқиб тушуниш;
- таниш матнни ўқиб, мазмунини айтиб бериш;
- сўзларни овоз чиқариб ўқиш орқали товушни графемаларда ифодалай олиш;
- бир дақиқада 50-60 та сўз тезлигида ўқий олиш.

### Ёзув

- мавзуга доир диктант ёзиш;
- гап ва микроматнни кўчириш, нуқталар ўрнини мос сўзлар билан тўлдириб кўчириш;
- ўрганилган грамматик ҳодисалар асосида содда гаплар туза олиш;
- хотирадаги сўзларни тўғри ёза олиш;
- намуналар асосида диалоглар туза олиш;
- расмни ёзма тасвирлаб бера олиш;
- қисқа хабар, хат ёза олиш;
- тили ўрганилаётган мамлакатда қабул қилинган нутқий этикет формулаларидан фойдаланиб, ёзма шаклда истаклар билдира олиш.

## A2/1 (VI синф)

### Тинглаб тушуниш

- аудиоматндан, муҳим жойларини белгилаб қўя олиш;
- маълумотни аудиоматндан ажратиб олиш учун тинглаш;
- маълумотларни текшириб кўриш учун матнни тинглаш;
- актив ва пассив сўзлардан иборат матндаги хабарларни тинглаб, мазмунини тушуна олиш;
- аудиоматннинг мазмунини тўлиқ тушуниш.

### Гапириш

- ўқиган ёки тинглаган матнлар юзасидан саволларга жавоб бериш, мазмунини гапириб бериш;
- этикетни ифодаловчи диалог, сўров-диалог (интервью), диалог суҳбатда иштирок этиш;
- қисқа суҳбатларда ўз фикр ва муносабатларини мантиқан тўғри ифода этиш;
- гуруҳларда, жуфтликларда саволлар бера олиш ва ўз фикрини билдира олиш.
- суҳбатдошига мавзу юзасидан ўз фикрини қисқача гапириб бера олиш.

### Ўқиш

- янги сўзларнинг маъносини тушуниш учун икки тилли луғат ёки дарслик луғатидан фойдалана олиш;
- қисқа ҳикояларни, мустақил ўқий олиш ва берилган топшириқни бажара олиш;
- матнни умумий маълумот олиш учун ўқиш;
- маълумотларни текшириб кўриш учун матнни ўқий олиш;

- босма ёки қўлёзма матнларни ўқиб мазмунини тушуна олиш;
- матндан маълумотни ажратиб олиш учун ўқиш;
- матннинг асосий мазмуни ва тафсилотини англай олиш;
- контекст ёки таянч сўзлардан фойдаланган ҳолда матн мазмунини тушуниш;
- бир дақиқада 60-70 та сўз тезлигида ўқий олиш.

**Ёзув**

- мавзуга доир кичик матнларни ёддан ёза олиш;
- мавзулар доирасида диктант ёза олиш;
- гапда пунктуацион белгиларни қўллай олиш;
- гапларни тўғри кўчириб ёза олиш;
- тугалланмаган гапларни ўрганилган грамматик ҳодисалар ёки мазмунан мос сўзлар билан тўлдириб якунлай олиш;
- ўрганилган грамматик қоида ёки намуналар асосида содда гаплар ёза олиш;
-тили ўрганилаётган мамлакатда қабул қилинган нутқий этикет формулаларидан фойдаланиб, ёзма равишда истаклар билдира олиш;
- сўзнинг тўғри ёзилганлигини текширишда луғатлардан фойдалана олиш;
- ўқиган ёки тинглаган матн асосида муайян вазифани ёзма бажариш;
- мавзулар доирасида диалог туза олиш;
- оддий жадваллар тузиш, ёки тўлдириш;
- матнларнинг қисқача баёнини ёзма шаклда ифодалаш;
- дўстига хат, содда хабарларни ёза олиш;
- намуналар асосида диалоглар туза олиш.

**А2/2 (VII синф)**

**Тинглаб тушуниш**

- қишлоқ ва шаҳар (манзил), соғлик, спорт, кийим-бош ва бўш вақтдан унумли фойдаланиш каби мавзулардаги матнларни тинглаб тушуна олиш;
- ўтган ва келаси замондаги воқеаларни ёритувчи ҳикоялардан парчалар, қисқа тасвирий ҳикояларни тинглаб тушуна олиш.
- айрим нотаниш сўзларни ўз ичига олган матнларни тинглаб тушуна олиш;
- мавзу доирасидаги матндан батафсил маълумот олиш учун тинглаш;
- берилган маълумотларни текшириб кўриш учун тинглаш.

**Гапириш**

-қишлоқ ва шаҳар, соғлик, спорт, кийим-бош ва бўш вақтдан унумли фойдаланиш каби мавзулардаги диалог ва монолог нутқда иштирок эта олиш;
-гуруҳ ва жуфтликларда коммуникатив вазифаларни бажаришда фикр алмашиш;
- мавзулар доирасида баҳс-мунозарага кириша олиш;
- мавзу доирасида воқеа-ҳодисаларни гапириб бера олиш;
- ўтган ва келаси замондаги воқеа-ҳодисаларни гапириб бериш;
- кундалик иш фаолиятга оид мулоқотга кириша олиш ва суҳбатда давомийликни сақлаб тура олиш.

**Ўқиш**

- қишлоқ ва шаҳар, соғлик, спорт, кийим-бош ва бўш вақтдан унумли фойдаланиш каби мавзулардаги матнларни ўқиб тушуна олиш;

- янги сўзлар маъносини очишда луғатдан фойдалана олиш;
- ёзма (график) материалларни ўқиб, мазмунини тушуна олиш;
- мустақил ўқишга мўлжалланган материалларни тушуна олиш;
- ўқилган матн мазмунини қисқача баён этиш;
- матнни умумий маълумот олиш учун ўқиш;
- қизиқарли маълумотни матндан ажратиб олиш учун ўқиш;
- кўнгилочар матнларни ўқиб ахборот олиш;
- бир дақиқада 70-80 та сўз тезлигида ўқий олиш.

### Ёзув

- қишлоқ ва шаҳар, соғлик, спорт, кийим-бош ва бўш вақтдан унумли фойдаланиш каби мавзулардаги матнлар асосида фикрларни ёзма ифода қилиш;
- тугалланмаган гапларни мазмунан мос сўзлар билан тўлдириш ва уларни якунлаб ёзиш;
- ўқиган ёки тинглаган матнлар асосида муайян бир вазифани ёзма бажара олиш;
- янги контекстда сўз тартибини тўғри қўллай олиш;
- тиниш белгилари ва тил қурилмаларидан тўғри фойдаланган ҳолда фикрни ёзма ифода эта олиш;
- тили ўрганилаётган мамлакат нутқий этикет формулаларидан фойдаланиб истаклар билдира олиш, таклифлар ёза олиш;
- тасвирий характердаги қисқа матнларни ёза олиш;
- матндаги маълумотларни туркумларга ажратиб ёза олиш;
- қисқа ҳисоботлар ёза олиш;
- намуналар асосида диалоглар туза олиш;
- турли мазмундаги хатлар ёза олиш;
- кундалик иш фаолиятида керак бўлган сўзлар орқали қисқа хабарлар ёза олиш.

## А2/2 (VIII синф)

### Тинглаб тушуниш

- табиий шароитдаги нутқ хусусиятлари (иккиланиш, гапни бошлашда қўлланиладиган чет тилдаги “хўп, яхши, демак“ кириш сўзлари ва ҳ.к.) иштирок этган диалог ва монологларни тинглаб тушуна олиш;
- байрам ва урф-одатлар, атроф-муҳит муамммолари, оммавий-ахборот воситалари каби мавзулардаги матнларни тинглаб тушуниш;
- матнни тинглаб асосий мазмунини тушуна олиш;
- керакли маълумотни матндан ажратиб олиш учун тинглаш;
- кам миқдордаги нотаниш сўзларни ўз ичига олган матнларни тинглаб тушуна олиш;
-ўтган, ҳозирги ва келаси замондаги воқеалар тасвирланган ҳикоялар мазмунини тинглаб тушуна олиш;
- матннинг асосий ғоясини гапириб бериш учун тинглаб тушуниш.

### Гапириш

- байрам ва урф-одатлар, атроф-муҳит муамммолари, оммавий-ахборот воситалари каби мавзуларда мулоқотга кириша олиш;

- турли ҳолат, гуруҳ ва жуфтликларда коммуникатив вазифаларни бажаришда фикр алмаша олиш;
- дастурий мавзуларда баҳс-мулоҳаза юрита олиш;
- ўтган ва келаси замонда воқеа-ҳодисаларни гапириб бера олиш;
- мавзулар юзасидан суҳбатда қатнашиш, ўз фикр-мулоҳазаларини тушунтириб бера олиш;
- диалог ва монолог нутқда иштирок эта олиш.

### Ўқиш

- байрам ва урф-одатлар, атроф-муҳит муамммолари, оммавий-ахборот воситалари каби мавзулардаги матнларни ўқиш;
- тасвирий характердаги ҳикояларни ўқиб тушуниш;
- мустақил ўқишга мўлжалланган материалларни ўқиш;
- мураккаб гап ва янги сўзларни ўз ичига олган таниш мавзудаги матнларни ўқиб тушуниш;
- матннинг асосий ғоясини тушуниш учун ўқиш;
- матндан батафсил маълумот олиш учун ўқиш;
- ахборот коммуникацион технологиялардан (Iphone, Ipad), электрон луғатлардан фойдалана олиш;
- мустақил ўқишга мўлжалланган ҳикояларни ўқиш;
- ўқилган матн мазмунининг қисқача баён этиш;
- матнни умумий маълумот олиш учун ўқиш;
- бир дақиқада 80-90 та сўз тезлигида ўқий олиш.

### Ёзув

- дастурий мавзуларда фикр-мулоҳазаларни ёзма баён этиш;
- ўқиган, тинглаган матнлар ёки кўрган-эшитган воқеалар асосида муайян топшириқни ёзма бажариш;
- ўрганилган тил қурилмаларидан фойдаланган ҳолда фикрни ёзма ифода эта олиш;
- ёзувда ҳозирги, ўтган ва келаси замон воқеа-ҳодисаларини тасвирлай олиш;
- матндаги маълумотларни туркумларга ажратиб ёза олиш;
- қисқа матнларни ёзма таржима қила олиш;
- мавзуни таништириш, ривожлантириш ва унга хулоса қилиш орқали фикрларни ёзма баён этиш;
- тасвирий характердаги матнларни ёза олиш;
- қисқа ахборотлар ёза олиш;
- берилган мавзу юзасидан баён ёза олиш;
- кўчирма ва ўзлаштирма гаплар ёза олиш;
- намуналар асосида диалоглар туза олиш;
- тили ўрганилаётган мамлакатда қабул қилинган нутқий этикет формулаларидан фойдаланиб, истаклар билдира олиш.

## A2/3 (IX синф)

### Тинглаб тушуниш

- Ўзбекистон ва тили ўрганилаётган мамлакатларнинг давлат, бошқарув ва таълим тизими, касбга йўналтириш, иқтисодиёт, алоқа тизими – Интернет, электрон

почта, телефон (мобил), фэйсбук, скайп, медиатаълим каби мавзулардаги матнни тинглаб тушуниш;

- турли типдаги нутқларни тинглаб тушуна олиш;
- мультимедия, аудио ва видео лавҳаларнинг асосий мазмунини тушуниш;
- матндан батафсил маълумот олиш учун тинглаб тушуниш;
- маълумотларга аниқлик киритиш учун тинглаш;
- нотаниш сўзлар бўлган аудиоматнни тинглаш;
- телефондаги суҳбатни тушуниш ва саволларга жавоб бериш.

**Гапириш**

- оммавий ахборот воситаларида берилган матнлар юзасидан гапира олиш;
- мавзу бўйича баҳсларда, тақдимотларда ижобий ёки танқидий мазмундаги шахсий фикрларни баён этиш;
- Ўзбекистон ва тили ўрганилаётган мамлакатларнинг давлат, бошқарув ва таълим тизими, касбга йўналтириш, иқтисодиёт, алоқа тизими – Интернет, электрон почта, телефон (мобил), фэйсбук, скайп, медиатаълим каби мавзуларда гапира олиш;
- нотаниш шахслар билан мулоқот қила олиш;
- аудио-видео тасма, CD, DVD мультимедия, фонограмма, овозли фильм лавҳалари орқали тинглаган матнларнинг асосий мазмунини ҳикоя қилиб бера олиш.

**Ўқиш**

- нотаниш матнларнинг асосий мазмунини ўқиб тушуна олиш;
- олинган маълумотларга аниқлик киритиш учун матнни ўқий олиш;
- нотаниш мавзудаги матнларни ўқий олиш;
- Интернетда берилган, электрон почта орқали юборилган маълумотларни ўқий олиш;
- оммавий ахборот воситалари, видеотасма, CD, DVD, мультимедия фильм лавҳаларидаги матнни ўқий олиш;
- керакли маълумотларни матндан ажратиб олиш малакасига эга бўлиш;
- бир дақиқада 100-120 та сўз тезлигида ўқий олиш.

**Ёзув**

- Ўзбекистон ва тили ўрганилаётган мамлакатларнинг давлат, бошқарув ва таълим тизими, касбга йўналтириш, иқтисодиёт, алоқа тизими – Интернет, электрон почта, телефон (мобил), фэйсбук, скайп, медиатаълим каби мавзуларда ўз фикрларини ёзма баён эта олиш;
- ўқиган ёки тинглаган матн мазмунини гапириб бериш учун режа ёки тезис ёза олиш;
- тузилган режа ёки тезислар мазмунини ёзма ёритиб бера олиш;
- хат (норасмий), e-mail, SMS, эслатма, хабар, ҳисобот, мақола ва кундаликларни ёзишнинг усул ва шаклларини тўғри қўллай олиш;
- ўтилган ва эркин мавзулар асосида диктант, баён ёза олиш;
- кундалик эҳтиёжга керак сўзлар орқали хабарлар ёза олиш, шахсий хат ёза олиш;
- ўзгалар фикрларидан хулосалар чиқариб, ўз фикрини ёза олиш;
- ёзилган ишни текшириш, йўл қўйилган хатоларни тўғрилаб қайтадан ёза олиш;
- идрок этилган матннинг мазмунини қисқача ёзиш.

## Чет тиллардан ўқувчилар эгаллаши лозим бўлган лексик бирликлар миқдори

I-IV синфларда ўрганиладиган лексик бирликлар актив (продуктив) ўзлаштириш учун мўлжалланади. V-VI синфларда қўшимча пассив (рецептив) лексика ҳам ўргатила бошланади. VII-IX синфларда ўқиш амалий мақсад мақомини олиши муносабати билан пассив лексикани ўргатишга эътибор кучаяди.

| Синфлар / Лексик бирликлар | I | II | III | IV | V | VI | VII | VIII | IX |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| **актив** | 150 | 150 | 100 | 100 | 100 | 100 | 100 | 100 | 100 |
| **пассив** | - | - | - | - | 100 | 100 | 100 | 100 | 100 |
| **потенциал** | - | - | + | + | + | + | + | + | + |
| **жами** | 150 | 300 | 400 | 500 | 700 | 900 | 1100 | 1300 | 1500 |

**Француз тили фанидан грамматик минимуми 1-синфда грамматик ҳодисалар лексик усулда (қоида бермасдан) ўргатилади.**

### 1-синф 66 соат A1/1

- “être”феълининг ҳозирги замон шакллари(suis, es, est): Je suis élève. Tu es jolie. Il est grand.
- Махсус сўроқ гаплар: Tu as quel âge ? Comment tu t’appeles ? Où est le livre ?
- Оддий ҳозирги замон(тасдиқ, сўроқ гаплар): J’habite... , Qui est-ce ?
- Кишилик олмошлари( Je, tu, il, elle, nous, vous, ils, elles): J’aime la pomme. Tu as deux ans. Il parle français...
- Кўрсатиш олмоши (ce, cet, cette): Elle aime ce livre.
- Эгалик олмошлари (mon, ma, ton, ta, son, sa): C’est mon ami. Ta ville est belle...
- “il y a” iborasi: Dans la chambre il y a une table.
- Буйруқ майли: Entre ! Entrez ! Lis ! Lisez ! Prends! Prenez!
- Шахссиз гаплар: Il fait chaud. Il fait froid. Il pleut…
- Отларнинг кишилик шакли: J’ai des livres. Il mange des oranges.

### 2-синф 68 соат A1/2

**Изоҳ:** грамматика асосий дарс жараёнида интеграллашган ҳолда амалга оширилиши шарт.

- Ma,ta, sa
-Mon, ton, son
-эгалик олмошларини содда гапларда қўллаш;
-« aller » феълининг бирлик формасини гапда қўллаш;
-Ce,cet,cette, ces кўрсатиш сифатларини гапда қўллай олиш;
-« dans » предлогини гапларда қўллаш;
-« il y a » иборасини гапда қўллаш;
-Il est ... ибораси ёрдамида вақтни тўғри айта олиш;
-Il est midi. Il est minuit;
*« Se lever », Ҳозирги замоннинг ясалиши, феълларни бирлик формада қўллай олиш;
*олмошли феълларни гапда қўллай олиш;
*феълларни сўроқ формада қўллай олиш;
« aimer » феълини бўлишли ва бўлишсиз формаларда формада қўллай олиш;
*сифатларни гапда қўллай олиш;
« fêter », « célébrer » феълларини ҳозирги замонда қўллай олиш;
« jouer à... », « jouer de... » феълларининг ҳозирги замон бирлик формада тусланиши ва қўлланилиш ҳолатларини фарқлай олиш, гаплар тузишни билиш.
Il pleut. Il neige.
Il fait beau. Il fait mauvais.
Il fait du soleil.Il fait du vent.
« à , en » предлогларини гапларда қўллай олиш;
« se coucher », « se réveiller » феълларининг ҳозирги замон бирлик формасида тусланишини билиш;

« se reposer », « se promener»
« s'amuser » феълларини ҳозирги замонда туслаш ва гаплар тузишни билиш.

**3-синф 68 соат А1/2**

- артиклларнинг роди, бирлик, кўпликда ишлатилиши; туташ артикллар;
- ҳозирги замон;
- саноқ сонлар 100-500гача санаш;
- сифатларнинг (род, сон) ишлатилиши;
- эгалик олмошлари (adjectifs possessifs);
- предлоглар;
- сўроқ ва инкор гаплар;
- оддий равишлар;
- пайт равишлари;
- иккинчи гурух феъллари;
- содда йиғиқ ва содда ёйиқ гаплар;

Il y a иборасини гапда қўллай олиш;
* гапларда род тушунчасининг қўлланилиши;
* эгалик олмошларининг (notre, votre, leur ) гапда қўлланилиши;
* сифатларни гапда тўғри қўллай олиш;
* « avoir » ,« être » феълларини гапда қўллай олиш;
* эгалик олмошларини қўллай олиш;
* содда гапларда инкор шаклни қўллай олиш;
* ҳозирги замонни содда гапларда қўллай олиш;
* жой номлари ва йўналишни кўрсатадиган предлогларнинг қўлланилишини билиш;
* шахссиз ибораларни гапда қўллай олиш;
* сифатларни тўғри қўллай олиш;
* артиклларни гапда қўллай олиш;
* сифатларни гапда қўллаш;
* феълларни 3-шахс кўплик формада қўллаш;

"avoir mal", "être enrhumé" иборалари ни гапларда қўллай олиш;
* эгалик олмошларини такрорлаш ва мустаҳкамлаш;
* феълларнинг ҳозирги замонда тусланишини мустаҳкамлаш;
* олмошли феълларни гапда қўллай олиш;
* феълларни сўроқ формада қўллай олиш;
* «appeler» феълини гапларда қўллай олиш;
* эгалик олмошларни гапда қўллай олиш;

«prendre», «descendre» феълларини ҳозирги замонда қўллай олиш;
* артиклларни бирлик ва кўпликда тўғри ишлата олиш;
* «en» предлогининг транспорт воситалари номлари олдида қўлланилишини билиш;
* «planter», «arroser» феълларининг ҳозирги замонда тусланишини билиш ва уларни гапларда қўллай олиш;
* сифатларни тўғри қўллай билиш;
* « préférer », « s'intéresser à ... » феълларини ҳозирги замонда туслай олиш ва уларни гапларда қўллаш;
* феълларни 3- шахс бирлик ва кўплик формаларида тўғри қўллай олиш;

* эгалик олмошларини гапларда қўллай олиш;
* сифатларни родларда тўғри қўллай олиш;
* «avoir peur de... », être dangereux(euse), .... » ибораларини гапларда қўллай олиш.

## 4-синф 68 соат A1/3

- артиклларнинг роди, бирлик, кўпликда ишлатилиши; туташ артикллар, қисмни билдирувчи артикллар;
- миқдор равишларининг қўлланиши;
- ҳозирги замон;
- ўтган замон;
- саноқ сонлар 500-1000;
- сифатларнинг ишлатиши;
- эгалик олмошлари;
- предлоглар;
- сўроқ ва инкор гаплар;
- равиш;
- саналадиган ва саналмайдиган отлар;
- яқин келаси замон;
- феълларнинг буйруқ шакли;

* Ma,ta, sa, Mon, ton, son
эгалик олмошларини содда гапларда қўллаш;
*« aller » феълининг бирлик ва кўплик формасини гапда қўллаш;
Ce,cet,cette, ces кўрсатиш сифатларини гапда қўллай олиш;
« dans » предлогини гапларда қўллаш;
« il y a » иборасини гапда қўллаш;
« avoir »феълини бирлик формада айта олиш;
* Қисм билдирувчи артиклларни гапларда қўллай олиш;
* миқдор билдирувчи равишларни ёдлаш ва нутқда қўллаш;
* Combien de ... ? сўроғининг ишлатилиши;
* « de » предлогининг ишлатишини ўрганиш ва уларни гапларда қўллай олиш;
Il est ... ибораси ёрдамида вақтни тўғри айта олиш;
Il est midi. Il est minuit.

## 5 – синф102 соат A2/1

- барча гап бўлакларини ўргатиш;
- содда ва содда ёйиқ гапларда тиниш белгиларини тўғри қўллаш малака ва кўникмаларини ҳосил қилиш ва ривожлантириш;
- артикллар ва уларнинг ишлатилиши;
- от олдида артиклларнинг қўлланилмайдиган холатлари ва гап модели:
(Bonjour Madame !, Salut Pierre !)
- туташ артикллар (au, aux, du, des)
- Француз тилида отнинг грамматик категориялари (мужской ва женский родлар; бирлик ва кўплик сонлар);
- Futur Simple замонида феълларнинг тусланиши;

- олмошли феълларнинг ҳозирги замон аниқ майли « Présent de l'Indicatif »да тусланиши ва дарак гап модели (Je me présente, elle se présente)

- сўроқ гап:

1) оҳанг ёрдамида сўроқ гап ясаш(Tu t'habilles);

2) est-ce que сўроқ сўзи ёрдамида сўроқ гап ясаш (est-ce que tu t'habilles)

3)оддий ва мураккаб инверция орқали сўроқ гап ясаш;

4)où, quand, combien de сўзлари ва улар ёрдамида сўроқ гап ясаш (Où habite Pierre ? Il habite en France. Que fait ton père ? Il travaille à l'école.)

- qui est-ce? сўроқ сўзи;
- эгалик олмошлари (mes, tes, ses, nos, vos, leurs)
- être феъли боғловчи феъл сифатида: Nous sommes écoliers, elles sont jeunes.
- от-кесим (Mon nom est...);
- саноқ ва тартиб сонлар;
- предлоглар (à, de, près de, autour de, vers, au-dessus de, au-dessous de, après, avant, pendant, depuis, par, jusqu'à, sur, sous, devant, derrière, non loin de...)
- баъзи III гурух феълларининг Présent de l'Indicatif да тусланиши (venir, aller, partir, répondre...);
- ташқи кўринишга тааллуқли сифатларнинг отлар билан мослашуви ва ишлатилиши;
- сифатларнинг род ва сон категориялари, уларнинг отлар билан мослашуви;
- сифат даражалари;
- буйруқ майли; -буйруқ майлининг тасдиқ ва инкор шакли;
- ne...pas инкор юкламаси;
- à, de предлогларининг қаратқичликни англатишда қўлланилиши: A qui est ce stylo ? C'est à moi, c'est mon stylo. C'est le stylo de Marcel;
- боғловчи et;
- qu'est-cequ'ilyaсўроқ сўзли мураккаб бирикма;
- il y a, il n'y a pas иборалари;
- урғули кишилик олмошлари (moi, toi, lui, elle, nous, vous, eux, elles)
- comment сўроқ сўзи ва souvent, vite каби равишлар;
- par +semaine (jour, mois, année, каби пайтни ифодаловчи қурилмалар;
- beaucoup de миқдорни англатувчи равиш;
- феъл мазмунини кучайтирувчи равиш (j'aime beaucoup le français)
- Futur proche замонинг ишлатилиши;
- le, la, les олмошлари
- tout сифатининг женский, мужской ва бирлик, кўпликда ишлатиши;
- en, au предлогларининг йил фасллари олдида қўлланилиши;
- сўроқ сифатлари (quel, quelle, quels, quelles);
- il faut, il ne faut pas иборалари;
- féliciter, préparer феълларининг ўрганилган замонларда тусланилиши.

**6- синф102 соат A2/1**

- Passé composé замони ва унинг ясалиши; -сифатларининг ишлатилиши;
- avoir, être феъллари;
- parce que боғловчиси: je veux être medecin parce que...;
- être en train de...иборасининг ишлатилиши;
- quelqu'un, quelques-uns равишларининг ишлатилиши;

- предметлар жойини билдирувчи предлоглар (devant, près de, au milieu de);
- инкор юкламалари: ne...pas, ne....jamais, ne....rien, ne....personne;
- très сифати кучайтиришда: très belle, très grande;
- où, combien, comment, quel(le) сўроқ сўзлари;
- Буйруқ майлининг инкор шакли: Ne sautez pas sur le lit !;
- fairefeъли билан келадиган бирикмалар: faire la chambre, faire la vaisselle;
- қисм билдирувчи артикллар: du, de la, des;
J'aime la viande, Je veux de la viande, deux kilo de pommes de terre;
- баъзи II-III гурух феълларининг ҳозирги замони: Nous choisissons ces carottes, Mes leçons finissent à deux heures;
- Passé récent : Je viens de...
- où, mais боғловчилари;
- мавзу юзасидан учрайдиган барча феълларнинг ўтилган замонларда тусланиши ва ишлатилиши;
- саноқ ва тартиб сонлар 100 дан юқориси;
- pouvoir, vouloir феълларининг ўтилган замонларда тусланиши;
- сўроқ сўзлар: quand, où, pourquoi, quel(le);
- урғули олмошларни ажратиб кўрсатиш учун ишлатилиши;
Qui fait ?
C'est moi qui...
C'est lui qui...
- ça, cela кўрсатиш олмошлари;
- мамлакатлар номлари олдида ишлатиладиган предлоглар: en, au, aux : en Europe, au Canada, aux Etats Unis;
- сифат даражалари: оддий, қиёсий ва орттирма; aussi, plus, moins равишлари: En Europe il pleut plus qu'en Asie Centrale;
- шахссиз феъллар: il neige, il pleut.

**7- синф102 соат A2/2**

- Présent de l'Indicatif (такрорлаш);
- il y a ибораси (вақт бирликларини ифода этишда);
- йўлланма бериш мақсадидаги буйруқ гаплар: Allez tout droit puis tournez à gauche!
- умумий сўроқ гаплар: Qu'est-ce qu'il faut faire pour aller jusqu'à la gare?
- предлоглар: non loin de, devant, en face de, derrière, près de;
- beau, belle, vieux, vieille, ancien(ne), moderne каби сифатларнинг отлар билан мослашган ҳолда оддий, қиёсий ва орттирма даражада ишлатилиши;
- Passé composé нинг сабаб эргаш гапда parce que боғловчисидан кейин ишлатилиши: Je me porte mal parce que j'ai pris froid;
- il faut, il ne faut pas:
Il faut consulter le medecin;
- avoir mal à ибораси ва унинг ишлатилиши: Tu as mal à la tête, il faut prendre le médicament;
- devoir феъли ва ундан кейин infinitif нинг ишлатилиши: Je dois consulter le medecin;
- намуна сифатида Conditionnel présent : Je voudrais acheter;

- рангни ифодаловчи сифатлар, матосини билдирувчи сўзлар: en coton, en soie, à poids;

- яқин келаси замон (Futur proche) : Je vais acheter;

- me, te le, la, les, nous, vous, lui, leur каби кишилик олмошларининг воситали ва воситасиз тўлдирувчилар ўрнида ишлатилиши: Nous allons l'acheter;

- фақат кўпликда ишлатиладиган отлар;

- que боғловчили қўшма гаплар: Je crois que ça vous plaît;

- Futur simple;

- Indicatif замонлари Présent ; passé composé va futur simpleни қайтариш. Уларнинг мослашуви. C'est un sportif qui a gagné plusieurs médailles;

- спорт мавзусига доир равишлвр: vite, loin , fort (e), fible, simpa ...

- On шахси номаълум олмошининг ишлатилиши: On parle beaucoup de... On visite... On chante... .

- se composer, se diviser феълларининг ишлатилиши: La France se compose de...L'Ouzbékistan se divise en...

- en, y олмошлари;

- Imparfait замонининг ясалиши ва ишлатилиши;

- Futur Simple нинг ишлатилиши: Pendant les vacances j'irai dans les montagnes;

- en предлогининг ишлатилиши: voyage en train, voyage en avion;

- en Gérondif;

- мавзуга оид барча феълларнинг ўтилган замонда ишлатилиши.

**8- синф 102 соат A2/2**

- Ўтилган грамматик замонларни қайтариш;

- Si боғловчисидан кейин шарт эргаш гапли қўшма гапларда замонлар мослашуви: S'il pleut souvent, le colton en souffrira;

- peut être нинг ишлатилиши: Peut être en Mars il y a des gens qui ont quatre oreilles;

- ilya иборасининг ўтилган замонларда мавзуга боғлиқ ҳолда қўллаш;

- à cause de, à l'aide de боғловчилари;

- Imparfait ни такрорлаш;

- феълларда пассив шакл (voix passive) нинг ишлатилиши: Ce tableau est dessiné par Nodir, Ce monument est construit par...

- нисбий олмошларнинг қўлланилиши: dont, qui, où, que : Ce roman dont l'auteur est Victor Hugo m'a plu beaucoup;

- Plus-ce-parfait феъл замони ва унинг ўтган замонда феълларнинг мослашувида қўлланилиши: Alicher Navoï est né à Hérat où il avait passé son enfance;

- матбуотда, рўзнома ва журналларда ишлатиладиган тил замонларининг барчаси;

- кишилик олмошларининг воситасиз ҳамда воситали тўлдирувчи ўрнида ишлатилишини қайтариш (le, la, les, lui, leur) Chaque année au mois de mars le peuple ouzbek fête le Navrouz.

**9- синф 102 соат A2/3**

- сифатларнинг орттирма даражаси: La plus belle fleur

- равишларнинг орттирма даражаси;

- ўрганилган грамматик материалларни такрорлаш;
- олмошлар: le, la, les, lui, leur

Votez pour lui

- Plus-que-parfait нинг ишлатилиши;
- ўз фикрларини баён этишда ишлатиладиган баъзи иборалар ва уларнинг грамматик жиҳатлари: Je crois que selon moi, lui..., Je pense que, à mon avis...
- Futur dans le passé замонининг ясалиши ва қўлланилиши;
- кўчирма гапни ўзлаштирма гапга айлантириш: Isabelle a dit à sa mère : « Je veux savoir de quelle couleur est le drapeau de l'Ouzbékistan.

Isabelle a dit à sa mère qu'elle voulait savoir la couleur du drapeau de l'Ouzbékistan.

- аниқлик майли замонларининг мослашуви (plan de passé);
- Conditionnel présent нинг содда гапларда қўлланилиши: si Présent+infinitif
- хушмуомалаликни ифодалаш учун;
- que боғловчи орқали мураккаб гап ясаш (тўлдирувчи эргаш гапли қўшма гап);
- кўчирма гапни ўзлаштирма гапга айлантириш (qui, que, si, de боғловчиларнинг эргаш гапларда ишлатилиши;
- феълнинг шахссиз формалари: infinitif, participe, gérondif : Il travaillait en chantant.
- c'est...que, ce sont...que, c'est...qui, ce sont....qui ёрдамида гап бўлагига мантиқий урғу бериш;
- феълнинг пассив формаси: Cette lettre a été écrite par mon frère.
- après avoir+participe passé қурилмаси ;
- vouloir, devenir феълларининг келаси замонлари.

**Француз тили фанидан талаффуз минимуми**

**2-синф A1/2**

Изоҳ: фонетика асосий дарс жараёнида интеграллашган ҳолда амалга оширилиши шарт.- алифбо;

- унли ва ундош товушларни тўғри талаффуз қилиш;
- дифтонглар;
- француз тилидаги бурун товушлар талаффузи;
- француз тилида урғу;
- дарак, сўроқ, инкор гапларда оҳанг;
- буйруқ гапларда оҳанг;
- француз тилида сўз охирида ўқилмайдиган ҳарфлар;
- «h » ҳарфининг ўқилиш қоидалари;
- « c », « g » ҳарфларининг талаффуз қоидалари;
- ўзбек ва француз тилларидаги ҳарф бирикмаларининг талаффузи;
- « n », « m » ҳарфларининг соф ва бурун товушларни ҳосил қилиши;
- диаректик белгиларнинг ўқилиш қоидалари (accent aigu, accent graphe, accent circonflèxe);

## 3-синф А1/2

- содда гапларнинг оҳанги;
- унлиларнинг очиқ ва ёпиқ бўғинларда ўқилиши;
- унли ва ундош товушларни нутқ жараёнида фарқлаш ва уларни талаффуз қилиш;
- ёрдамчи сўзларнинг бир-бирига боғланиб ўқилиши;
- дарак,сўроқ гапларнинг оҳанги;
- ҳарф бирикмалари.

## 4- синф 68 соат А1/3

- унли ва ундош харфларнинг ўзига хос талаффузлари;
- бурун товушларининг талаффузи;
- сўзларнинг бир-бири билан боғлаб ўқилиши;
- ўқиш техникаси қоидарига риоя қилиш;
- дарак, сўроқ, буйруқ ва ҳис ҳаяжон гапларнинг оҳанги.

## 5-синф102 соат А2/1

- ўрганилган фонетик қоидаларга асосланган ҳолда таниш сўзларни тўғри талаффуз қилиш;
- сўзлардаги ҳарф бирикмаларни тўғри талаффуз қилиш;
- матнларни ўқиш жараёнида урғу ва оҳанг қоидаларига риоя қилиш;
- талаффуз қилиш қоидаларига риоя қилиш ва тўғри талаффуз қилиш малака ва кўникмаларини ривожлантириш;
-тематик луғат тузиш ва уни тўлдириш;
- маълум коммуникатив ситуацияларга асоланган матнларда турли хил коммуникатив гапларнинг оҳанг нормаларида талаффуз қилиниши.

## 6- синф 102 соат А2/1

- ўрганилган фонетик қоидаларга асосланган ҳолда таниш сўзларни тўғри талаффуз қилиш;
- сўзлардаги ҳарф бирикмаларни тўғри талаффуз қилиш;
- матнларни ўқиш жараёнида урғу ва оҳанг қоидаларига риоя қилиш;
- талаффуз қилиш қоидаларига риоя қилиш ва тўғри талаффуз қилиш малака ва кўникмаларини ривожлантириш;
- тематик луғат тузиш ва уни тўлдириш;
- маълум коммуникатив ситуацияларга асоланган матнларда турли хил коммуникатив гапларнинг оҳанг нормаларида талаффуз қилиниши.

## 7- синф 102 соат А2/2

- ўрганилган фонетик қоидаларга асосланган ҳолда таниш сўзларни тўғри талаффуз қилиш;
- сўзлардаги ҳарф бирикмаларини тўғри талаффуз қилиш;
- матнларни ўқиш жараёнида урғу ва оҳанг қоидаларига риоя қилиш;

- талаффуз қилиш қоидаларига риоя қилиш ва тўғри талаффуз қилиш малака ва кўникмаларини ривожлантириш;

- тематик луғат тузиш ва уни тўлдириш;

- маълум коммуникатив ситуацияларга асосланган матнларда турли хил коммуникатив гапларнинг оҳанг нормаларида талаффуз қилиниши.

**8- синф 102 соат A2/2**

- ўрганилган фонетик қоидаларга асосланган ҳолда таниш сўзларни тўғри талаффуз қилиш;

- сўзлардаги ҳарф бирикмаларни тўғри талаффуз қилиш;

- матнларни ўқиш жараёнида урғу ва оҳанг қоидаларига риоя қилиш;

- таллафуз қилиш қоидаларига риоя қилиш ва тўғри талаффуз қилиш малака ва кўникмаларини ривожлантириш;

- тематик луғат тузиш ва уни тўлдириш;

- маълум коммуникатив ситуацияларга асосланган матнларда турли хил коммуникатив гапларнинг оҳанг нормаларида талаффуз қилиниши.

**9- синф 102 соат A2/3**

- ўрганилган фонетик қоидаларга асосланган ҳолда таниш сўзларни тўғри талаффуз қилиш;

- сўзлардаги ҳарф бирикмаларни тўғри талаффуз қилиш;

- матнларни ўқиш жараёнида урғу ва оҳанг қоидаларига риоя қилиш;

- талаффуз қилиш қоидаларига риоя қилиш ва тўғри талаффуз қилиш малака ва кўникмаларини ривожлантириш;

- тематик луғат тузиш ва уни тўлдириш;

- маълум коммуникатив ситуацияларга асосланган матнларда турли хил коммуникатив гапларнинг оҳанг нормаларида талаффуз қилиниши.

• Талаффуз минимуми дарслик ва ўқув қўлланмаларини яратиш чоғида лексик ва грамматик материалларнинг танланиши ва тақсимоти билан боғлиқ ҳолда синфлар бўйича машқларда ўзлаштиришга мўлжалланади.

**Умумий ўрта таълим мактабларида француз тилидан ҳар бир синфда ўрганиладиган мавзулар тақсимоти**

| 1– синф (А1/1) 66 соат | | |
|---|---|---|
| Т/р | Мавзулар ва кичик мавзулар | Соат |
| 1. | **Танишув**<br>· саломлашиш маданияти ва турлари (катталарга, тенгдошларига);<br>· хайрлашиш;<br>· ҳол-аҳвол ва узр сўраш;<br>· тили ўрганилаётган мамлакат ҳақида маълумот. | 4 |
| 2. | **Ўзим ҳақимда**<br>· ўзини таништириш, норасмий ёки расмий жавоб;<br>· яшаш манзили;<br>· ёши ва она шаҳри. | 4 |
| 3. | **Оила**<br>· оила аъзолари таркиби;<br>· оила аъзоларининг исмлари;<br>· ота ва она ҳақида. | 4 |
| 4. | **Менинг дўстим**<br>· дўстининг исми;<br>· миллати;<br>· яшаш жойи. | 3 |
| | **Такрорлаш** | 3 |
| | | **18** |
| 5 | **Ранглар**<br>· рангларнинг номлари;<br>· хонадаги жиҳозларнинг ранглари;<br>· шакллар ҳақида. | 2 |
| 6 | **Ўйинчоқлар**<br>· ўйинчоқлар номлари ва уларнинг ранги;<br>· ўзининг ўйинчоқларини таништириш. | 4 |
| 7 | **Атрофимиздаги олам**<br>· қуёш, осмон, ой, юлдуз;<br>· фасллар номлари. | 5 |
| | **Такрорлаш** | 3 |
| | | **14** |
| 8 | **Тана аъзолари**<br>· тана аъзоларининг номи;<br>· тана аъзолари. | 4 |
| 9 | **Синфда**<br>· синф хонаси жиҳозларининг номлари;<br>· синфнинг ҳажми ва ранги;<br>· синфда ишлатиладиган иборалар. | 5 |
| 10 | **Рақамлар**<br>· саноқ сонлар (1-30);<br>· ҳафта кунлари. | 2 |

| | | |
|---|---|---|
| 11 | **Мева ва сабзавотлар**<br>· мева номлари;<br>· сабзавотлар номлари;<br>· уларнинг ранглари ва сонлари. | 4 |
| | **Такрорлаш** | 3 |
| | | 18 |
| 12 | **Мен нима қила оламан**<br>· кундалик фаолият турлари;<br>· ўқитувчининг кўрсатмалари тушуниш ва уларни бажариш;<br>· дарсда нима қила олишини айта билиш;<br>· мавзуга оид шеър ва рифмовкалар. | 2 |
| 13 | **Ҳайвонлар**<br>· уй ҳайвонларининг номлари;<br>· ёввойи ҳайвонлар номлари;<br>· ёқтирган ҳайвонлари. | 4 |
| 14 | **Эртак қаҳрамонлари**<br>· ўзи ёқтирган эртак номини айтиш;<br>· ўзи ёқтирган эртак қахрамони номини айтиш;<br>· ўзи ёқтирган эртак қахрамонининг баъзи белгиларини айтиш. | 4 |
| | **Такрорлаш** | 4 |
| | | 16 |
| | **Жами** | 66 |

| 2- синф (А1/2) 68 соат | | |
|---|---|---|
| **Т/р** | **Мавзулар ва кичик мавзулар** | **Соат** |
| 1 | **Менинг мактабим**<br>- ўзи ўқиётган мактабнинг катта ёки кичиклиги;<br>- неча қаватдан иборат эканлиги;<br>- ўзи ўқиётган мактаб тасвири;<br>- француз алифбоси. | 6 |
| 2 | **Ўқув қуроллари**<br>- ўқув қуроллари номи;<br>- ўқув қуролларининг сони, ранги, шакли;<br>- француз алифбоси. | 5 |
| 3 | **Ўқув фанлари**<br>- ўқув фанларининг номлари;<br>- мен ёқтирган фан;<br>- дарс жадвали;<br>- француз алифбоси. | 4 |
| | **Такрорлаш** | 3 |
| | | 18 |
| 4 | **Рақамлар**<br>- биз санаймиз (1-31 гача тартиб сонлар);<br>- 50 гача саноқ сонлар;<br>- сонлар ва сана;<br>- ой, ҳафта, кунлари;<br>- француз алифбоси. | 2 |

| | | |
|---|---|---|
| 5 | **Вақт**<br>- кўрсатилган расмларда вақт;<br>- соат неча бўлди?;<br>- вақт мавзусига оид шеър. | 4 |
| 6 | **Кун тартиби**<br>- кўрсатилган расмларда вақт;<br>- соат неча бўлди?;<br>- вақт мавзусига оид шеър. | 5 |
| | **Такрорлаш** | 3 |
| | | 14 |
| 7 | **Кийимлар**<br>- кийимларнинг номлари;<br>- қиз ва ўғил болалар кийимлари номлари;<br>- кийим ранглари;<br>- ёқтирган кийимлар. | 5 |
| 8 | **Байрамлар**<br>- туғилган кун;<br>- оналар байрами;<br>- расмда кўрсатилган байрам кўринишлари;<br>- мавзуга оид шеър ва қўшиқлар. | 6 |
| 9 | **Менинг қизиқишларим**<br>- ўз қизиқишлари;<br>- баъзи мусиқа асбобларининг номлари;<br>- баъзи спорт турларининг номлари;<br>- қўшиқ ва шеър. | 6 |
| | **Такрорлаш** | 3 |
| | | 20 |
| 10 | **Эртаклар оламида**<br>- миллий эртаклар;<br>- дунё эртаклари;<br>- эртак қаҳрамонлари. | 4 |
| 11 | **Менинг бўш вақтим**<br>- ўз қизиқишлари;<br>- таътилда;<br>- саёҳат;<br>- дам олиш маскани. | 4 |
| 12 | **Дам олиш куним (ҳайвонот боғида, циркда, театрда, кинода, ҳиёбонда, меҳмонда).**<br>- ҳайвонот боғида;<br>- циркда;<br>- кино ва театрда;<br>- ҳиёбонда;<br>- шеър ва қўшиқ. | 4 |
| | **Такрорлаш** | 4 |
| | | 16 |
| | **Жами** | 68 |

| 3- синф (А1/2) 68 соат | | |
|---|---|---|
| **Т/р** | **Мавзулар ва кичик мавзулар** | **Соат** |
| **1** | **Менинг уйим**<br>- хона номлари;<br>- хоналар сони;<br>- хона жиҳозлари;<br>- менинг хонам. | **6** |
| **2** | **Менинг қариндошларим *(ёши, ташқи кўриниши ва касби)***<br>- қариндошлар номлари, уларнинг сони;<br>- қариндошлар ҳақида (исми, ёши, қариндошлик муносабати, яшаш жойи). | **6** |
| **3** | **Атрофимиздаги олам**<br>- ўз шаҳри, қишлоғи ҳақида;<br>- ўз кўчаси ҳақида. | **3** |
| | **Такрорлаш** | **3** |
| | | **18** |
| **`4** | **Йил фасллари, ойлар, об-ҳаво**<br>- йил фасллари номлари, ойларнинг номлари;<br>- табиат ҳодисалари;<br>- ёқтирган фасли ҳақида. | **4** |
| **5** | **Ҳайвонлар, қушлар**<br>- қушларнинг номи;<br>- ҳашаротлар номлари;<br>- қушлар ва ҳашаротларга нисбатан муносабат;<br>- қуш ёки ҳашоратни тасвирлаш. | **3** |
| **6** | **Соғлиқ ва гигиена**<br>- тана аъзоларининг номлари;<br>- гигиена воситалари;<br>- мавзу бўйича расмлар. | **4** |
| | **Такрорлаш** | **3** |
| | | **14** |
| **7** | **Телефонда суҳбат (гаплашиш одоби)**<br>- телефонда суҳбат;<br>- телефонда гаплашиш одобига оид сўзлар;<br>- телефонда хайрлашишга оид сўзлар;<br>- шеър, қўшиқ. | **4** |
| **8** | **Транспорт ( Саёҳат)**<br>- транспорт воситалари номлари;<br>- транспорт воситаларини тасвирлаш;<br>- транспорт билан саёҳат;<br>- мактабга транспортда бориш. | **8** |
| **9** | **Ўсимликлар**<br>- ўсимликлар номлари;<br>- ўзи ёқтирган ўсимликлар;<br>- ўсимликлар ранги;<br>- мавзуга оид шеър ва ашулалар. | **3** |
| | **Такрорлаш** | **5** |

| | | |
|---|---|---|
| | | **20** |
| **10** | **Қизиқишларим олами (*АКТ, спорт, мусиқа, ўқиш*)**<br>- АКТ, мусиқа, спорт ва бошқа соҳаларга оид сўзлар;<br>- компьютер;<br>- мен ёқтирган спорт тури;<br>- мусиқа тинглаш ва китоб ўқиш. | **7** |
| **11** | **Эртак ва мультфильм қаҳрамонлари**<br>- эртак қаҳрамонлари;<br>- мультфильм қаҳрамонлари;<br>- қаҳрамонларга муносабат;<br>- ўзи ёқтирган қаҳрамонларни расмини чизиш ва қисқача тасвирлаш. | **5** |
| | **Такрорлаш** | **4** |
| | | **16** |
| | **Жами** | **68** |



| **4- синф (А1/3) 68 соат** | | |
|---|---|---|
| **Т/р** | **Мавзулар ва кичик мавзулар** | **Соат** |
| **1** | **Ўзбекистон *(умумий маълумотлар*)**<br>- Ўзбекистоннинг географик жойлашиши, пойтахти;<br>- ўзи яшаётган мамлакат харитаси;<br>- табиат ва иқлими;<br>- вилоят, дарё, кўллар номлари;<br>- мавзуга оид шеър ва ашулалар. | **4** |
| **2** | **Тили ўрганилаётган мамлакат *(умумий маълумотлар*)**<br>- тили ўрганилаётган давлат (Франция)нинг жуғрофий жойлашиши, пойтахти;<br>- тили ўрганилаётган мамлакат харитаси;<br>- табиат ва иқлими;<br>дарё, океан, кўл номлари. | **6** |
| **3** | **Ота-онамнинг касби**<br>- касблар номи;<br>- ота-онаси касби;<br>- ўзи орзу қилган касб;<br>- мавзуга оид шеърлар ёдлаш. | **5** |
| | **Такрорлаш** | **3** |
| | | **18** |
| **4** | **Дўконда (Озиқ-овқат дўконида)**<br>- дўкон ва унинг турлари;<br>- сотувчи билан мулоқот;<br>- харид қилмоқчи бўлган маҳсулот,<br>- озиқ-овқат;<br>- сонлар;<br>- миқдор бирликлари. | **4** |
| **5** | **Спорт**<br>- умумий ва миллий спорт турлари;<br>- спортга нисбатан бўлган қизиқиш;<br>- мактабда ўтказиладиган спорт мусобақалари;<br>- менинг севган спортим. | **4** |

| | | |
|---|---|---|
| 6 | **Ўзбекистонда ва тили ўрганилаётган мамлакатлар байрамлари**<br>- байрамлар;<br>- ўзи ёқтирган байрам;<br>- байрамлар ҳақида шеър, ашула ва кичик саҳна кўринишлари. | **2** |
| | **Такрорлаш** | **4** |
| | | **14** |
| 7 | **Шифокор ҳузурида**<br>- соғлиги ҳақида шифокорга мурожаат;<br>- касаллиги ҳақида;<br>- шифокор маслаҳати;<br>- дорихона. | **4** |
| 8 | **Меҳмонда**<br>- меҳмонга бориш этикети;<br>- дастурхон безаш;<br>- овқатланиш маданияти;<br>- дастурхон атрофида ўзини тутиш;<br>- миннатдорчилик билдириш;<br>- хайрлашиш. | **5** |
| 9 | **Саёҳат**<br>- шаҳарга саёҳат;<br>- табиат қўйнига саёҳат;<br>- диққатга сазовор жойлар;<br>- музейлар. | **7** |
| | **Такрорлаш** | **4** |
| | | **20** |
| 10 | **Менинг куним**<br>- ўзининг кун тартиби;<br>- ўқиётган мактаби;<br>- яшаётган жойи;<br>- бўш вақт. | **2** |
| 11 | **Уй юмушлари**<br>- уй юмуши турлари;<br>- менинг уйдаги вазифаларим;<br>- ашула, шеър. | **2** |
| 12 | **Эртаклар олами**<br>- мен ёқтирган эртак;<br>- эртак қаҳрамонларига нисбатан муносабат. | **4** |
| 13 | **Мен француз тилида гапиришим керак** | **3** |
| | **Такрорлаш** | **5** |
| | | **16** |
| | **Жами** | **68** |

| 5 – синф (A2/1) 102 соат | | |
|---|---|---|
| **Т/р** | **Мавзулар ва кичик мавзулар** | **Соат** |
| **1** | **Ўзи ҳақида**<br>Бошланғич таълимда олинган билимлар: саломлашув, танишув, манзил, она шаҳри, ўзи ҳамда ўртоғи ҳақида қисқача маълумот (масалан: яшаш жойи, кимлиги ва бошқалар)ни такрорлаш. | **6** |
| **2** | **Оила**<br>- ўзи ёки дўстининг оила аъзолари;<br>- ташқи кўриниши ёши, миллати;<br>- яшаш жойлари, манзили, касби, ишхонаси. | **12** |
| **3** | **Мактаб**<br>- синфда қўлланиладиган иборалар;<br>- кўрсатмалар бериш ва бажариш;<br>- ўқув фанлари; уларни ёқтириш ёки ёқтирмаслик;<br>- ўзи ёки дўстининг дарс жадвали, ўқиш кунлари;<br>- синф хонаси, унинг жиҳозлари ва ўқув қуроллари, уларнинг ҳажмлари ва ранги, кимга тегишлилиги;<br>- мактаб биноси, унинг қисмлари, ҳовлиси ва кутубхонаси. | **20** |
| **4** | **Кундалик фаолият** | **6** |
| **5** | **Мен ёқтирган нарсалар**<br>- ўзи (дўсти ёки оила аъзолари)нинг ёқтирган, ёқтирмаган нарсалари; севимли машғулот;<br>- у(лар)ни қизиқтирган нарсалар. | **7** |
| **6** | **Ҳайвонлар дунёси**<br>- уй ва севимли ҳайвонлар, уларнинг кўриниши ва ранглари, ҳайвон-ларга нисбатан бўлган муносабат;<br>- ёввойи ҳайвонлар, уларнинг яшаш жойлари. | **14** |
| **7** | **Йил фасллари**<br>- фасллар, вақт, кун, ҳафта, йил;<br>- ойлар, ойларнинг бир-биридан фарқи, тартиби, кунлар;<br>- об-ҳаво, унинг фаслларда ўзгариши, об-ҳавога бўлган муносабат. | **14** |
| **8** | **Байрамлар.**<br>(Наврўз)байрамларни нишонлашда қилинадиган ишлар. | **7** |
| | **Мустақил иш** | **4** |
| | **Такрорлаш** | **4** |
| | **Назорат иши** | **8** |

| 6- синф (A2/1) 102 соат | | |
|---|---|---|
| **Т/р** | **Мавзулар ва кичик мавзулар** | **Соат** |
| **1** | **Оила**<br>- ўзи (ёки дўсти)нинг оиласи;<br>- ўзи (ёки дўсти)нинг қариндошлари;<br>- ўз оила аъзолари (ёки дўсти)нинг иши, иш жойлари, касблари. | **7** |
| **2** | **Уй**<br>- ўз уйи ва унинг хоналари, хонанинг жойлашган ўрни;<br>- уй жиҳозлари, ранги, шакли, материали, сони;<br>- уй рўзғор ишлари, уй юмушларини бажаришда онага бериладиган ёрдам. | **7** |
| **3** | **Озиқ-овқатлар**<br>- озиқ-овқат магазинида;<br>- бозорда;<br>- харид, уларнинг оғирлиги, нархлари ва миқдори. | **16** |
| **4** | **Туғилган кун**<br>- ўзи (ёки дўстри)нинг туғилган куни;<br>- таржимаи хол. | **7** |
| **5** | **Менинг кечаги иш куним** | **7** |
| **6** | **Таом**<br>- таом тайёрлаш; Ўзбекистон ва Франциядаги таомлардан бирини тайёрлаш усули; идишлар;<br>- дастурхон атрофида; дастурхон атрофи одоби; нонушта, тушлик, кечки овқатланиш ва таом турлари. | **14** |
| **7** | **Ўзбекистон ва тили ўрганилаётган мамлакатлар географияси:**<br>- географик жойлашиши; чегарадош мамлакатлар;<br>- дарё, кўл, денгиз, ва тоғлари;<br>- ер майдони ва аҳолиси;<br>- табиат ва иқлими. | **22** |
| **5** | **Эртаклар олами** | **6** |
| | **Мустақил иш** | **4** |
| | **Такрорлаш** | **4** |
| | **Назорат иши** | **8** |

| 7- синф (A2/2) 102 соат | | |
|---|---|---|
| **Т/р** | **Мавзуларва кичик мавзулар** | **Соат** |
| 1 | **Қишлоқ ва шаҳарлар**<br>- ўзи яшаётган қишлоқ ёки шаҳар, у ердаги диққатга сазовор жойлар;<br>- манзилга қандай боришни сўраш ёки кўрсатмалар бериш. | 8 |
| 2 | **Соғлиқ**<br>- инсоннинг тана аъзолари;<br>- шифокор ҳузурида. | 10 |
| 3 | **Спорт**<br>- умумий ва миллий спорт турлари;<br>- спорт мусобақалари;<br>- олимпиада ўйинлари, ғолиб спортчилар ва командалар. | 18 |
| 4 | **Кийимлар**<br>- Ўзбекистон ва тили ўрганилаётган мамлакатларга хос бўлган турли уст-бош, оёқ кийимлар, уларнинг ранглари, ўлчамлари ҳамда материали;<br>- харид ва харидорлар ҳуқуқи. | 16 |
| 5 | **Бўш вақт ва севимли машғулот (хобби).** | 8 |
| 6 | **Ўзбекистон ва тили ўрганилаётган мамлакатларнинг маъмурий бўлиниши**<br>- вилоятлар, туманлар, худудлар. | 8 |
| 8 | **Таътиллар. Саёҳат.**<br>- таътил, таътил режалари;<br>- машҳур жойларга саёҳат. | 16 |
| | **Мустақил иш** | 4 |
| | **Такрорлаш** | 4 |
| | **Назорат иши** | 8 |

| 8- синф (A2/2) 102 соат | | |
|---|---|---|
| **Т/р** | **Мавзулар ва кичик мавзулар** | **Соат** |
| 1 | **Байрамлар ва анъаналар** | 10 |
| 2 | **Оммавий ахборот воситалари**<br>- матбуот (газета ва журналлар);<br>- телевидение ва радио. | 18 |
| 3 | **Маданият. Санъат**<br>- мусиқа, адабиёт, кино, театр, пьеса, санъат галлерияси, рассомчилик, ҳайкалтарошлик;<br>- Ўзбекистон ва тили ўрганилаётган мамлакатларнинг машҳур кишилари. | 48 |
| 4 | **Атроф-муҳит муаммолари**<br>- уларнинг келиб чиқиш сабаблари, уларнинг олдини олиш чоралари. | 10 |
| | **Мустақил иш** | 4 |
| | **Такрорлаш** | 4 |
| | **Назорат иши** | 8 |

| 9- синф (A2/3) 102 соат | | |
|---|---|---|
| **Т/р** | **Мавзулар ва кичик мавзулар** | **Соат** |
| **1** | **Ўзбекистон ва тили ўрганилаётган мамлакатлар давлат тизими**<br>- давлат тизими, уларнинг байроғи, герби, конституцияси.<br>- бошқарув идоралари. | **8** |
| **2** | **Ўзбекистон ва тили ўрганилаётган мамлакатлар таълим тизими** | **8** |
| **3** | **Мен ёқтирган касб** | **18** |
| **4** | **Иқтисодиёт**<br>- саноат, саноат маҳсулотлари;<br>- бошқарув идоралари. | **18** |
| **5** | **Маиший хизмат**<br>(сартарошхона, пойабзал тузатиш, кийим тикиш ва бошқалар). | **16** |
| **6** | **Глобаллашув ва Ўзбекистон** | **8** |
| **7** | **Алоқа тизими**<br>- хатлар;<br>- алоқа бўлимида;<br>- телефонда;<br>- интернет, электрон почта. | **8** |
| | **Мустақил иш** | **4** |
| | **Такрорлаш** | **4** |
| | **Назорат иши** | **10** |

* Ўқув дастурида берилган мавзулар ва кичик мавзулар шунингдек, синфлар кесимидаги грамматик, фонетик ва бошқа йўналишдаги материаллар дарслик мажмуаларини яратишда муаллифлар томонидан маълум даражада ижодий ёндашган ҳолда ўзгартиришлар киритилиши мумкин.